

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF  
«SCIENTIFIC PROGRESS»

ISSN: 2181-1601

2021, MARCH 15



# The 21<sup>st</sup> Century Skills for Professional Activity

Proceedings of the 3<sup>rd</sup> International  
Scientific-Practical Distance  
Conference



[www.scientificprogress.uz](http://www.scientificprogress.uz)

UZBEKISTAN



SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF  
«SCIENTIFIC PROGRESS»  
ISSN: 2181-1601

# THE 21<sup>st</sup> CENTURY SKILLS FOR PROFESSIONAL ACTIVITY

PROCEEDINGS OF THE 3<sup>rd</sup> INTERNATIONAL  
SCIENTIFIC-PRACTICAL DISTANCE CONFERENCE



[www.scientificprogress.uz](http://www.scientificprogress.uz)

TASHKENT, UZBEKISTAN  
2021, MARCH 15

***EDITOR-IN-CHIEF***

**SHAKHLO BOTIROVA**

Doctor of Philosophy in Philology, Associate Professor  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

***EDITORIAL BOARD***

**GULJIHAN NURISHEVA**

Doctor of Philosophy, Professor  
National University of Kazakhstan named after Al Farabi

**RAKHMATULLA BEKMIRZAEV**

Doctor of Physical and Mathematical Sciences, Professor  
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

**GULCHEHRA GAFFAROVA**

Doctor of Philosophy, Professor  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**SHOIRA DONIYAROVA**

Doctor of Philology, Associate Professor  
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

**MARAT SULTONOV**

Doctor of Chemical Sciences, Associate Professor  
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

**SAYFULLA BOBOEV**

Doctor of Biological Sciences, Associate Professor  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

**ATANAZAR SEYTNAZAROV**

Doctor of Technical Sciences, Associate Professor  
Academy of Sciences of Uzbekistan

**ZUKHRA YAKHSHIEVA**

Doctor of Chemical Sciences, Associate Professor  
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

**MUKADDAS ABDURAKHMANOVA**

Candidate of philological sciences, Associate Professor  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

**BERDIYOR SAPAROV**

Doctor of Philosophy in Philosophy, Associate Professor  
Tashkent State Agrarian University

**OTABEK NASIROV**

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**MIRZOALI KHUDOYBERGANOV**

Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

**SURAYYO ESHONKULOVA**

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor  
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

**SHOIRA ABDUJALILOVA**

Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**BAKHODIR MUMINOV**

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor  
Tashkent State Agrarian University

**NIGORA ASHURMETOVA**

Candidate of Economic Sciences, Associate Professor  
Tashkent State Agrarian University

**NODIRA SOBIROVA**

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

**NODIRA SOATOVA**

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor  
Jizzakh State Pedagogical Institute named after Abdulla Qodiri

***EDITORIAL BOARD***

**HABIBULLA AHADKULOV**

Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor  
Northern University of Malaysia

**MAVLUDA RAKHIMSHIKOVA**

Candidate of Philosophical Sciences, Associate Professor  
University of South Kazakhstan named after Mukhtar Avezov

**KULASH TULENTAEVA**

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor  
National University of Kazakhstan named after Al Farabi

**ULUGBEK MINGBOEV**

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Associate Professor  
Jizzakh regional Center for Retraining and Advanced Training of

Public Educators

**OYBEK HAYITOV**

Candidate of Psychological Sciences, Associate Professor  
Regional Center for Scientific and Methodological Support,

Retraining and Advanced Training of Physical Culture and Sports

**IRODA AZIMOVA**

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor  
University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

**JUMMAGUL ABDURAKHMONOVA**

Candidate of Historical Sciences, Associate Professor  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**SOFIYA DJUMAEVA**

Candidate of Philological Sciences, Associate Professor  
Tashkent Regional Center for Retraining and Advanced Training of

Public Educators

**NAVBAHOR UMAROVA**

Doctor of Philosophy in Psychology, Associate Professor  
Uzbek State University of Physical Culture and Sports

**MAVJUDA TILAKOVA**

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Associate Professor  
Jizzakh Regional Center for Retraining and Advanced Training of

Public Educators

**FURKAT RAJABOV**

Doctor of Philosophy in Geography, Associate Professor  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**DILFUZA MAHMUDOVA**

Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences, Associate Professor  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

**ILHOMJON ASLANOV**

Doctor of Philosophy in Geography, Associate Professor  
Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Engineers

**NILUFAR JURAEVA**

Candidate of Technical Sciences, Associate Professor  
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

**MARINA KOSBERGENOVA**

Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor  
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

**MASHKHURAKHON DARMONOVA**

Doctor of Philosophy in History, Senior Researcher  
Academy of Sciences of Uzbekistan

**TURIZM SOHASIDA XORIJIY TILLARNING AHAMIYATI**

Axmatova Oltinoy Jamshidovna

Buxoro davlat universiteti Iqtisodiyot va turizm fakulteti talabasi

*Ilmiy rahbar: Alimova Shaxnoza Oktyamovna*

*Buxoro davlat universiteti Turizm va mehmonxona xo'jaligi kafedrasida o'qituvchisi*

**Annotatsiya:** Ilmiy maqolada mamlakat bo'ylab xorijiy tillarni o'rganishni takomillashtirish, O'zbekistonga turistlarni ko'proq jalb qilish uchun tilning ahamiyatligi yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** turizmni rivojlantirish, xorijiy tilga talab, sifatli xizmat, tilning turli sohalardagi ahamiyati

Turizmni, avvalambor xususiy sektorda takomillashtirish uchun qulay sharoit-sharoitlar yaratish, ko'rsatilayotgan xizmatlarning raqobatbardoshligini va sifatini oshirish, milliy turizm mahsulotini jahon bozorida faol va kompleks ravishda targ'ib qilish, shuningdek O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga 2018-yil 28-dekabrda qilgan Murojaatnomasida bildirilgan takliflarni amalda tatbiq etish maqsadida hamda 2017-2021 yillarda O'zbekiston respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan vazifalarga muvofiq turizm tarmog'i kadrlar tayyorlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish tizimini takomillashtirish, turizm infratuzilmasini rivojlantirish hamda maqbul va qulay turizm muhitini yaratish, transport logistikasini rivojlantirish, ichki va tashqi yo'nalishlarni kengaytirish, transport xizmatlari sifatini oshirish rejaga kiritildi. [1]

Turizmni rivojlantirish uchun shunday vazifalar turgan ekan, albatta xorijiy tillarga nisbatan ehtiyoj oshadi. Sababi mazkur sohani xorijiy tillarsiz tasavvur qilish qiyin. Tashqi turizm bevosita xorijiy mehmonlar va ularning istak-xohishlari bilan bog'liq bo'lar ekan, bizdan albatta xorijiy tillarni o'rganish talab etiladi.

Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti o'qituvchisi Ganiyeva Saodatning fikricha, gid-tarjimonni bilimi tarjima qilish va tarjimon sifatida ishlash uchun muhim bo'lgan, xorijiy tilda ravon gapiradigan mukammal tayyorlangan shaxs deb ta'riflaydi. [1]

Butun jahon turizm tashkiloti dasturchi menedjeri Sonia Figueras o'z maqolasida, "Har qanday sayyoh til cheklovlari tufayli bunday tajribaga duch kelgan bo'lsa ham, ularning umumiy sayyohlik tajribasi juda qoniqarli bo'lganiga qaramay, ular uylariga xabar berishmoqchi bo'lgan birinchi tajriba yoqimsiz bo'lib, ularning ta'tiliga salbiy baho va tavsiyalar qoldiradi", - deb ma'lumot bergan.[2]

Kingsley Uchenna: "Kutilayotgan natijalarni tushunish sayyohni qoniqtirishga erishish kalitidir. Yaxshi og'zaki va yozma nutq muloqot qobiliyatlari turli lavozim va darajalarda mehmondo'stlik amaliyotchilari uchun muhim bo'lgan eng yaxshi ko'nikmalardir", - deb o'z fikrini bildiradi. [3]

Xorijiy tillarni bilish va ravon gapira olish bu turist bilan bevosita va iliq munosabat garovi hisoblanadi va albatta turizmning rivojlanishi uchun asosiy omil bo`lib xizmat qiladi. Turizm sohasida, mehmonxona xizmatida oqsochlar ham xorijiy tillarni o`rganishga iloji boricha jalb qilinadi. Sababi ular mijozni aniq va to`liq tushungandagina sifatli xizmat ko`rsata oladi va mehmonxona nufuzi oshadi. Odamlar uchun til eng kuchki vosita bo`lib qolmoqda. Ingliz, fransuz va boshqa xalqaro obro`li tillarda yuqori darajadagi til savodxonligi millat va dunyoning boshqa xalqlari o`rtasida hayotiy tashqi aloqalarni o`rnatishi kunday ravshan. Xorijiy til sifatida fransuz tilini misol qilib olaylik. Fransuz tili dunyodagi eng ko`p ishlatiladigan, til, bu aksariyat insonlarning o`zaro muomalasi va aloqalarida rasmiy aloqa uchun birinchi, ikkinchi til hisoblanadi. Nigeriyada fransuz tiliga alohida e`tibor berilib, turistik sohada muvaffaqiyatli muloqot qilish uchun juda ko`p chet tillarini bilish juda muhimdir.

Yuqorida turizm sohasida xorijiy tillarning ahamiyati har tomonlama ilmiy ko`rib chiqildi. O`zbekiston turizm va sayohat raqobatbardoshligini oshirish, ko`proq turistlarni jalb qilish, mehmonxonalarda ish sifatini yanada yaxshilash maqsadida imkon boricha ko`proq xorijiy tillarni o`rganish talab etiladi.

Xorijiy tillarni o`rganishni tezlashtirish va osonlashtirish uchun:

- ✓ Xorijiy tilni o`rgatadigan o`quv kurslaridan faqat eng yaxshi va yuqori malakaga egalarini qoldirish;
- ✓ Nutqni o`stirish uchun sayyohlar bilan suhbatlar o`tkazish lozim.

### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Ganiyeva Saodat Abdukhafizovna “The training specifics of tourist guides”, “O`zbekistonda turizmni rivojlantirishda til, adabiyot va tarjima muammolari”, Toshkent, 195 b, 2019
2. O`zbekiston Respublikasi turizmni rivojlantirish davlat qo`mitasi ([www.uzbekistan.travel](http://www.uzbekistan.travel))
3. Sonia Figueras Programme Manager UNWTO Academy

## THE IMPORTANCE OF TERMINOLOGY IN TRANSLATION STUDIES

Khadirova Mukhabbat

Foreign language faculty, trainee-teacher Jizzakh district

**Abstract:** In this article information about what is terminology and its important role in translating studies in the current education system are revealed. The focus is on terminology which is the fundamental building block for all translation.

**Keywords:** Terminology, translation, Terminology Extraction, representation, expression, communication and teaching of specialized knowledge. Scientists, technicians, communication and teaching of specialized knowledge

Nowadays, there is a lot of specialized literature that considers terminology as an indisputable subject. Nobody even flinches anymore when they hear technicalities in medicine, jurisdiction or other fields of similar importance and honor in today's world. Understanding this type of specialized language is another thing but with the appropriate procedures, we are capable of familiarizing ourselves with this kind of unique language.

According to the Oxford Dictionary, terminology is 'the body of terms used with a particular technical application in a subject of study, theory, profession et cetera.

Terminology in translation is actually an expanded dictionary as it can hold phrases and key terms used by a single company. Often a company will have its own preferences for the terminology used in its documents and files. For example, one company may prefer a term for an item such as a desk and another might prefer for it to be called table or small office table. This is important as if a translation is talking about desks and the company sells tables then this could be confusing for potential customers. The translation would be understandable but technically incorrect.

Another example might be "Common Rail Diesel Engine". This is a complex term; knowing how to translate this term correctly is important for automotive translators. Specialist terms and words need to be defined and managed before a translation project begins.

It delivers consistent and standardized word lists which help translators to remain consistent in the usage of terms, e.g. a technical item in the first chapter of a technical manual will be the same as in the last chapter of the manual, and in the brochures, parts systems et cetera.

In domains that are fast developing and/or changing one cannot assume that there are domain specific dictionaries. To allow translators to adapt texts from one language to another, translators need to be able to create their own terminologies. This process is called Terminology Extraction.

Our teams of trained translators and terminology experts can review your original source documents and extract the key terminology for you. This is effectively the blueprint for your company language. This in turn is then translated first before we start translating your documents. This means, as we translate, we will always use the most

appropriate term in your translation so, you will get a clean, consistent translation of all your documents.

Terminology is also important when several translators are working on the same project: It ensures that all the key vocabulary is translated the same way by all the translators. Teams can use [cloud based terminology systems](#) to manage company wide global dictionaries.

Translation is not merely an interlinguistic process. It is more complex than replacing source language text with target language text and includes cultural and educational nuances that can shape the options and attitudes of recipients. Translations are never produced in a cultural or political vacuum and cannot be isolated from the context in which the texts are embedded (Dingwaney and Maier, 1995:3). As David Katan in *Translating Cultures* puts it: ‘...the translator is a bilingual mediating agent between monolingual communication participants in two different language communities’ (2004: 16). Therefore, translators not only have to be intermediaries between different language systems, but also have to be intercultural mediators – or as it has been stated by Aniela Korzeniowska and Piotr Kuhniewicz in *Successful Polish-English Translation Tricks of the Trade* – they have to be both ‘bilingual and bicultural’ (2006: 71). Thus, translation performs a crucial role in our understanding of the cultural ‘other’.

Terminology is a necessity for all professionals involved in the representation, expression, communication and teaching of specialized knowledge. Scientists, technicians, communication and teaching of specialized knowledge. Scientists, technicians or professionals in any field require terms to represent and express their knowledge to inform, transfer or buy and sell their products. There is no specialty that does not have specific units to denominate their concepts (Cabr )

Terminology plays an important role in the understanding of contexts and specialized texts. Understanding the intricate terminological details of the technical and scientific contexts helps students comprehend what the main message of the document is, and it helps specialists to transmit the content more effectively.

### References:

1. CABR  CASTELLV , T. (1992), *La terminologia. La teoria, els m todes, les aplicacions*, Barcelona, Editorial Emp ries.
2. CABR  M. TERESA (2002). “Terminologia y normalizacion lingustica”. *Jornadas (EHU: LEIOA) Terminologia y lenguajes de especialidad Euskara Instituta EHU LEIOAKO CAMPUSA Pais Basc.*
3. Haspelmath, Martin. 2006. Against markedness (and what to replace it with). *Journal of Linguistics* 42(1). 25–70.
4. Haspelmath, Martin. 2010. Comparative concepts and descriptive categories in crosslinguistic studies. *Language* 86(3). 663–687.
5. Haspelmath, Martin. 2012. How to compare major word-classes across the world’s languages. In Thomas Graf, Denis Paperno, Anna Szabolcsi & Jos Tellings

(eds.), *Theories of everything: in honor of Edward Keenan*, 109–130. (UCLA Working Papers in Linguistics 17). Los Angeles: UCLA.

6. Thomason, Sarah Grey & Terrence Kaufman. 1988. *Language contact, creolization, and genetic linguistics*. Berkeley: University of California Press.



**МОДЕРНИЗАЦИЯ – ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
АСОСИЙ ОМИЛИ**

Хусан Очилбоевич Хушвақтов

ТДАУ “Гуманитар фанлар” кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Жаҳон миқёсида содир бўлаётган глобаллашув жараёнларининг иқлим ўзгаришлари, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ва экологик вазиятга таъсири тобора кучайиб бормоқда. Айни пайтда, дунёда аҳоли сонининг кўпайиб бориши тоза ичимлик суви ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни мунтазам оширмоқда. Бундай вазият аграр соҳа тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, мазкур масалалар бўйича дунёнинг йирик илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этишга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда республикамиз ҳукумати қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини мунтазам яхшилаб бориш билан бир қаторда, аграр соҳа тармоқларини ривожлантириш, экин майдонларини тежамкорлик билан суғоришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. “Мамлакатимизда суғориладиган ерлар атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кўпайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бизда сув ресурслари чекланган. Аҳолимиз эса йилдан йилга кўпайиб бормоқда”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда халқ хўжалигини ривожлантириш учун нафақат саноатда, балки қишлоқ хўжалигида ҳам модернизация ишларини давр талаби даражасида такомиллаштириш кўзда тутилди. Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, унинг деярли 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир. Суғориладиган ерларнинг 23фоизидан ортиқроқ қисми бонитети паст ерлар тоифасига мансуб. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, -“биз ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, иш жараёни самарадорлигини ва пировард натижаларга эришишни жадаллаштириш мақсадида кўп муаммолар ва масалаларга танқидий кўз билан қарашимиз лозим. Биринчидан, бизни боқадиган мана шу ер, мана шу тупроқ. Унинг унумдорлигини оширишимиз керак. Бунинг учун эса, энг аввало суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ишларини устувор мақсад деб қарашимиз шарт. Иккинчидан, қишлоқ хўжаликни замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва сифати деҳқонларни қониқтирадиган

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улўглаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш-асосий вазифамиздир. Халқ сўзи, 2017 йил 10 декабрь.

даражада бўлиши керак. Агар лозим бўлса, уларнинг техника, ўғит ва бошқа керакли жиҳозлар билан арзонроқ, имтиёзли тарзда таъминлашимиз зарур<sup>2</sup>.

Мамлакатда аграр муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш ва самарали бошқарув тизимини яратиш долзарб масалага айланди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек мазкур соҳада мавжуд номутоносибликларни давлатнинг аралашувисиз бартараф этиш осон эмас эди. Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам –яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликни кафолати ва таянчига, юртимизнинг тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Тажирибалар шуни кўрсатдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез мослашувчан, ўзгариб турувчи талабларга ўз вақтида жавоб беришга қодир бўлиб, истеъмолчи учун зарур бўлган маҳсулотларни тезда етказиб беришнинг уддасидан чиқади. Шу сабабли фермер хўжаликлари зиммасига қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини юксалтириш каби масъулиятли вазифалар юкланди. Одам ўзини чинакам мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун изчил курашмайди. Айни пайтда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда модернизацияга эътиборни кучайтириш долзарб вазифалардан бирига айлантирилди. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг кўламини янада кенгайтириш мақсадида бу соҳада замонавий суғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланишга, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилди. 2008-2012 йилларда мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида умумий узунлиги 10530,2 километр хўжаликлараро ва хўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида жами 59 миллиард сўмдан ортиқ таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, мамлакатимизда 586,6 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларида, 9 та мелиоратив насос станцияларида, 627 та мелиорация қудуқлари ва бошқа бир қатор мелиорация объектларида тиклаш ишлари бажарилиши натижасида 1 миллион гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, 300 минг гектар майдонда сизот сувлар сатҳи пасайтирилди<sup>3</sup>. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Деҳқончилик тараққиёти – фаровонлик манбаи.-Т.: ”Ўзбекистон”, 1994. 8 – бет.

<sup>3</sup> Қаранг. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари тўғрисида. Халқ сўзи, 2011 йил 8 ноябрь.

Шундай қилиб, аграр сектор тармоқларида олиб борилган техник ва технологик янгиланишлар, мунтазам такомиллаштирилиб борилаётган модернизация жараёнлари қишлоқ хўжалиги соҳаларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Фан ва техника янгиликларидан мунтазам хабардор бўлиб туриш ва улардан ишлаб чиқаришда самарали фойдаланиш аграр соҳа вакилларининг долзарб вазифасига айланди.

**БИОЛОГИЯ ФАНИДАН “ТИРИКЛИКНИНГ ТУЗИЛИШ ДАРАЖАЛАРИ”  
МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННАВАЦИОН ЁНДАШУВ**

Алиева Нодира Фарходовна

Тошкент вилояти Тошкент тумани 22-умумий ўрта таълим мактаби биология  
фани ўқитувчиси

Таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан бири, ўқувчиларга инсоният тарихи давомида яратилган билимларни етказиш, фанлар асослари бўйича мунтазам билим олишлари учун тегишли шароит яратиш, зарур ахборотларни танлаш ва мустақил ўқишни ўргатиш орқали билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш ва қизиқишларини орттиришдан иборат. Ушбу вазифаларни хал этишда таълим-тарбия жараёнига модулли таълим технологиясини қўллаш муҳим рол ўйнайди. Модулли таълимнинг асосий моҳияти, ўқувчилар модул дастурлари ёрдамида мустақил ишлашига асосланган ўқув-билим фаолияти орқали белгиланган мақсадга эришадилар

Модул дастурлари мавзусининг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадидан келиб чиқадиган модул дастурининг дидактик мақсади, ўқувчиларнинг дарс давомида бажарадиган ўқув топшириқлари, топшириқларни бажариш бўйича берилган кўрсатмалар, модул дастурини яқунлаш қисмини ўзида мужассамлаштиради. Биз қуйида Биология фанидан “Тирикликнинг тузилиш даражалари” мавзусидаги модул таълим технологиясига асосланган дарс ишланмасини эътиборингизга хавола қилмоқдамиз. **Дарс мавзуси:** Тирикликнинг тузилиш даражалари.

Дарснинг таълимий мақсади: Ўқувчиларга тириклик даражалари ва улар учун хос хусусиятлар хақида илмий тушунчалар бериш. Дарснинг тарбиявий мақсади: Ўқувчиларга хаёт даражалари хақида маълумот бериш орқали тирик организмларга тўғри муносабатда бўлишни тарбиялаш, экологик ва ахлоқий тарбия бериш. Дарснинг ривожлантирувчи мақсади: Ўқувчилар онгида хаётнинг моле-кула даражасидан биосфера даражасигача бўлган тасавурларини ва илмий қарашларини ривожлантириш. Дарсни жихозлаш. Тирикликни тузилиш даражалари тасвирланган кўргазмали қуроллар. Дарсда фойдаланиладиган технология. Модул таълим технологияси (командада ўқитиш усули). Таянч тушунчалар. Молекула, хужайра, тўқима, орган, организм, популя-ция, биогеоценоз, биосфера. **Дарснинг бориши.**

I. Ташкилий қисм.

II. Уйга берилган топшириқ бўйича ўқувчилар билимини синаш.

III. Ўқувчиларни янги дарс мавзуси бориши билан таништириш.

IV. Янги мавзуни ўрганиш. а) янги мавзу бўйича тузилган модуль дастурини тарқатиш ва унинг дидактик мақсади билан таништириш. б) кичик гуруҳлар фаолиятини модулли дастуридаги ўқув топшириқларини мустақил бажаришга йўллаш. в) ўқув фаолият элементи топшириқларини тўлиқ бажаришни назорат

қилиш ва зарур кўрсатмалар бериш. г) ҳар бир ўқув фаолияти якунида савол жавоб мунозара ўтказиш.

**Режа:** 1. Тирикликнинг тузилиш даражалари билан танишиш;

2. Молекула, хужайра, тўқима даражалари;

3. Организм, популяция даражалари;

4. Биогеоценоз ва биосфера даражалари. Модул дастурининг дидактик мақсади. Ўқитувчи модул дастури ёрдамида ўқувчиларнинг тириклик даражаларини ўзига хос хусусиятларни мустақил ўрганишини таъминлаши ва дарслик, қўшимча адабиётлар билан ишлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириши керак. ЎФЭ Ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган ўқув топшириқлари Топшириқларни бажариш бўйича кўрсатмалар.

1-ўфэ Мақсад: Тирикликнинг тузилиш даража-лари билан танишиш

1. Биологик тизимлар қандай даражаларда бўлади?

2. Ҳар бир тузилиш даражасида нималар келиб чиқади?

3. Тизим деганда нима тушунилади?

4. Тизимнинг асосий таркибий қисмлари нима?

Ўқувчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг Командалар ўртасида ўтказиладиган мунозарада фаол иштирок этинг.

2-ўфэ Мақсад: Молекула, хужайра, тўқима дара-жаларини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш. 1. Молекулаларга нималарни киритиш мумкин?

2. Молекула боскичида нималар кузатилади? Ўқувчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг

3. Хужайра нима?

4. Хаётнинг хужайрасиз шаклларига нима киради? Унинг далили нима? 5. Хужайра даражасида қандай жараёнлар амалга ошади?

Командалар ўртасида ўтказиладиган мунозарада фаол иштирок этинг.

3-ўфэ Мақсад: Орган, организм, популяция дара-жаларини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш. 1. Органлар нималардан ташкил топган? 2. Тери қандай тўқималардан ташкил топган? 3. Организм нималар йиғиндисидан ташкил топган? 4. Организм қандай тизим ҳисобланади? 5. Популяция деб нимага айтилади? Ўқувчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг. Командалар ўртасида ўтказиладиган мунозарада фаол иштирок этинг.

4-ўфэ Мақсад: Биогеоценоз ва биосфера даражаларини ўзига хос хусусиятларини ўрганиш. 1. Биогеоценоз нима? 2. Биогеоценоз нималардан ташкил топган? 3. Биогеоценоз нималарни ўз ичига олади? 4. Биогеоценознинг асосий вазифаси нима-дан иборат? 5. Биосфера сўзининг маъноси нима? Ўқувчилар гуруҳи билан ҳамкорликда ишланг. Командалар ўртасида ўтказиладиган мунозарада фаол иштирок этинг. Мавзу бўйича ўқувчилар ўртасида савол - жавоб, ўқув баҳси ўтказилади. Сўнг ҳар бир кичик гуруҳга тушунчалар таҳлили жадвали тарқатилади.

Тушунчалар Мазмуни 1 Молекула 2 Хужайра 3 Тўқима 4 Орган 5 Организм 6 Популяция 7 Биогеоценоз 8 Биосфера 10 Тизим Ўқувчилар тушунчалар таҳлилидаги берилган тушунчалар ёнига эгаллаган билимлари асосида изох

ёзадилар. Ўқитувчи тушунчалар таҳлили бўйича берилган жавобларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда тўғри изохни белгилайди ёки экранда тушунчалар изохи берилган слайд орқали таништиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Толипова Ж. “Биологияни ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш”. Тошкент-2011. 63-84 б.
2. Азимов И., Зиқиряев А., Тўхтаев А., Файзуллаев Биология (Цитология ва генетика асослари) Методик қўлланма. Тошкент “Абу Али ибн Сино”, 2002. 10-25 б.

## ЁШЛАРДА ИСЛОМ МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНИШИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ЁРНИ

З.З.Комолов

ТДАУ “Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн” факультети талабаси

Ёшлар онгига бағрикенглик ғояларини сингдиришда таълим тизими алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, инсон фарзандлари айнан таълим муассасаларида тўпланган социал тажриба ва қадриятларни илмий асосда ва тизимли тарзда ўзлаштириб боради. Қолаверса, таълим тизими босқичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли тарбия жараёнида тадрижийлик таъминланади. Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш зарур. Халқимизда “таълим ва тарбия бешиқдан бошланади” деган ҳикматли бир сўз бор. Фақат маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди”<sup>1</sup>.

Замонавий таълим тизими ёш авлодда миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, миллатпарварлик туйғуларини қарор топтириш баробарида улардаги ҳар қандай миллатчилик туйғуларини, ўз миллати, динининг бошқаларникидан устунлиги каби туйғулар юзага келишининг олдини олиш зарур. Зеро, бу туйғуларнинг ёшлар қалбида куртак отиши, пировард натижада, миллий низоларга, диний тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Демак, таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири – ёшларда толерантлик туйғусини қарор топтиришдан иборат.

Шу жиҳатдан, Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни БМТнинг 72-сессияси минбарида туриб, дунё ҳамжамиятини ислом маърифатини англашга, диний бағрикенглик руҳида яшашга чақириб, “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясини қабул қилиш таклифи билан чиқиши ва буни дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланиши – ўзбек халқи, умуман инсоният учун бағрикенглик намунаси ҳамда маърифатга чорлов ва эзгулик даъвати бўлди. Зеро, “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашиш, энг муҳими, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлашга қаритилганлиги билан муҳим халқаро аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, ёш авлодни толерантлик, ҳамжиҳатлик, турли миллат ва дин вакилларига ҳурмат руҳида тарбиялаш бугунги глобаллашув даврида ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёевнинг «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқида: “Бугун замон шиддат билан ўзгаришти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// “XXI asr” газетаси, 52(790)-сон, 2018 йил 29 декабр, шанба. -Б. 3.

улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан. Лекин тарбия дегани фақат мактаб тарбиясидан иборат эмас. Ҳозир ҳаммамиз бор айбни мактабга ағдаришга ўрганиб қолганмиз”.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло инсонга фарзандни неъмат қилиб берган. Лекин гоҳида мана шу фарзанд ота-онасига бало бўлиши ҳам мумкин. Агар оила тинч-тотув бўлиб, ота-она ўз фарзандларига яхши тарбия берсалар, бола улғайганда ота-онасига раҳмат олиб келса, бу улар учун Аллоҳнинг мукофоти бўлади. Болалар эртанги кунимизнинг посбонлари, ишларимизнинг давомчилари. Инсонга болалиқдан сингдирилган одатлар ёш дарахт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдики, улар дарахт билан бирга ўсади, вояга етади, дарахтнинг таркибий қисмига айланиб қолади.<sup>3</sup>

Аслида ёшлик ажойиб давр, у ҳар бир инсонга бир марта бериладиган тенги йўқ неъматлардан бири бўлиб, унинг кадрига етмоқ керак. Бу неъматдан унумли фойдаланиб, ўзининг илмий ва маънавий салоҳиятини ошириб борган инсон ўз зиммасидаги энг олий вазифани уддалаган ҳисобланади.

Бугунги постмодерн жамиятда асосий зиддиятлар билим ва билимсизлик ўртасида юз беришини ҳисобга олсак, энг асосий устувор вазифамиз таълим тизими босқичларида: мактабдан то олий ўқув юрти босқичигача ёш авлодни диний-миллий қадриятлар асосида тарбиялаш, улар қалбида ўз халқи, Ватанига меҳр-садоқат туйғусини кучайтириш, уларни ҳар хил бузғунчи кучларнинг ахборот хуружларидан огоҳ этиш, муносиб ҳимоя қилмоқдир.

Жамиятимиз равнақи учун зарур бўлган илмлардан бахраманд бўлишида дунёвий билимлар билан бир қаторда маълум даражада диний илмга ҳам эга бўлиши ҳам уларда юксак даражада маънавий онгни шакллантириб, разил сифатлардан узоқлаштиради. Жумладан, ҳар томонлама етук билимли ёшларгина ўзларининг соф имон-эътиқоди билан ўз билимини самарасини тўғри, фойдали нарсаларга йўналтириб, ўзига ва атрофидагиларга, шу жумладан жамиятга фойда келтиради. Ахлоқий бўшлиқнинг олдини олиб, жамиятнинг порлоқ келажаги учун замин таёрлайди. Миллий ва диний қадриятларимизнинг ёшларимиз тарбиясидаги ўрни бекиёсдир. Улардаги ватанпарварлик, инсонийлик, меҳр оқибат каби тушунчалар фарзандларимизни иймонли инсофли, юртимизга астойдил хизмат қилувчи юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялайди. Тарбиявий ишларни амалга оширишда ва ёшларимиз онгига диний ғояларни сингдиришда “Ҳилол” нашриёти томонидан турли-туман диний-маърифий китобларни чоп этилаётганлиги аълоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Ёшларимиз онги ва руҳиятига салбий ва кескин таъсир қилувчи ҳар қандай воситаларга қарши уларда аввало иммунететни ҳосил қилишимиз энг долзарб ишлардан бири ҳисобланади.

<sup>2</sup><https://daryo.uz/k/2017/06/15/shavkat-mirziyoyevning-ijtimoiy-barqarorlikni-taminlash-muqaddas-dinimizning-sofligini-asrash-davr-talabi-mavzusidagi-anjumanda-sozlagan-nutqi/>

<sup>3</sup> Ўтаев М. Ёшлар тарбияси. <http://naqshband.uz>



## ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЁСИНИ ШАКЛЛАНИШИДА ИСЛОМНИНГ АҲАМИЯТИ

Неъматов Ашурали

ТДАУ “Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн” факультети талабаси

Муқаддас Ислом дини миллий маънавиятимизнинг ажралмас бўлаги, тарихимизнинг бир қисми. Биз бу бой маънавий меросдан фойдаланган ҳолда Ислом дини номидан ёшларимиз онгини турли хил экстремистик ва террористик ғояларни сингдиришга урунишлардан асраш ва ёшлар маънавий дунёсини шаклланишида ислом динининг аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан чуқурроқ ўргатишдан иборат. Шу жиҳатдан таълим тизимига тадбиқ этилган “Диншунослик” фанининг аҳамияти муҳим ҳисобланади. “Диншунослик” фанида диннинг моҳияти, ва унинг ёшлар тарбиясидаги маърифий аҳамияти катта. Дарҳақиқат, ёшларимизни маънавий дунёсини турли ёт ғоялардан ҳимоя қилишда диний омиллар – Қуръон оятлари ва ҳадислардан кенг фойдаланиш ҳамда диннинг асл моҳиятини аниқлаш лозим. Бу амалиётларни дин соҳасидаги мутахассислар билан ҳамкорликда олиб борилиши энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.<sup>1</sup>

Аслида, Ислом динида ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва бағрикенгликка буюрилади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: “Эй, имон келтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз, Пайғамбарга ва ўзларингиздан (бўлмиш) бошлиқларга итоат этингиз! Борди-ю, бирор нарсада (дин ишида) келиша олмай қолсангиз – Аллоҳга ва охираат кунига ишонадиган бўлсангиз – уни Аллоҳга ва пайғамбарига ҳавола қилингиз. Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ (иш)дир”<sup>2</sup>. Мазкур оятда Аллоҳ таоло бандаларини Ўзи, Расули ҳамда ўз ораларидан чиққан мусулмон бошлиқларга итоат этишни буюриб, бирор муаммоли масалага дуч келинганда унинг ечимини “Аллоҳ ва пайғамбарига” ҳавола этишни, демакки, Қуръон ва ҳадисга мурожаат қилишни буюрмоқда. Бундай мушкул ҳолатларда масаланинг ечимини топиш учун энг аввало Қуръонга мурожаат қилишимиз лозим экан. Дарҳақиқат, Қуръонда бундай масалаларнинг чиройли ечими бор. Ихтилоф вақтидаги масаланинг энг тўғри ечими, қандай йўл билан бўлса ҳам, фирқаларга ажралишнинг олдини олишдир. Қуръони каримда буюрилганидек, мусулмон киши учун кўр-кўрона тақлид ярашмайди. У ҳар қандай масалада Аллоҳнинг Каломи ва пайғамбарининг ҳадисларига эргашиши, агар лозим ақидавий ва шаръий масалаларни билишга ўзининг илми етарли бўлмаса, ишончли, тақводор, олим кишилардан сўраб билиши ҳамда уни амалга татбиқ этишда фитна келтириб чиқаришдан эҳтиёт бўлиши керак.

Ислом динининг асл моҳияти жамиятга ва бутун борлиққа эзгулик ҳисобланади. У табиат, жамият, инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири инсониятни бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган,

<sup>1</sup> Қобилов Н.С. Ёшларни ёт оқимлардан асраш ва ислом дини моҳияти. <http://islomobod.uz>

<sup>2</sup> Қуръони карим.

уни яратган, айна замонда инсонларга тўғри, хидоят йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий кудратга ишонишни ифода этадиган таълимотдир.

Эзгуликнинг ёрқин намоёндаси ва дунёдаги ҳар бир мўмин-мусулмоннинг буюк устози бўлган жаноб Пайғамбаримиз ҳар бир мусулмон кундалик фаолиятида қўллайдиган, умри давомида ҳаётида татбиқ этиши даркор бўлган мавзуларни марҳамат қилганлар: “Аллоҳ Таолога фарз ибодатлардан кейин энг маъқул иш – мусулмон кишини хурсанд қилишдир”.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан аён бўлаётирки, Ислом ақидаси ва таълимотида ўсиб келаётган ёшларни ёмон ишларни қилишдан қайтаришга, нафақат қайтариш, балки огоҳ этишга масъулияти қўйилган. У катта бўладими, кичик бўладими – гуноҳларнинг ҳар қандай кўринишидан тийилиши ҳамда бошқаларни ҳам ундан қайтариши лозим.

Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир”.<sup>3</sup>

Шу жиҳатдан, ёшларимизни турли хил бузғунчи ва вайронкор оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиб, бунёдкор ғояларни улар онгида шакллантириш учун нималарга эътибор қаратмоқ керак? Бу борада халқимиз огоҳликка чақириб: “Ўз уйингни ўзинг асра” деган шиорлари остида ҳар бир ота-она ўз фарзандини, ўқитувчи ўз талабасини бепарволик қилмасдан бундай оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишга интилиши ҳамда бу йўлда ўз устида ишламоғи, изланмоғи даркор. Шу жиҳатдан, мамлакатимизда ёшлар ўртасида экстремизм, экстремистик гуруҳ, экстремистик фаолият билан боғлиқ диний-сиёсий вазиятнинг вужудга келишини олдини олиш ва унинг сиёсий таранглик, ижтимоий беқарорлик кўринишидаги уринишларни олдини олиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги ЎРҚ-489-сон «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунини ишлаб чиқилганлиги аҳамиятлидир. Шунини айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан ушбу соҳага қаратилаётган эътибор халқаро меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросининг амалий ифодаси ҳисобланади. Ёшларимиз таълим-тарбиясини миллий ва диний қадриятлар асосида шакллантириб, Ватанга муҳаббат, ота-она, элу юртга муҳаббат билан ҳамоҳанг қилиб, миллий ва диний қадриятларни, она заминни ва ҳатто унда ўсган ҳар бир дарахтни, кўчатни асраб-авайламоқга ҳамда келажак авлод учун озод-обод Ватанни асраб етказиш ўсиб келаётган ҳар бир ўсмир йигит-қизнинг вазифаси эканлигини ўргатиб боришимиз зарур.

Шубҳа йўқки, миллий ва диний қадриятларимизнинг тарбиявий жиҳати жуда кенг ва серқирра жараён бўлиб, ёшларимиз тарбиясидаги ўрни беқиёсдир. Улардаги ватанпарварлик, инсонийлик, меҳр оқибат каби тушунчалар

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// “XXI asr” газетаси, 52(790)-сон, 2018 йил 29 декабр, шанба. -Б. 3.

фарзандларимизни иймонли инсофли, юртимизга астойдил хизмат қилувчи юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялайди.

## SOCIAL FACTORS OF ARTISTIC AND AESTHETIC ACTIVITY OF AN INDIVIDUAL

Inoyatxon Madimarovna Arzimatova  
Ph.D., Associate Professor of Fergana state University  
Jaxongir Madaminovich Muminov  
student of Fergana state University

**Abstract:** The article focuses on the social factors of artistic and aesthetic activity of the individual, as well as the importance of the development of aesthetic consciousness, worldview, culture and spirituality of man.

**Keywords:** independence, social factors, personality, globalization, artistic and esthetic activities, harmonically developed generation, culture.

In discussing the socio-cultural factors of increased artistic and aesthetic activity, it is necessary to first address matters of socio-aesthetic character of independence, strengthening the principle of human freedom, education of a harmoniously developed generation and the aesthetic arrangement of life in total.

The social and aesthetic essence of civil society is based primarily on the rule of law, a democratic state and civil society in the country, based on the priority of human interests, the recognition of man as the supreme value, the priority of free creativity and high spirituality in the development of all spheres of social development. The common aspect of this process, however, is that the ethico-aesthetic nature of moral-social and humanistic aims should "serve not only for reforms, but also for man, for his prosperous life." [1]

Independence has widened the scope of artistic and aesthetic self-realization of the individual creates creative activity, the capacity for aesthetic culture. At the same time, the process of deepening market relations can also be accompanied by a lack of aesthetic taste and culture in many areas of activity. Through independence spiritual values have become the property of our people, a comprehensive study of the resources left outside the spiritual treasury has been carried out in the context of a devastated system. In order to establish the historical truth in this area, it is necessary to properly assess the harmony of Soviet culture, the history of our centuries-old culture, as well as the harmony of universal and humane values of world and Uzbek culture, philosophy, aesthetics.

This period of spiritual and cultural life saw a turning point and qualitative changes in artistic and aesthetic activities: historical, scientific and artistic works about Amir Temur, the 2700th anniversary of Avesta, the 1000th anniversary of the epos "Alpamysh" were created;

Furthermore, historic architectural structures are not only material-technical but also reconstructed artistically and aesthetically; historical and architectural monuments of Bukhara, Samarkand, Khiva, Shahrisabz, Kokand and Margilan have been restored and turned into places of pilgrimage. The spiritual and artistic heritage of our ancestors

is studied in cooperation with foreign scholars; for the past ten years foreign scholars have been interested in studying Uzbek artistic and aesthetic culture, especially in the works of German art historians devoted to the Great Silk Road and other scholars [3]. It is not for nothing that great importance was given to the development of aesthetic consciousness, worldview, culture and spirituality of the individual during the period of independence. As a result, the man became his own control over his destiny, and responsible for social prosperity, and creative work, as well as guaranteed political, economic, moral freedom [4].

Firstly, man's attitude toward labor has changed dramatically; in the recent past, private property and the status of property have been completely resolved by human nature. The social essence of labor, which constitutes the material basis of free enterprise and initiative, has become more prominent and has become the leading social factor in the life of our entrepreneurial society. In addition to being unaffected by social interaction, the harmony of personal and social aspects has also become the primary means of educating people, particularly in aesthetic excellence.

Secondly, in today's context of globalization, the preservation of nature and the preservation of its aesthetic and educational potential has become one of the most important tasks. Our new society, based on national and universal values, requires a humanistic approach to nature, the rational use of its knowledge and wealth in aesthetic education.

Consequently, today the whole system of education, including aesthetic education, must create in man a free, i.e. impartial nature. On the other hand, ignoring globalization, the production and socio-demographic process, as well as the requirements and standards of education, the concern for nature becomes extremely sensitive.

#### **The List of Literature:**

1. Каримов И.А. Высокая духовность - непобедимая сила.- Ташкент, Духовность, 2008. - Р.106.
2. Комилова Х. Конкурс талантливых. Народное слово. – 2008. – October 17.
3. Гюль Э. Диалог культур в искусстве Узбекистана. – Ташкент: Издательство PRINT-S “Mir INFORM”, 2005. – Р.6.
4. Махмудов Т. Независимость и духовность. – Ташкент: Шарк, 2001. Р.3

## THE ROLE OF LIFE AESTHETICS IN PERSONAL PERFECTION

Inoyatxon Madimarovna Arzimatova  
Ph.D., Associate Professor of Fergana state University  
Jaxongir Madaminovich Muminov  
student of Fergana state University

**Abstract:** The article explores the nature of daily life aesthetics, its role in the perfection and spirituality of the individual. It also considers the aesthetic needs of the person.

**Keywords:** personality, aesthetics of life, harmonious development, perfection, aesthetic perception, aesthetic norms, spirituality.

The effective use of life values in the education of the individual, at the same time the development of aesthetics of life requires the formation of qualities of harmonious development in it. The aesthetics of life is one of the main areas of daily human life - morality, appearance, clothing culture. Different nationalities, social groups are connected by the commonality and diversity of ideas about the culture of life in people's perceptions of the world, aesthetic taste and social ideals. The aesthetic perception of the world of life, reflecting economic, social, functional, aesthetic norms and conditions of life of man and his environment, is the basis of aesthetic culture.

The aesthetics of life in the aesthetic consciousness is related to the specificity of community, intuition and rationality. Furthermore, the aesthetics of man is often explained by his attachment to the arts, but from the aesthetic point of view, his life is dominated. Consequently, marriage is a process that constantly impacts a person's life and perfection. In the process of education and upbringing one must hear the words, "everything in man must be beautiful." Nevertheless, these ideal aesthetic qualities of man can only be achieved as a result of his life-long activities. Therefore every moment of his life is influenced by the aesthetics of life as well as by his surroundings.

In the explanatory and philosophical dictionaries it is noted that the concept of "life" means an indeterminate area of social life, which is the satisfaction of the needs of man, nation and people in a way of life, customs, collection of pictures, objective reality, material, food, clothing, housing, medical care, as well as moral values [1]. Apart from the production of material goods and socio-political practices, an important factor is the effect of life on human education. Through the influence of immediate life in its aesthetic sense will develop the worldview, beliefs, ideals, feelings of life, mood, taste, emotional activity, that is, the social and psychological state of man. Because of this, the work of social creativity is the source of aesthetic needs, desires and goals, as well as the main source of life as a starting point for the formation of aesthetic consciousness, starting from the initial stage, to which man is not yet fully attracted. According to the first President Islam Karimov: "Given that a child's consciousness is formed mainly at the age of 5-7 years, it is at this period under the influence of the environment into the family begins to appear the first soil of spirituality in his soul" [2].

Man strives to maintain this ability throughout his life, in turn, life, on the one hand, demonstrates its influence on the satisfaction of the aesthetic needs of the individual, on the other hand, on his support, development in all respects. Consider, for instance, modern fashion. Fashion in most cases can completely change the aesthetic needs of the individual, play a serious role in improving his or her aesthetic awareness and the progressive evolution of aesthetic culture. Hence, the aesthetics of life is a major social source and factor in the formation of personal culture. Due to the aesthetic potential of all forms and products of human activity, life makes it aesthetically meaningful and colorful.

The analysis of the socio-aesthetic daily life demands three sides of consideration. These are the world of colorful objects, mostly surrounded by people; the facts of human self-realization in communication with others; and the features and attributes of human moral relations.

Ta'rif. Suvga gips solib aralastirgandan vika ninasi to xamir yuzasiga 1 mm botgan paytgacha bo'lgan vaqt, gips xamirining quyruqlanish davri deyiladi. [4]

| Gips turi       | Qotish muddati indeksi | Qotish muddati, min   |                   |
|-----------------|------------------------|-----------------------|-------------------|
|                 |                        | boshlanishi, kam emas | tugashi, kam emas |
| Tez qotuvchan   | A                      | 2                     | 15                |
| O'rta qotuvchan | B                      | 6                     | 30                |
| Sekin qotuvchan | B                      | 20                    | 44                |

| Gips(g) | Suv(ml) | Qo'shimcha(%) | Qotish muddati, min |         |
|---------|---------|---------------|---------------------|---------|
|         |         |               | Boshlanishi         | tugashi |
| 200     | 110     | 0             | 3,5                 | 6       |
| 200     | 104,67  | 0,5           | 4,5                 | 8       |
| 200     | 88,67   | 1             | 5                   | 9,5     |
| 200     | 76,67   | 1,5           | 5                   | 7       |
| 200     | 70      | 2             | 5                   | 8       |

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI

1. N.A.Maxmudova, Pardoqlash va issiqlik izolyatsiya materiallari, o‘quv qo‘llanma, T., Noshir nashryoti, 2010.
2. Tulaganov A.A., Kamilov X.X. Теплоизоляционный арболит. ch-I.– Tashkent. TASI, 2011. - 151 s.
3. Tulaganov A.A., Kamilov X.X. Теплоизоляционный арболит. ch- II. – Tashkent. TASI, 2011. - 155 s
4. Samigov N.A., Xasanova M.Q., Mirzayeva M.Sh., Zokirov J.S. Ikkilamchi resurslar asosida qurilish materiallari va buyumlari Toshkent-2016.
5. Maxmudova N.A., Nuritdinov X.N. O‘quv qo‘llanma. Bog‘lovchi moddalar. TAQI, Toshkent. 2012.

## QISHLOQ XO'JALIGI CHIQINDILARI ASOSIDAGI ISSIQLIK IZOLATSION MATERIALLARINING XOSSALARINI YAXSHILASH USULLARI

Anvarova Zilolaxon Jahongir qizi  
Toshkent arxitektura qurilish instituti magistranti

**Annotatsiya:** Maqolada qishloq xo'jaligi chiqindilaridan tayyorlanadigan issiqlik izolatsion materiallarning, fizik va texnik-iqtisodiy xususiyatlari ko'rib chiqilgan. Ularning turli xil sohalarida qo'llanilish imkoniyatlari ko'rsatilgan. Qishloq xo'jaligi chiqindilaridan tayyorlanadigan devorbop bloklarning asosiy turlari, shuningdek, ularning afzalliklari va kamchiliklari taqqoslanagan.

**Kalit so'zlar:** arbolit, guruch qobig'i, normal quyuqlik, quyuqlanish davri, issiqlik izolatsiya, gips.

O'zbekiston Respublikasida qurilish materiallari va buyumlarini tayyorlashda qishloq xo'jaligi chiqindilari va ishlab chiqarish chiqindilaridan foydalanish, quyidagi dolzarb vazifalarni yechishga yordam beradi.

Qurilish materiallari ishlab chiqarishning asosiy xom ashyo bazasini, ya'ni resurslarni tejaydi, tabiiy xom ashyo zaxirasi yetishmasligini bartaraf etadi, atrof-muhit tozaligi, ekolgik sistema masalalarini hal qiladi, yerlarni band bo'lishini kamaytiradi, energiya manbalarini tejaydi, sarf xarajatlarni keskin kamaytiradi.[1]

Issiqlik izolatsiyalovchi arbolit ishlab chiqarish va qo'llash an'anaviy qurilish materiallariga nisbatan qator afzalliklarga ega: binonig massasini kamaytiradi, binoning qurilishidagi og'ir ishlar kamayadi, turar-joy binolarining termik qarshliklari yuqori bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining qishloq xo'jaligi chiqindilariga guruch qobig'i, zig'ir o'zagi, kungaboqar qobig'i, g'o'za va kanop poyasi, har xil somon, va boshqalar kiradi. [2]

Dissertatsiya ishimizda Air G10 qo'shimchasidan foydalandik. CHRYSO®Air G10 - betonda barqaror mikroskopik havo pufakchalari hosil bo'lishiga yordam beradi. CHRYSO®Air G10 yordamida mikroskopik havo pufakchalari betonda teng taqsimlanadi, bu betonni muzga qarshi vositalar va muzlash davrlarining zararli ta'siridan samarali himoya qiladi. Chryso Air G10 yangi beton aralashmasida plastifikator vazifasini bajaradi va betonning ish qobiliyatini yaxshilaydi. Betonning tabaqalanishini (segregatsiyasini) pasaytiradi va gullashni oldini oladi.


### Gips xamirining normal quyuqligini aniqlash

Ta'rif. Normal quyuqlik deganda, diametri 5 sm, balandligi 10 sm bo'lgan, latun silindri ko'targanda ichidagi gips xamiri yoyilgandagi diametri 18 sm ni ko'rsatganligiga aytiladi.[4]

Gips xamirining normal quyuqligini aniqlashda 300 g gips namunasi oldik va 150-220 ml suv oralig'ida suv qo'shib sinashni boshladik. Shunda 165 ml suv qo'shganimizda kerakli natijani oldik, ya'ni gips xamirimiz 177-183 mm ga yoyildi. Bu orqali biz suv/gips nisbat  $165/300=0,55$  ni aniqlab oldik.

So'ngra normal quyuvlikni qo'shimcha qo'shib aniqlashni boshladik.

| GIPS (g) | SUV (ml) | QO'SHIMCHA (%) |
|----------|----------|----------------|
| 300      | 165      | 0              |
| 300      | 170      | 0,5            |
| 300      | 170      | 1              |
| 300      | 160      | 1,5            |
| 300      | 160      | 2              |



#### Gips xamirini quyuvlanish davrini aniqlash.

Ta'rif. Suvga gips solib aralastirgandan vika ninasi to xamir yuzasiga 1 mm botgan paytgacha bo'lgan vaqt, gips xamirining quyuvlanish davri deyiladi. [4]

| Gips turi       | Qotish muddati indeksi | Qotish muddati, min   |                   |
|-----------------|------------------------|-----------------------|-------------------|
|                 |                        | boshlanishi, kam emas | tugashi, kam emas |
| Tez qotuvchan   | A                      | 2                     | 15                |
| O'rta qotuvchan | B                      | 6                     | 30                |
| Sekin qotuvchan | B                      | 20                    | 44                |

| Gips(g) | Suv(ml) | Qo'shimcha(%) | Qotish muddati, min |         |
|---------|---------|---------------|---------------------|---------|
|         |         |               | Boshlanishi         | tugashi |
| 200     | 110     | 0             | 3,5                 | 6       |
| 200     | 113,33  | 0,5           | 5                   | 12      |
| 200     | 113,33  | 1             | 7                   | 16      |
| 200     | 106,67  | 1,5           | 9                   | 19      |
| 200     | 106,67  | 2             | 12                  | 23      |

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. N.A.Maxmudova, Pardoqlash va issiqlik izolyatsiya materiallari, o'quv qo'llanma, T., Noshir nashryoti, 2010.
2. Tulaganov A.A., Kamilov X.X. Теплоизоляционный арболит. ch-I.– Tashkent. TASI, 2011. - 151 s.



3. Tulaganov A.A., Kamilov X.X. Теплоизоляционный арболит. ch- II. – Tashkent. TASI, 2011. - 155 s
4. Samigov N.A., Xasanova M.Q., Mirzayeva M.Sh., Zokirov J.S. Ikkilamchi resurslar asosida qurilish materiallari va buyumlari Toshkent-2016.
5. Maxmudova N.A., Nuritdinov X.N. O‘quv qo‘llanma. Bog‘lovchi moddalar. TAQI, Toshkent. 2012.

**FURQAT –MA’RIFATPARVAR SHOIR**

Xolmurotov O’tkirbek Hojiqurbon o’g’li  
Toshkent arxitektura-qurilish instituti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o‘zbek xalqining ma’rifatparvar shoiri Zokirjon Xolmuhammad o‘g‘li Furqatning hayot yo‘li, ijod faoliyati, uning o‘zbek adabiyotida tutgan o‘rni haqida bayon qilingan hamda, Furqatning boy adabiy merosi tahlil qilingan.

**Kalit so‘zlar:** muarrix, mutarjim, radif, jurm, muxammas, taxmis, musaddas, mirzalik.

Zokirjon Xolmuhammad o‘g‘li Furqat — milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyotining zabardast vakillaridan biri. U shoir va adib, adabiyotshunos muarrix, elshunos va mutarjim sifatida o‘zidan boy ma’naviy meros qoldirdi. Shuningdek, Furqat zamonasining mashhur xattotlaridan edi. Furqat 1859-yili Xo‘qand shahrida tug‘ildi. Yoshligidanoq Muqimiy, Muhyi, Zavqiy, Nisbat, Muhayyir kabi shoirlar muhitida qizg‘in ijodiy faoliyat bilan mashg‘ul bo‘ldi. Furqatning shoir sifatidagi kamoloti ayni shu davrda boshlangan. Toshkentda ikki yilga yaqin istiqomat qilgan shoir 1891-yili chet ellarga chiqib ketishga majbur bo‘ladi. Turkiya, Yunoniston, Bolgariya, Arab mamlakatlari va Hindistonda bo‘lib, Xitoyning Shinjong viloyatiga qarashli Yorkent shahrida turg‘un bo‘lib qoladi. 1876-yilda Yangi Marg‘ilon (hozirgi Farg‘ona) shahridagi savdogar tog‘asining iltimosiga ko‘ra u yerga ishlarida unga yordamlashgan, keyinchalik o‘zi ham kichik do‘kon ochgan. Ayni paytda bilimdon ziyoli sifatida kishilarning borib, savdo arz va iltimoslarini rasmiy mahkamalarga arizalar shaklida bitib, mirzalik ham qilgan. Furqat Yangi Marg‘ilonda ijodkor sifatida to‘la shakllandi, o‘z g‘azallariga «Furqat» taxallusini qo‘yib, shuhrat qozona boshladi. Bu yerda o‘tkazilgan yillar Furqatning xalqchil dunyoqarashi, ilg‘or adabiy-estetik tushunchalarining shakllanishida ham muhim bir bosqich bo‘ldi. 80-yillarning boshlarida Furqat Qo‘qonga qaytib, oila quradi va, asosan, ijodiy ish bilan shug‘ullanadi. Muqimiy va Muhyi yetakchi bo‘lgan Zavqiy, Nodim, Nisbat, Muhayyir kabi ijodkorlar guruhi bilan bevosita muloqotda bo‘ladi, ular uyushtirib turadigan adabiy majlislar, she’riyat kechalarining faol ishtirokchisiga aylanadi.

Furqatning Qo‘qondagi bu davr ijodi tur va mavzu, mazmun va shakl rang-barangligi jihatidan ham, sermahsulligi jihatidan ham diqqatga sazovor. Chunki u g‘ayrioddiy dunyoqarash sohibi edi. U mumtoz she’riyat an‘analari ruhida ko‘plab ishqiy g‘azallar, muxammaslar yaratgan. Alisher Navoiy asarlariga go‘zal nazira va taxmislar bog‘lagan, uning she’rlarida ijtimoiy ruh va zamonaviylik tobora keng o‘rin egallay boshlagan. Masalan, «Bo‘ldi» radifli muxammasi va boshqa she’rlarida. Furqat xalqning siyosiy huquqsizligi va iqtisodiy nochor ahvolidan qayg‘urgan («Ne jurm o‘ttiki bizdin, bunchalik ...») Qo‘qon xonligining uzil-kesil tugatilib, batamom mustamlakaga aylantirilishi voqeasiga bog‘liq holda yaratilgan: «Demish xon bir kunikim, davru davronlar qayon qoldi?» misrasi bilan boshlanuvchi muxammasi ham Furqatning shu davrdagi ijodi mahsulidir. Toj-u taxtdan, sha‘n-u shavkat va a‘yonlardan

mahrum bo'lgan Xudoyorxon nomidan bitilgan bu asar ham shoir ijodida zamonaviy ijtimoiy mavzu keng o'rin egallaganlining isbotidir. Furqatning ijodiy merosida an'anaviy she'riy turlar, o'zbek mumtoz adabiyotidagi asosiy mavzular yetakchi o'rin egallaydi. Uning g'azal va muxammaslari, bog'lagan taxmislari o'zining hayotiyliigi, musiqiyliigi, nihoyatda samimiyligi bilan zamondoshlarinini maftun etadi.

- Furqatning «Yetti falak», «Biri», «Istar ko'ngul», «Do'st», «Kokulung» radifli muxammaslari, Navoiy g'azallariga taxmislari davr she'riyatining ham g'oyaviy, ham badiiy jihatdan yetuk namunalari hisoblanadi.

- Furqat she'riyatida mustamlaka tuzumining illatlarini qoralash, joriy adolatsizlik va zo'ravonlikdan, huquqsizlik va nochor hayotdan, nodonlarning zamonada e'tibor topib, donolarning xor-zor etilishidan norozilik esda qolarli badiiy bo'yoqlarda tasvirlangan.

- «Charxi kajraftorning bir shevasidan dog'men: Ayshni nodon surub, kulfatni dono tortadur»

- «Bormasmiz» radifli she'rida esa o'zbek milliy ruhiyati badiiy ifodalangan. Mashhur «Sayding qo'yaber, sayyod...» musaddasida esa shoir shaxsning erkin yashash huquqini himoya qiladi, zulm va istibdodni qat'iy qoralaydi.

- Furqat she'rlarida ona yurt tabiati va bahor go'zalligi, jo'shqin sevgi-muhabbat va chin insoniy fazilatlar, hayot shodliklaridan quvonish va turmush tashvishlaridan shikoyat qilish, umuman, odam va olam, kishilarning ma'naviy dunyosi, mehri va qahri yaqqol tasvirlangan.

- Furqat xuddi shu yillarda «Xammomi xayol» risolasini yozadi. «Chor darvesh» hikoyatini forschadan tarjima qiladi. «Nuh manzar» nomli she'riy kitob yaratadi. «Bulardin bo'lak har xil g'azaliyotim Farg'ona muzofotig'a (ya'ni, yon-atrof qishloq-shaharlariga) va digar mamlakatlarga muntashir (mashhur) bo'ldi», deb yozadi shoir. Xuddi shu yillarda Furqat ilk bor she'rlarini to'plab, majmua holiga ham keltirgan. Afsuski, shoirning o'zi qayd etgan risola, manzuma va tarjimalari kabi bu majmua ham shu kunga qadar topilgan emas.

Furqat ilk bor gazeta bilan tanishib, uning «Toshkent shahrida bosma bo'lg'on»ligini shu yerda biladi. Yangilikka chanqoq, taraqqiyparvar shoirda ijtimoiy hayotda yuz bergan o'zgarishlarga, sekin-asta yoyila borayotgan fan va texnika namunalariga qiziqish uyg'onadi, yangiliklar bilan bevosita tanishish, o'z ko'zi bilan ko'rish ishtiyoqi zo'rayadi. 1889-yil boshlarida Toshkent safariga chiqadi, Xo'jandda to'xtab, Toshxo'ja Asiriy boshliq shoirlar, adabiyot muxlislari bilan uchrashadi, adabiy kechalarda ishtirok etadi. Nihoyat, 1889-yilning iyunida Toshkentga keladi. Toshkentdagi Ko'kaldosh madrasasi hujralaridan birida yashaydi. Ko'zga ko'ringan olim, fozillar bilan tanishadi. Sharifxo'ja Eshon tavsiyasi bilan ma'lum muddat «Farhat» (shodlik, xursandlik) taxallusida she'rlar yozadi, lekin ko'p o'tmay, eski taxallusiga qaytadi. Furqat taxminan 1886 - 87 yillarda Marg'ilonga borib, u yerdagi Masjidi jome hujrasida istiqomat qilgan, yor-u birodarlari ko'magida kichik do'kon ochgan bo'lsa-da, asosan, she'riyat bilan shug'ullangan, shaharning ziyolilari, jumladan, Xo'jajon Rojiy, Muhammad Umar Umidiy-Havoiiy, Mulla Toshboltu Royiq kabi ijodkorlar bilan tanishib, adabiy suhbatlar qurgan. Furqat Toshkentda rus ziyolilari, yevropacha hayot tarzi bilan tanishdi. Chor ma'murlari shoirning teatr, gimnaziya,

turli konsertlarga kiritishni uyushtirdilar, ko'rgazmalarga olib bordilar. Yangi tarixiy sharoit tufayli yuz bergan o'zgarishlarni mushohada etish natijasida Furqat dunyoqarashida jiddiy o'zgarish bo'ladi va bu hol uning ijodida o'z badiiy ifodasini topadi — ma'rifatparvarlik, yevropacha ilm, madaniyat, fan-texnikaga xayrixohlik shoir she'rlarining yetakchi g'oyasiga aylana boradi. Bu esa Furqatning ko'p asrli o'zbek adabiyotiga yangi mavzular, yangi g'oyalar olib kirishiga zamin bo'ldi.

Toshkentda ochilgan erlar gimnaziyasi, maorif muassasalari, madaniyat va san'at o'choqlarini, tobora ko'proq kirib kelayotgan fan-texnika yangiliklarini kuzatish oqibatida uning «Ilm xosiyati», «Gimnaziya», «Vistavka xususida», «Akt majlisi xususida», «Toshkent shahrida bo'lg'on nag'ma bazmi xususida», «Suvorov» va boshqa asarlari maydonga keldi va ularning barchasi 1890-yillarda «Turkiston viloyatining gazetisi»da chop qilindi. Bu turkum asarlarida Furqat yangilik va taraqqiyotning, ilm-fan va yevropacha maorif-madaniyatning targ'ibotchisi sifatida namoyon bo'ladi; o'z vatandoshlarini zamonaviy bilimlarni puxta egallashga va ilg'or xalqlar qatoridan o'rin olishga da'vat etadi. Biroq Furqat ayrim zamondoshlari singari rus istilochilik siyosatining asl mohiyatini birdaniga anglay olmadi. Rus, Yevropa madaniyatparvarligi orqasida mahalliy ruslashtirish siyosati pinhon ekanligini so'ngroq tushunib yetdi. Xuddi shu yillarda yaratilgan «Shoir ahvoli va she'r mubolag'asi xususida» asarida Furqat ijodkor va badiiy adabiyot xususida gap ochib, she'riyatda realistik tasvir masalasini ko'tardi. 1891-yilning iyulida Marv, Ashxobod, Boku, Batumi orqali Istanbulga bordi. Do'stlariga yozgan maktublarida, voqealarni oldindan bilgandek, vatanidan bir umr ajralib qoladigan odamning kayfiyatini aks ettirdi. Masalan, Istanbuldan yozgan «Sabog'a xitob» she'riy maktubida Vatan ishtiyoqi, do'stlar sog'inchi, g'urbat azoblari va yolg'izlik motivlari birinchi o'ringa chiqqan. Furqat Istanbuldan Bulg'oriya va Yunonistonga o'tdi. Bolqon yarim orolining qator shaharlarida bo'ldi. 1892-yilning martida Istanbuldan O'rta dengiz orqali Arabistonga, Makka, Jidda, Madina shahrilariga bordi. Makkadagi haj ziyorati munosabati bilan «Hajnoma» asarini yaratdi. So'ng Bombayga keldi, Hindistonning qator viloyatlariga sayohat qildi. Uning bu davrda yozgan nasriy va nazmiy maktublarida tushkunlik, ona yurt sog'inchi va izzatoblari aks etgan. «Adashganman» radifli hamda «Kashmirda», «Bulbul» deb nomlanuvchi lirik she'rlar turkumi shu jihatdan o'ziga xos hijronnomadir. Furqatning publitsist sifatidagi faoliyati 1890-yildan boshlandi. «Turkiston viloyatining gazetisi»ga rasman ishga kirdi, gazetani tayyorlashda bevosita qatnashdi. Bir yildan ko'proq vaqt mobaynida Sattorxon kabi ilg'or ma'rifatparvarlar bilan hamkorlikda ishlab, gazeta sahifalarida o'z maqolalarini e'lon qildi. Barkamol lirikasi, jozibali nasri va publitsistikasi bilan XIX asr oxiri va XX asr boshlaridagi milliy adabiyotimiz rivojiga ulkan hissa qo'shgan Furqat ona vatanidan uzoqda vafot etdi. Uning jasadi Yorkendning Dongdor qabristoniga ko'milgan. 1990-yil shoir qabri ustiga maqbara qurilgan. Furqatning she'rlari kitob holida dastlab 1913-yilda Muqimiy she'rlari bilan birga bayoz holida toshbosmada bosilgan edi, 50-80-yillarda ko'p bor nashr etildi. Shoir hayoti va ijodi haqida qator ilmiy asarlar yozildi, dissertatsiyalar yoqlandi, opera librettosi, kinosenariy va boshqalar yaratildi. O'zbekistondagi bir qator qishloq, tuman, maktab, ko'cha va xiyobonlar, bog'lar uning nomi bilan ataladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Karimov I.A. Ilmu fan mamlakatimiz taraqqiyotiga xizmat qilsin. Asarlar to‘plami. 2-jild. –T: O‘zbekiston, 1996.
2. S.Matchonov, Sariyev. O‘zbek adabiyoti. –T: Yurist-media markazi, 2011
3. U. Normatov. Ijod sehri.-T: 2007
4. Karimov I.A. Adabiyotga e’tibor – ma’naviyatga, kelajakka e’tibor –T: O‘zbekiston, 2009

## DAM OLISH MASKANLARIDA MAHOBATLI RANGTASVIRNING BADIYIY YECHIMI

Azizov Jahongir Ma'rifjanovich

Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy Rassomlik va dizayn instituti magistranti

**Annotatsiya:** Magistratura timmizning tanlagan magistrlik ilmiy ish mavzusi hozirgi davrga kerakli va tomoshabin uchun qiziqarliligi bilan ajralib turadi.

**Kalit soʻzlar:** Tasviriy sanʼat, rassomchilik, mahorat va boshqalar

**Tasviriy sanʼat** - rangtasvir, haykaltaroshlik, grafikani birlashtirgan nafis sanʼat turi; voqelikni uning osongina ilgʻab olinadigan fazoviy shakllarda koʻrgazmali obrazlarda aks ettiradi. Tasviriy sanʼat turlari oʻz xususiyatlariga qarab real borlikni obʼyektiv mavjud sifatlari — hajm, rang, fazo, shuningdek, predmetning moddiy shakli va nurhavo muhiti, harakat va oʻzgarishlari xissini yaratadi, bunda tasvirning hissiy konkretligidan illyuzionizmga oʻtish mumkin. Tasviriy sanʼat faqat koʻrish mumkin boʻlgan narsalarnigina tasvirlab qolmay, balki asarlarida hodisalarning vaqtinchalik rivoji, uning u yoki bu qismi (fabula), erkin hikoyanavislik, dinamik harakatlarni ham aks ettirib, dunyoni gʻoyaviy oʻzlashtirish imkoniyatlarini kengaytiradi. Tasviriy sanʼat insonning ruhiy kiyofasini, uning oʻzgaralar bilan oʻzaro munosabatlarini, tasviriy holatning psixologik va emotsional mazmunini ham yoritadi. Baʼzan mavjud boʻlmagan, rassom tasavvurining mahsuli boʻlgan obrazlarni ham yuzaga keltiradi. Insoniyat tarixidagi turli davrlarni aks ettiradi. Davrning faqat hissiy holatigina emas, balki uning gʻoyaviy mohiyati, siyosiy, falsafiy, estetik va etik gʻoyalari ham Tasviriy sanʼatning mazmuniga aylanadi. Tasviriy sanʼat obrazlarining koʻrgazmaliligi rassomga hayotning muayyan hodisasiga oʻz munosabatini yuksak darajada ifodalashiga imkon beradi; shu tufayli hayotni bilishning faol shakli sifatida jamiyatning ijtimoiy hayotida, maʼlum tizimning ommaviy ongini qaror topishida muxim rol oʻynaydi. Olamni bilishning shakllaridan biri sifatida ijtimoiy ongni shakllantiradi hamda xalq orzuomidlarini ifodalash shakli sifatida ham katta ahamiyat kasb etadi. Zamonaviy sharoitda umumgoyaviy kurashlarning bir boʻlagi sifatida namoyon boʻladi.

Insoniyatning mehnat faoliyati, eʼtiqodlari, diniy qarashlari zaminida Tasviriy sanʼat paydo boʻlgan va rivojlangan. Qad. tosh asrining ilk bosqichidayoq inson oʻz ehtiyoji uchun zarur boʻlgan buyumlarni yaratish, libos, turar joylar tayyorlash jarayonida qulaylik, maqsadga muvofiqlik tushunchalari rivojlanib, ritm, simmetriya hissi ortdi. Marxumlar bilan vidolashuv, dafn marosimlarida marxumlar qabriga turli buyumlar koʻyish odatlarida Tasviriy sanʼatning fazoviy fikr yuritish, fazoviylik, kenglik, olam tushuncha va tasavvurlari shakllanib bordi. Tosh, suyak, keyinchalik sopoldan ishlangan turli shakl va haykallarda, qoyatoshlarga, gor devorlariga chizilgan, rangda ishlangan rasmlarda ibtidoiy insonning mehnat faoliyati, dunyo, borliq haqidagi oʻyxayollari, oʻzga dunyo toʻgʻrisidagi tasavvurlari mujassamlashgan (qarang [Ibtidoiy sanʼat](#)). Ijtimoiy jamoa tuzumining inqirozi hamda mehnat taqsimotining yuzaga kelishi, aqliy mehnat jismoniy mehnatdan ajralishi Tasviriy sanʼat rivojida muhim oʻrinni egallaydi. Tasviriy sanʼat inson faoliyatining maʼlum sohasiga aylanib davr ruhiyati,

uning siyosiy, ma'naviy va nihoyat estetik qarashlarini aks ettiruvchi manbaga aylandi. Qad. Sharq mamlakatlarida, jumladan Qad. Misrda Tasviriy san'at insonning dunyo, borliq to'g'risidagi tushuncha va tasavvurlarini, xudolar darajasiga ko'tarilgan fir'avnlarni ulug'lash quroliga aylandi. Yunonistonda Tasviriy san'at jamiyatning erkin fuqarosiga qaratilgan va antik mifologiyaning g'oyalarini plastik moddiylashtirilgan ko'rinishida kamol topdi, Qad. Rim realizmida murakkab inson jismi namoyon bo'ddi. Insoniyat sivilizatsiyasining muhim o'choqlaridan hisoblangan O'rta Osiyo, uning ajralmas qismi O'zbekiston hududida ham Tasviriy san'at ijtimoiy hayotda muhim o'rin egallab, davr hamda inson tafakkuridagi nozik o'zgarishlarni o'zida aks ettiradi. Zarautsoy rasmlari, Xorazm, Sug'd, Baqtriya mahobatli haykal va rangtasvirlari shuning dalilidir.

Hozirgi kunda Mahobatli rang tasvirning jamoat joylarida keng kulamli inshootlarni bezash va mavzusini ochib berishdagi urni juda muhim. Asosan dam olish maskanlari, teatr, kinoteatr, kutubhona va boshqa jamoat kungil ochar joylarida dekorativ va mumtoz memorchilik ishlaridan foydalanishning ayni vaqti va davr talabi hamdir. Yangi uzbekiston, yangi dunyo qarash va yangi innovatsion rivojlanishda rassochilik sanati hususan mahobatli rang tasvirning ahamiyati muhim joy olgan deb bilamiz. Yangi qurulayotgan kungil ochar dam olish maskanlarida mahobatli rangtasvirdan foydalanish va undagi badiiylikni tomoshabinga ochib berish rassom oldidagi asosiy maqsadlardan biridir. Har bir tomoshabin rassom asaridan zavq va estetik hordiq olish bilan birgalikda mavzuning ahamiyati rassom nima demoqchi ekanligini ham anglab olishi lozim. Bu esa rassomdan katta mahorat va professinallikni talab etadi. Zamonaviy mahobatli rang tasvir joylashish holatiga qarab arhitektura bilan uzviy bog'langan bulib, katta masshtabli badiiy tasurot kasb etadi va ideal maqsadlar bilan qurilgan kompozitsiyani ranglar mutanosibligida bir nuqtada jamlaydi, Mavzuning tarihiy yoki zamonaviy ekanligi ham katta ahamiyatga egadir. Tarihiy janrda ishlash hozirgi kun yoshlariga tarihni urganishga bulgan qiziqishini oshirishi usha davr odamlari hayotini urganishga undaydi.

O'zbekiston darixi juda boy va dunyoo tamaddunida uz urniga ega zaminlardan biridir. Tarihiy siymolarni hayot yullarin yoritib berish va tomoshabinga taqdimetish har bir sanatkordan judda ketta ijodiy mehnat talab etadi. Bu ijodkor uchun g'urur va iftihor kasb etadi. Yurtimmiz ravnaqiga katta hissa qushadi deb umid qilaman.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Tasviriy\\_san](https://uz.wikipedia.org/wiki/Tasviriy_san)
2. Ziyonet.uz
3. O.N. Samadov. Tasviriy san't tarixi

## JAG'LI SIQUVCHI VA BO'RTIQ TISHLI TIZIMLI BULDOZER OTVALIDA SEL NATIJASIDA HOSIL BO'LGAN TUPROQLI MASSANI QAZISH JARAYONI TAHLILI

Tolkin Askarxo'jayev

Toshkent avtomobil yo'llari qurilishi va ekspluatatsiyasini loyihalashtirish instituti

Azimxoja Abdulaxatov

O'zbekiston Respublikasi fuqaro muhofazasi instituti

**Annotatsiya:** Bu maqolada jag'li qisqich va oldingi suruvchi tishli quti tipidagi otval bilan jihozlangan buldozer yordamida sel oqibatida hosil bo'lgan tuproqni qazish va surish jarayonlarining matematik modeli va hisob sxemasi ko'rib chiqildi.

Odatiy ishchi jihozining o'zgartirilishi loyihalananayotgan buldozerning optimal o'lchamlarini va ish rejimini aniqlash, ishlab chiqarish muhitining real holatiga muvofiq amalga oshirishga imkon beradi.

Taklif etilayotgan usul tuzulishning samaradorligini keng miqyosdagi tadbqiqiga qadar baholashga imkoniyat yaratadi.


**Kalit so'zlar:** jag 'ushlagichi, kesish nazariyasi, qo'shimcha yuk

Yer bilan o'zaro ta'sirni o'rganish asosida "quti" tipidagi chiqib ketuvchi o'rta pichoq va jag 'ushlagichi bilan jihozlangan buldozer yordamida [1] qazish jarayonida qarshilik kuchlarini aniqlash uchun hisoblash sxemasi tuzildi, bu "maksimal" yuklangan bosqich bo'lib, tuproqni qazish bilan birga harakatlanish uchun to'plangan prizmani ham hosil qiladi. Tuproqni qazishga gorizontal komponent qarshilik ko'rsatadi. Bu holda butun ishchi sirt uchun (rasm), quyidagicha aniqlanadi:

$$W_k = W_p + W_{np}, \quad (1)$$

$W_p$ - jag'ning tutqichi ichidagi mog'or yuzasi bo'ylab shakllanish harakatiga qarshilikni hisobga olgan holda chiqib turgan pichoq tizimining kesish qarshiligi, H;

$W_{np}$ - prizmaning qarshilikka chidamliligi, H;



Rasm: Chiqib ketgan pichoq tizimiga ega bo'lgan jag' tutqichi bilan jihozlangan qaziladigan tuproqning qarshiligini aniqlash sxemasi.



Asosiy va pastki pichoqlardan iborat tizim, kesilgan to'rtburchaklar perimetri bo'lib, burchaklari yerga singdirilgan. Tuproqning kesishga chidamliligini aniqlash uchun  $\rho > \delta$  da ko'rsatilgan perimetr, donador muhitning yakuniy muvozanati kontseptsiyasiga asoslangan tuproqni kesish nazariyasining qoidalaridan foydalanish mumkin [2.] Asosan, kerakli qarshilik munosabatlar bilan belgilanadi:

$$W_p = A_\alpha A_1 F_{\text{ctp}} \cdot q \left[ \frac{\gamma h_{\text{qel}}}{2} + c_\omega \text{ctg} \rho \left( 1 - 1/A_1 \right) + P_{\text{пл}} \right] + 2A_2 t h_{\text{qel}} \cdot g x$$

$$\times \left[ \frac{\gamma h_{\text{qel}}}{2} + c_\omega \text{ctg} \rho \cdot \left( 1 - 1/A_1 \right) \right] + 4 \text{tg} \delta \cdot A_3 l_{\text{qel}} \cdot g \left[ \frac{\gamma h_{\text{qel}}}{2} \right] c_\omega \text{ctg} \rho \quad 2$$

$$\cdot \left( 1 - 1/A_3 \right)$$

$A_1, A_2, A_3, A_\alpha$ -nisbatlarga asoslangan analitik koeffitsientlar:

$$A_\alpha = (1 + \text{ctg} \alpha_p \cdot \text{tg} \delta);$$

$$A_1 = \frac{1 - \sin \rho \cos 2\alpha \rho}{1 - \sin \rho};$$

$$A_2 = A_3 = \frac{\cos \delta + \sqrt{\sin^2 \rho - \sin^2 \delta}}{1 - \sin \delta} \exp \left( \delta + \arcsin \frac{\sin \delta}{\sin \rho} \right) \text{tg} \rho;$$

$P_{\text{пл}}$ - jag ' ushlagichi ichidagi yuzaning bo'ylab qatlamning harakatiga qarshilik kuchlaridan kesilgan qismlariga nisbatan o'ziga xos bosim;

$l_{\text{q}}$ - kesish yo'nalishi bo'yicha kesish pichoqlarining uzunligi, m.

(2) ga qarab, birinchi qism asosiy pichoqning old tomonida oqayotgan jarayonlar bilan bog'liq, ikkinchisi-kesish pichoqlarining old yuzalari bilan  $\alpha_{\text{п}} \leq 90^\circ$ ; uchinchisi-jag ' ushlagichi va pichoq tizimining yon yuzalarida ishqalanishi

$0 \leq \alpha_{\text{п}} \leq \pi/2$  da kesish pichoqlarining old tomonidagi normal kuchlanish bilan aniqlanadi:

$$\sigma_n = A_1 \left[ \gamma x + c_\omega \cdot \text{ctg} \rho \cdot \left( 1 - 1/A_1 \right) \right]$$

$\pi/2 \leq \alpha_{\text{п}} \leq \pi$  bilan  $\sigma_n$  qiymati tik turgan devorlar uchun olingan bog'liqliklarga muvofiq aniqlanadi [87]:

$$\sigma_{\Pi} = A_2 \left[ \gamma x + c_{\omega} ctg \rho \left( 1 - 1/A_2 \right) \right]$$

Koeffitsient miqdorini hisoblash uchun  $A_2$  qachonki,  $\rho > \delta$  va  $0 \leq \alpha_{\Pi} \leq \pi/2$ ,

$$A_2 = \frac{\cos \delta + \sqrt{\sin^2 \rho - \sin^2 \delta}}{1 - \sin \delta} \exp \left( \alpha_{\Pi} - \pi + \delta + \arcsin \frac{\sin \delta}{\sin \rho} \right) tg \rho$$

Kesish yo'nalishi bo'yicha kesish pichoqlarining uzunligi quyidagicha aniqlanadi:

$$l_{\zeta} = h_{\text{чел}} (ctg l_p - ctg l_{\Pi}) \quad (3)$$

(2) ifodadagi solishtirma bosimning  $P_{\Pi\Pi}$  qiymati qatlam harakati paytida paydo bo'ladigan qarshilikni tavsiflaydi:

$$P_{\Pi\Pi} = \gamma_p S \cos \alpha_p \sin \alpha_p \left\{ (tg \rho + \sin \alpha_p) \left[ 2tg \rho - \frac{S \cos \alpha_p}{\alpha} (tg \alpha_p - tg \rho) \right] + \right. \\ \left. + tg \delta tg^2 \left( \frac{\pi}{2} - \frac{\rho}{4} \right) \cdot tg^2 \rho \frac{\alpha}{2B} \right\} + \gamma_p atg \rho$$

$\gamma_p$  – yumshatilgan holatda tuproqning quyi zichligi;

S-aloqa zonasi uzunligi, harakatlanuvchi qatlam va chizilgan prizmada joylashgan statsionar tuproq;

$\alpha_p$  – oldingi pichoqni kesish burchagi;

$\rho, \delta$  - ichki va tashqi ishqalanish burchaklari;

$\alpha$  - massivdan ajratilgan tuproqning shartli hajmini belgilaydigan uchburchakdan o'rnatiladigan siljigan qatlam asosining kengligi [3].

B – buldozer uskunalari kengligi

Tuproqni jag 'pichog'i tizimi bilan kesishda tuproq harakati faqat jag' ushlagichi ichida sodir bo'ladi va pichoqning ikki yon bo'lagi tuproqni tashiydi. Shu nuqtai nazardan, harakatlanuvchi tuproq qatlami gruntning yon qismlari va jag'ning bosimi  $P_{\Pi\Pi}$  yuzasi bo'ylab joylashgan tuproq tomondan qo'shimcha yukni 2-ifodada mos ravishda  $W_{\Pi\Pi}$  tuproq harakatiga qarshilik qatlami bilan aniqlanadi:

$$W_{\Pi\Pi} = g \cdot (tg \delta + tg \rho) \cdot \gamma_p \cdot \cos^2 \rho_{\text{чел}} \cdot H^2 K \cdot \text{arc} \cdot \sin^{1/2} K \\ \left( 1 + tg \delta \text{arc} \sin^{1/2} K \right) + g \gamma \rho_{\text{чел}} a \cdot H_{\Pi\Pi} + W_{\delta} + W_{\rho}; \quad (3)$$

$W_\delta$  и  $W_\rho$ - qatlamning ishqalanish kuchlari pichoq tizimi bilan jag' ushlagichining yon yuzasiga va pichoqning yon qismlarida joylashgan.

Yakuniy shaklda, barcha uch qismning shakllanishi natijasida o'zgartirilgan formula (2) nisbati quyidagicha:

$$W_k = D_1 F_{\text{CTP}} \left[ \frac{\gamma h_{\text{чел}}}{2} + c_\omega ctg \rho \left( 1 - 1/A_1 \right) + \sin \alpha_\rho g \left[ D_2 \frac{H^2}{h_{\text{чел}}} + \gamma_\rho H_{\text{np}} + D_3 \frac{H}{F_{\text{CTP}}} \right] x \right. \\ \left. [F_2 tg \rho + F_\delta \cdot (tg \delta - tg \rho)] \right] + D_4 t h_{\text{чел}} \left[ \frac{\gamma h_{\text{чел}}}{2} + c_\omega ctg \rho \left( 1 - 1/A_1 \right) \right] + D_5 h_{\text{чел}}^2 \\ (gtg \alpha_\rho - ctg \alpha_\pi) \left[ \frac{\gamma h_{\text{чел}}}{2} + c_\omega ctg \rho \left( 1 - 1/A_3 \right) \right] + D_6 B H_{\text{np}}, \quad (4)$$

$D_1; D_2; D_3; D_4; D_5; D_6$  – buldozer ishchi organining qiymatlari va parametrlari bilan aniqlangan koeffitsientlar [4].

Chiqib ketgan pichoq tizimiga ega jag' ushlagich bilan jihozlangan buldozer pichog'i tuproq qarshiligining olingan matematik modeli tuproqni qazish jarayonining asosiy parametrlarini bitta bog'liqlikka bog'lashga imkon beradi: mashina va loy tuproq xususiyatlari.

#### Adabiyotlar:

1. Norkin E.A. Bo'shashgan tuproqlarni rivojlantirish uchun parametrlarni aniqlash va buldozer uskunalarning samaradorligini baholash. Diss. Ph.D. Moskva, VNIITS, 1989 yil
2. Sokolovskiy V.V. Ommaviy media statikasi M. Fizmatgiz. 1960.296-b.
3. Balovnev V.I. Transport va texnologik mashinalarning innovatsion tizimlari va jarayonlarini optimallashtirish va tanlash. Moskva, 2014.386-b.
4. Balovnev V. I. avtomobil yo'llari qurilishining operatsion jarayonlarini masshtabli modellashtirish usullari. Amerika Qo'shma Shtatlari uchun chop etilgan qishloq xo'jaligi va Milliy fan Foundation bo'limi, Vashington, OKRGI, Amerind Publishing Co tomonidan. Pvt. Ltd., 1985 Yangi Dehli. 229 b.

**DISPETCHERLIK APPARATI UCHUN POYEZDLAR HARAKATI  
XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH USULLARINI ISHLAB CHIQUISH**

Muratova Saida Yakubovna

*Ilmiy rahbar: t.f.n., dotsent Svetashev Aleksandr Aleksandrovich*

Toshkent davlat transport universiteti

**Annotatsiya:** Strukturaviy qayta qurish va ularning asosiy fondlarini rivojlantirishga investitsiyalarning kamayishi sharoitida temir yo'l transportini rivojlantirishning asosiy muammolaridan biri bu harakat xavfsizligini ta'minlash muammosidir. Temir yo'l transportida yo'l harakati xavfsizligi buzilishining asosiy sabablari yo'l nosozliklari, taqiqlovchi signallarning o'tishi, vagonlar qismlarining sinishi va qulashi, ishlamay qolishi, poezdlarni qabul qilish va jo'natish qoidalarining buzilishi, transport vositalarining to'qnashuvi va boshqalar bo'lishi mumkin. Barcha holatlarda baxtsiz hodisalar sabablari transportning asosiy texnik vositalarining yetarlicha ishonchliligi, shuningdek ekspluatatsion xodimlarning noto'g'ri harakatlari va tashqi muhitning kutilmagan oqibatlar bilan izohlanadi. Poyezd va manyovr ishlarida avariya, baxtsiz hodisalar oldini olish bo'yicha profilaktika choralari tizimi temir yo'l transportida harakat xavfsizligini ta'minlashning asosidir.

**Kalit so'zlar:** lokomotivlar va avtomashinalar, transport jarayoni texnologiyasi, temir yo'l transporti

Tashish texnologiyasini aniq amalga oshirish temir yo'l transporti xodimlaridan ish vazifalarini mukammal bilishni, kasbiy mahoratini muntazam oshirib borishni, ishlab chiqarishning umumiy madaniyatini oshirishni, harakat tarkibidan foydalanishni yaxshilashga, mehnat unumdorligini oshirishga qaratilgan yangi zaxiralarni izlashni talab qiladi. Poyezdlar harakati bilan bog'liq bo'lgan ishchilardan yuqori ehtiyotkorlik, muzokaralarda aniqlik, texnik vositalar, stantsiyalar va ularga tutashgan uchastkalar, lokomotivlar va avtomashinalarning texnik xususiyatlari, texnik ekspluatatsiya qoidalarini, ko'rsatmalar va TPA stantsiyalari haqida ma'lumot talab qilinadi, chunki ular qiyin nostandart va favqulodda vaziyatlar va yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash uchun kerak.

Poyezdlar harakati xavfsizligini ta'minlash bo'yicha profilaktika ishlarining istiqbolli yo'nalishi favqulodda vaziyatlarning sabablarini aniqlash va imkon qadar dastlabki bosqichlarda ularning hodisalar va yo'l-transport hodisalariga aylanishiga yo'l qo'ymaslikdir. Amaldagi "reaksiya hosil qilish va to'g'ri deb bilish" tamoyili "oldindan ko'rish va oldini olish" tamoyili bilan almashtirilishi kerak.

Shu bilan birga, hozirgi vaqtda yo'l harakati xavfsizligi harakatlarning menejerlari va ijrochilariga qarab, ma'lum bir sabablarga ko'ra xavfsizlik talablarini bajarmaganligi, odatdagi yo'nalishni buzganligi sababli avtohalokatlar, baxtsiz hodisalar va ishlab chiqarishdagi nuqsonlar holatlari bilan ajralib turadi. Darhaqiqat, yo'l harakati xavfsizligi buzilishidan oldin vaziyatlar yo'l harakati menejerlari va ijrochilariga bog'liq bo'lmagan sabablarga ko'ra yoki ishlab chiqarish sharoitlari qoidalarini buzishga

undaganda paydo bo'ladi. Ushbu muammolarni hal qilish transport jarayoni texnologiyasini batafsil tahlil qilishni, shuningdek ushbu jarayonni boshqaradigan tezkor xodimlar ishining mazmuni va natijalarini talab qiladi.

Individual omillar qatoriga intizomsizlik, tavakkal qilishga moyilligi, bajarilgan ishning mohiyati va harakatning boshqaruvchisi yoki ijrochisining ichki ritmi o'rtasidagi nomuvofiqlik kiradi, bu ularning tayyorligi va ishonchliligini aniqlash metodologiyasini aniqlashtirish va ishlab chiqishda o'rnatilishi mumkin.

Ushbu tizimdan foydalanish, poyezd dispetcherlari tomonidan xatolar va noto'g'ri harakatlarning oldini olish va standart va nostandart vaziyatlarda manyovr ishlarini bajarish uchun profilaktika ishlarini tashkil etish darajasini sezilarli darajada oshirishga imkon beradi. Yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash bo'yicha profilaktika ishlari samaradorligini oshirish maqsadida poyezd dispetcherlarining ishonchliligi va tayyorligini aniqlash tizimi ishlab chiqilgan.

Yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash bo'yicha profilaktik ishlarining nazariy qoidalari va uslublarini ishlab chiqish quyidagi tadqiqotlar natijasida shakllandi:

- poyezd ishlarini bajarishning turli xil rejimlarida harakatni boshqaruvchilarning xatti-harakatlarining psixofiziologik xususiyatlari;
- poyezd dispetcherlarining tayyorligi va ishonchliligini aniqlash muammolari;
- psixologik tushirish usullari va stressli sharoitda poyezd dispetcherlarining psixologik buzilishining oldini olish bo'yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqish;
- stansiya navbatchilari tomonidan talab qilinadigan harakatlar qoidalarini bilishni dispetcherlik nazorati tizimlari.

Belgilangan vazifalarni hal qilishda umumiy uslubiy yondashuv quyidagilardan iborat:

- ehtimolliklar nazariyasining matematik usullari, matematik statistika;
- tizim yondashuvlari, tashkiliy, texnik va texnologik tarkibiy qismlarni asoslash va rasmiylashtirish, xodimlarni boshqarish funktsiyalari, poyezdlar harakati xavfsizligini ta'minlash.

Yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash nuqtai nazaridan poyezd ishlarini bajarishning texnologik jarayonini takomillashtirishga qo'yilgan sarmoyalarning iqtisodiy samaradorligi temir yo'l transportida investitsiya loyihalarini baholash bo'yicha uslubiy tavsiyalarga muvofiq belgilanadi.

O'tkazilgan eksperimental tadqiqotlar natijasida poyezd dispetcherlarining tayyorgarligi va ishonchliligi ko'rsatkichlari bilan ularning harakatlanish xavfsizligini oldini olishning yaxlit tizimi yordamida aniqlangan ularning malakasi va psixologik tarkibiy qismlari xususiyatlari bilan bog'liqlik o'rnatildi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Yo'l ishlari paytida poyezdlar harakati xavfsizligini ta'minlash bo'yicha ko'rsatmalar. CPU / 485. Moskva: Transport, 1997, 184b.
2. Rossiya temir yo'llari vazirligining temir yo'l kesishmalarini ishlatish bo'yicha ko'rsatmalar. CPU / 483. Moskva: Transport, 1997.103 b.

3. Godovich L.M., Tyurin V.K. Poezdlar harakati xavfsizligini ta'minlash. Moskva: Transport, 1988.136 b.

4. Golovko V.A. Neyron tarmoqlari: o'qitish, tashkil etish va qo'llash. M.: "Radiotexnika" tahririyatining nashriyoti, 2001. 256b.

## РОЛЬ ТВОРЧЕСТВА ХУДОЖНИКОВ В РАЗВИТИИ СОВРЕМЕННОЙ МУЛЬТИПЛИКАЦИИ

Дусжанова Асалгул Мансурбековна - магистр,  
кафедра театрального декора Цветное изображение, Национальный институт  
художеств и дизайна им. Камолиддина Бехзода

**Аннотация:** В данной статье выдвинута одна из важнейших проблем в деле дальнейшего развития одного из интереснейших видов искусства - мультипликации, или роль творчества художника в анимации.

**Ключевые слова:** анимация, режиссёр, художник-постановщик, художник-мультипликатор, рисованная мультипликация, видео арт, компьютер.

Художники со всего мира, вдохновленные возможностями новинки «сiнeмa», начали свои эксперименты, пытаясь создавать при помощи кистей и карандашей нечто до сих пор невиданное. Движение, а потом и звук, дали живописи совершенно новое пространство для творческого поиска. Теперь стало возможным с помощью нехитрых устройств создавать на экране динамичные сюжеты и образы, запечатлеть которые раньше могли лишь руки самых искусственных мастеров.

Передовые технологии, которым в конце XIX века что только не пророчили, не смогли убить живопись и дух искусства, царивший в мастерских художников. Наоборот, появилось новое пространство для творчества, а точнее – время. Статичные образы пришли в движение, создавая для автора дополнительные степени свободы самовыражения.

Признание к анимации, как к полноценному новому виду искусства, пришло далеко не сразу. В начале XX века мультипликация становилась делом авангардных художников, зачастую не понимаемых обществом, однако доступность анимационных технологий вскоре превратила мультфильмы в по-ярмарочному «детский», несерьезный аттракцион.

На сегодняшний день искусство и коммерция слились в мультипликации причудливым образом, создав на экранах кавалькаду идей и сюжетов, помноженную на конвейерное производство. Практически каждый месяц родителям приходится отбиваться от надоедливых детишек, желающих посмотреть в кино на очередные приключения веселых зверушек. Так и разориться недолго.

В настоящее время художники-мультипликаторы работают в различных индустриях: кино, телевидении, видеоиграх, рекламе, интернете. При создании анимации используются разнообразные технологии, включая [рисунки](#), [кукольную мультипликацию](#), [трёхмерную графику](#). Эти особенности приводят к значительным различиям художников-мультипликаторов по специализации.

В жизни современного человека анимационное кино занимает одно из важных мест. Образы популярных анимационных героев сопровождают человека с самого раннего детства. С ними связаны наиболее значимые воспоминания,

ассоциации, ощущения. Художественно-эстетическое воздействие образной системы анимационного кино на формирование мировоззрения растущей личности огромно. Это наиболее психологически комфортный (лёгкий, доступный, убедительный) канал коммуникации, трансляции социокультурных норм и ценностей, способствующий становлению установок, интересов и потребностей основной массы населения с раннего возраста. Прежде чем человек вступит на рынок с общедоступной массовой культурой, он уже соприкасался с гуманистическими ценностями, культурными традициями, национальными обычаями в мире анимации. Впоследствии он узнаёт закреплённые за ними в своём личностном становлении смыслы и значения, обнаруживая существующие в его сознании причинно-следственные связи. У человека, таким образом, возникает индивидуальная картина мира, которой он руководствуется в своём отношении к миру реальному и обретает тем самым известную свободу в пределах осознанной необходимости. Отсюда «у индивида чувство безопасности и уверенности, общее эмоциональное равновесие, собственная система ценностей»

Данные утверждения позволяют выразить общее мнение специалистов в том, что анимация сегодня - не только «искусство для детей», но искусство, обладающее высоким потенциалом художественно-эстетического воздействия и широкими воспитательными возможностями. В связи с этим, роль анимации не может ограничиваться сферой личного досуга и рамками детского возраста. Пространство искусства анимации необходимо расширить, в том числе, и с помощью системы образования. Именно поэтому проблема изучения искусства анимации современными школьниками на современном этапе развития образования так актуальна.

В энциклопедическом словаре «мультипликационное кино» определяется как вид киноискусства, произведения которого создаются путём съёмки последовательных фаз движения рисованных (графическая мультипликация) или объёмных (объёмная мультипликация) объектов. Графическая мультипликация, являясь особой художественно условной формой отображения действительности, обладает также и собственными выразительными средствами для изображения фантастических событий и действий. Объёмная мультипликация, уступая графической в показе действия, отличается большей остротой изобразительных характеристик персонажей.

Сущность анимации как вида искусства состоит в том, что она располагает широчайшим диапазоном выразительных приёмов и средств для экранизации любого художественного материала. Практически каждая художественная идея, даже самая сложная, может быть выражена с максимальной яркостью. В процессе одушевления неживого изображения участвуют литература, живопись, звук, данных экрану и используемых экраном как продолжение традиций, выработанных в смежных областях художественного творчества. Одним из первых среди мультипликаторов четыре основных элемента, образующих пластический образ (слово, рисунок, музыка, движение), выделил американский режиссёр Уолт Дисней. Три первых из них лежат в образовательной плоскости, и



их использование в общеобразовательных учреждениях может быть весьма успешным.

В основе анимации находится литературный сценарий, для написания которого могут использоваться все жанры, в том числе и жанры высокой степени условности: сказка, предание, легенда, сатира, притча, фольклор, комедия, произведения народного творчества, фантастика, карикатура, шарж. С помощью этих жанров, знакомых учащимся с детства и вызывающих поэтому приятные ассоциации, можно создать условия для ознакомления учащихся с любым литературным произведением, героем, историческим событием, явлением, с национальными традициями, культурными корнями разных стран и народов; решить ряд образовательных и воспитательных задач - от гражданско-патриотических до интимно-личностных.

В современной анимации исследователи выделяют несколько ярких тенденций развития данного вида искусства с точки зрения литературы:

- смешение различных жанровых форм с целью раскрытия значительной поэтически выраженной идеи;

- привлечение для усиления процесса восприятия экранизируемого произведения таких литературных приёмов, как поэтическая метафора, гиперболизация, метафора, символ, аллегория. Благодаря этой тенденции анимационное кино часто сравнивают с поэзией;

- использование, благодаря неограниченным выразительным возможностям, художественных сюжетов и образов из классической литературы.

Проблематика, сюжет, система характеров, идейно-художественная концепция. Отличие сценария фильма от литературного произведения заключается в установке на звукозрительную (аудиовизуальную) форму экранного воплощения. В связи с этим следует определить специфические характеристики сценария анимационного фильма: предельная ёмкость и лаконичность сюжетных конструкций.

Таким образом, сценарий объединяет в себе выразительные возможности как литературы, так и экрана. Эти характеристики и следует использовать в образовательном процессе при анализе фильма. Понимание литературного сценарного текста позволит сформировать у учащихся старшего школьного возраста также навык чтения и понимания других (инокультурных) художественных текстов; культуру чтения и понимания нереалистических текстов.

Сегодня громадные технические мощности и деньги индустрии развлечений направляются на создание новых поколений компьютерных игр, которые по своей сути являются анимационными диалоговыми фильмами. Ещё одной ветвью экранной культуры, может быть не столь большой, является область видеоарта, где основу составляет переделывание уже существующего материала. Видеоарт - это органичный перенос идеи графичности с холста на экран, где работа уже ведётся уже не с помощью кисти, а с помощью иных материалов, таких как временный фотокадр, коллажирование, многократное наложение, бесконечное

трансформирование и т.д.

Уже сегодня аниматограф вошёл в культуру обыденной жизни, являя собой идею устройства и функциональную форму всей индустрии услуг в её компьютерных вариантах - будь то биржевые новости, столбцы газет, пробегающие перед читателем на экране компьютера, программы различных телеканалов и т.д. В конце жизни знаменитый американский режиссёр-аниматор Уолт Дисней был удостоен высшей награды Соединенных Штатов Америки для гражданских лиц - Президентской медалью Свободы, с формулировкой - за создание американского фольклора.

В отличие от художника игрового кинематографа, работающего с реальным пространством и живыми людьми, художник анимации создаёт на экране воображаемый мир. С возникновением новейших технологий, компьютерной анимации возможности для реализации фантазии художника ещё больше расширились. Всё это значительно изменило ситуацию в анимационном кино. Кроме студий, производивших классическую мультипликацию, сегодня существует много компьютерных студий, выпускающих телевизионно-рекламные фильмы, компьютерные игры и другую мультимедийную продукцию, работающую на Коммуникацию. Время движется вперёд, и анимация, не меняя своей сути, обогащается всё новыми и новыми формами.

#### Список литературы

1. Тарасов В. И. Мультипликация в системе современных культурных коммуникации // статья, 2018. С. 3-5.
2. Колбышева С. И. Анимационное кино в современной образовательной среде // статья, 2019. С. 2-3.
3. [https://cinemood.ru/blog-ru/animation\\_history](https://cinemood.ru/blog-ru/animation_history)
4. [http://www.kultura.uz/view\\_5\\_r\\_15135.html](http://www.kultura.uz/view_5_r_15135.html)

## GEOGRAFIYA FANINI O'QITISHDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH

Jobberganova Sohiba Hayitovna

Xorazm viloyati Qo'shko'pir tumani 16-maktab geografiya fani o'qituvchisi

Matchanova Farida Erkinboyevna

Xorazm viloyati Urganch shahar 12- maktab geografiya fani o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o'quvchilarni geografiya faniga bo'lgan qiziqishini ortirish va geografiya fanini o'qitishda interfaol metodlardan foydalanish haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** Interaktiv uslublar, aqliy hujum, Kartadan topish o'yini, Geologik lug'at.

Metod o'quvchilar tomonidan yangi g'oyalarning o'rta tashlanishi uchun sharoit yaratib berishga xizmat qiladi. Har biri 5 yoki 6 nafar o'quvchilarni o'z ichiga olgan guruhlariga 15 daqiqa ichida ijobiy hal etilishi lozim bo'lgan turli xil topshiriq yoki ijodiy vazifalar beriladi. Topshiriq va ijodiy vazifalar belgilangan vaqt ichida ijobiy hal etilgach, bu haqda guruh a'zolaridan biri axborot beradi.

Interfaol metodlar deganda – ta'lim oluvchilarni faollashtiruvchi va mustaqil fikrlashga undovchi, ta'lim jarayonining markazida ta'lim oluvchi bo'lgan metodlar tushuniladi. Bu metodlar qo'llanilganda ta'lim beruvchi ta'lim oluvchini faol ishtirok etishga chorlaydi. Ta'lim oluvchi butun jarayon davomida ishtirok etadi. Ta'lim oluvchi markazda bo'lgan yondashuvning foydali jihatlari quyidagilarda namoyon bo'ladi:

- ta'lim samarasi yuqoriroq bo'lgan o'qish-o'rganish;
- ta'lim oluvchining yuqori darajada rag'batlantirilishi;
- ilgari orttirilgan bilimlarning ham e'tiborga olinishi;
- ta'lim jarayoni ta'lim oluvchining maqsad va ehtiyojlariga muvofiqlashtirilishi;
- ta'lim oluvchining tashabbuskorligi va mas'uliyatining qo'llab-quvvatlanishi;
- amalda bajarish orqali o'rganilishi;
- ikki taraflama fikr-mulohazalarga sharoit yaratilishi.

Hozirgi kunda eng ommaviy interfaol ta'lim metodlari quyidagilar sanaladi:

Interfaol metodlar: “Keys-stadi” (yoki “O'quv keyslari”), “Blist-so'rov”, “Modellashtirish”, “Ijodiy ish”, “Muammoli ta'lim” va b.

Interfaol ta'lim strategiyalari. “Aqliy hujum”, “Bumerang”, “Galereya”, “Zig-zag”, “Zinama-zina”, “Muzyorar”, “Rotastiya”, “Yumaloqlangan qor” va k. Interfaol ta'lim metodlari tarkibidan interfaol ta'lim strategiyalarini ajratishda guruh ishini tashkil qilishga yondashuv ma'lum ma'noda strategik yondashuvga qiyoslanishiga asoslaniladi. Aslida bu strategiyalar ham ko'proq jihatdan interfaol ta'lim metodlariga tegishli bo'lib, ularning orasida boshqa farqlar yo'q.

Interfaol grafik organayzerlarni ajratishda bunday mashg'ulotlarda asosiy fikrlar turli grafik shakllarda yozma ko'rinishda ifodalanishiga asoslaniladi. Aslida bu grafik

organayzerlar bilan ishlash ham ko'proq jihatdan interfaol ta'lim metodlariga tegishli bo'lib, ularning orasida boshqa farqlar yo'q.

**"Aqliy hujum " uslubi.** Mazkur uslub muayyan mavzu yuzasidan berilgan . muommolar hal etishda yaxshi natija beradigan uslub hisoblanadi.U dars jarayoni ishtirokchilarning muammo xususida keng va har tomonlama fikr yuritish uchun hamda o'z tasawurlari va g'oyalaridan ijobiy foydalanish borasida ma'lum ko'nikma hama malakalar hosil qilishda rag'batlantiriladi. Dars jarayoni muvaffaqiyatli kechishi uchun quyidagi tartibda tashkil etish mumkin.

1. O'quvchilarni darsda aktiv qatnashishini tashkil etish.

2. Mavzuga oid g'oyalarni yozib borish uchun, doska va qog'ozlar tayyorlash.

3. Muammoni o'quvchilar ongiga tushunarli qilib yetkazish.Umuman "Aqliy hujum"uslubi dars jarayonida o'quvchilarni faollashtiradi, charchoqni oladi. hammani ishlashga, fikrlashga majbur qiladi. Bu o'z - o'zida ta'lim jarayonining samaradorligini yanada oshirishga xizmat qiladi. O'yindan ta'lim-tarbiya jarayonida foydalanar ekanmiz, uning 3 jihatiga e'tibor qaratiladi:

1.O'yin-mashq

2.O' yin-topishmoq

3. O'yin -musobaqa

Geografiya darslarini qiziqarli va ko'rgazmalar bilan o'tkazishda karta va geografik atlasdan foydalanish katta ahamiyatga ega. O'quvchilarni kartadan foydalanish va uni o'qiy olishga o'rgatish ularda geografik bilimlarni qiziqish ko'nikmasini tug'diradi, ko'zlangan maqsadga erishiladi. Geografiyadan kartalarni o'qishni bilgan o'quvchi geografiyani nazariy bilimlarni tez o'rgana oladi. O'quvchilar kartadan geografik obyektни topa olmaslik xodisalari ham uchraydi. Xo'sh bu holda nima qilish kerak qanday qilsa o'quvchi kartadan kerakli obyektlarni tez topadigan bo'ladi. Bunda geografik o'yinlar yordam beradi.

**Kartadan topish o'yini.** Har bir sinfda olib borish mumkin. Darsning mazmuniga qarab o'yin geografik atlasning turli sahifalaridagi obyektlarda bo'ladi. O'quvchilarga bu o'yinni bir necha bor o'ynaganlaridan so'ng, tez topadigan nomning geografik koordinatlarini aniqlash topshiriladi. Buning uchun shahar va qo'rixonalarni tanlagan ma'qul o'quvchilar topilgan joylarning koordinatalarini daftarga yozib oladilar.

**Geologik lug'at.** O'yin sharti. Bu o'yinni ikki o'quvchi bajaradi hamda bu o'yinga bir kishi hakamlik qiladi va yozib boradi. Bunda o'quvchilar navbatma-navbat bilan boshlanadigan geografik atama va nomlarini aytishadi.

#### FOYDALANILGANADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Вахобов Х, Зайнутдинов А. География укутиш методикаси. 1-кисм Маърузалар матии. -Т.Университет, 2000.
2. [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)
3. [www.unep.org](http://www.unep.org)

## GLOBALLASHUV JARAYONIDA YOSHLAR MAFKURAVIY IMMUNITETINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI

Malikova Dildoraxon Qobilovna

Mirzo Ulug'bek nomidagi O'zbekiston Milliy Universiteti 2-bosqich magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada hozirgi globallashuv jarayonida yot g'oya va qarashlarga qarshi yoshlarda mafkuraviy immunitetini shakllantirish masalalari yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** globallashuv, ilm-fan, yot g'oya, hushyor, loqaydlik, milliy qadriyat, tarbiya, yoshlar,

Globallashuv jarayonlari va ma'naviy tahdidlar faslida dunyoni tez sur'atlar bilan o'zgartirayotgan-globallashuvhodisasining ko'lami va ta'siri bugungi kunda kengayib, kuchayib borayotgani ta'kidlanadi. Shu ma'noda, - deb ta'kidlaydi muallif, - globallashuv - bu avvalo hayot sur'atlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir<sup>1</sup>.

Har qanday ijtimoiy hodisaning ijobiy va salbiy tomoni bo'lgani singari, globallashuv jarayoni ham bundan mustasno emas. Globallashuv davrida davlatlar va xalqlar o'rtasidagi integratsiya va hamkorlik aloqalarining kuchayishi, xorijiy investitsiyalar, kapital va tovarlar, ishchi kuchining erkin harakati uchun qulay imkoniyatlar vujudga kelishi, ko'plab yangi ish o'rinlarining yaratilishi, zamonaviy kommunikatsiya va axborot texnologiyalarining, ilm-fan yutuqlarining tezlik bilan tarqalishi, turli qadriyatlarning umuminsoniy negizda uyg'unlashuvi, tsivilizatsiyalararo muloqotning yangicha sifat kasb etishi, ekologik ofatlar paytida o'zaro yordam ko'rsatish imkoniyatlarining ortishi kabi ijobiy jihatlar ham yuz beradi. Globallashuv jarayonining ayni paytda mafkuraviy ta'sir o'tkazish vositasi sifatida turli siyosiy kuchlar manfaatlariga xizmat qilayotganini, ushbu jarayon orqali milliy qadriyatlarimizga yot g'oya va qarashlar yopirilib kirib kelayotganini, bularning barchasi qanday salbiy oqibatlarini keltirib chiqarishi mumkin. Xususan, bugungi kunda inson ma'naviyatiga yo'naltirilgan, bir qarashda arzimas bo'lib tuyulgan kichkina xabar ham axborot olamidagi globallashuv shiddatidan kuch olib, ko'zga ko'rinmaydigan, lekin zararini hech narsa bilan qoplab bo'lmaydigan ulkan ziyon yetkazishi mumkin. Darhaqiqat, harbiy, iqtisodiy, siyosiy tazyiqni sezish, ko'rish, oldini olish mumkin, ammo mafkuraviy tazyiqni, uning ta'siri va oqibatlarini tezda ilg'ab olish qiyin. Shu ma'noda, tobora kuchayib borayotgan bunday xatarlargadoimo sergak, ogoh va hushyor bo'lib yashash, loqaydlik va beparvolikka barham berish muhim ahamiyat kasb etadi.

O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A.Karimov ma'naviyatga qarshi turli xurujlar haqida gapirar ekan, ta'kidlab o'tadiki:-Bu haqda gapirganda, faqat bitta millat yoki xalq haqida fikr yuritish masalani o'ta tor tushunish bo'lur edi. Ya'ni, bu o'rinda so'z faqat bizning ma'naviyatimizga qarshi qaratilgan tajovuzlar haqida, azaliy fazilatlarimiz, milliy qadriyatlarimizni ana shunday hujumlardan asrash xususidagina borayotgani yo'q. Muhim ijtimoiy-siyosiy ahamiyatga ega bo'lgan ushbu muammoni

<sup>1</sup> Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - engilmas kuch. - T. Ma'naviyat, 2008.

keng miqyosda, dunyoning barcha mamlakatlari va xalqlari hayotiga daxldor masala sifatida o'rganish, tahlil qilish va baholash maqsadga muvofiqdir<sup>2</sup>. Insonning qalbi va ongiga jo'rbo'lgan milliy ma'naviy-axloqiy negizlar uni butun umri davomida halol, pok, bilimli, xalq xizmatida bo'lishga, Vatan ravnaqi hamda taraqqiyotiga hissa qo'shishga, o'zining ongli va erkin mushohada qiluvchi shaxs sifatida kamol topishiga muttasil ravishda undaydi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'kidlagandek: Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan.<sup>3</sup>

Davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev e'tirof etganidek: “Biz bugun xalqimizning xohish-irodasi bilan tanlab olgan, istiqlol yillarida bosib o'tgan og'ir va mashaqqatli, shu bilan birga, g'oyat sharaflı yo'limizni sarhisob qilar ekanmiz, tarixan qisqa bir davrda o'z taqdirimizni o'zimiz hal etish, jahon hamjamiyatida munosib o'rin egallash, milliy davlatchiligimizni, azaliy qadriyat va urf-odatlarimizni, muqaddas dinimizni tiklash, inson huquq va erkinliklarini ta'minlash borasida ulkan yutuq va marralarni qo'lga kiritganimizni faxr bilan tilga olamiz”<sup>4</sup>.

Butun dunyo xalqlari bir-birini tushunib yashashga intilmog'i lozim. Dushmanlik, g'ayr ko'zi bilan qarash emas, mehr bashariyatni birlashtiradi. Bu ulug' haqiqatni bizning ajdodlarimiz allaqachon anglab yetganlar. Ammo o'zgani tushunish uchun, o'zgaga mehr ko'zi bilan boqish uchun, avvalo, inson o'zligini anglab yetmog'i kerak. O'zligini anglamagan zot hech qachon o'zgani tushunmaydi, uni xolis qabul qilmaydi. Asli milliy ma'naviyatimizga bugungi ayricha e'tibor ham ushbu o'zligimizni anglab yetishga bo'lgan kuchli ehtiyoj natijasidir.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining yigirma olti yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. //“Xalq so'zi” gazetasi, 2017 yil 1 sentyabr, №174 (6868).
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - engilmas kuch. - T. Ma'naviyat, 2008.
3. Karimov I.A. Milliy istiqlol mafkurasi - xalq e'tiqodi va buyuk kelajakka ishonchdir. -T.: «O'zbekiston», 2000. 178-b
4. <https://www.mana.uz/quote/2102>

<sup>2</sup> Karimov I.A. Milliy istiqlol mafkurasi - xalq e'tiqodi va buyuk kelajakka ishonchdir. -T.: «O'zbekiston», 2000. 178-b

<sup>3</sup> <https://www.mana.uz/quote/2102>

<sup>4</sup> O'zbekiston Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining yigirma olti yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi. //“Xalq so'zi” gazetasi, 2017 yil 1 sentyabr, №174 (6868).

## ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ БАЗАЛЬТОВЫХ ПОРОД В УЗБЕКИСТАНЕ

Джаксымуратов Караматдин  
Отелбаев Азизбе  
НФ НГГИ

**Аннотация:** Базальты являются новой сырьевой базой для получения: огнестойких и термостойких материалов; металл заменителей; электрических изоляторов различного потенциала; кислотоустойчивые продукции; композиционные материалы; портландцемента и т.п., которые могут быть использованы в разных отраслях промышленности.

**Ключевые слова:** Базальтовая порода, горнопромышленный комплекс, переработка базальта, сырьевые ресурсы, теплоизоляционный материал, базальтовое волокно, обогащения полезных ископаемых, производственные процессы, импортозамещающие продукции.

Республика Узбекистан имеет многочисленные открытия и подземные природные богатство. Однако это дар природы пока сохраняет в себе многие неизученные и неиспользованные полезные ископаемые, которые подлежат к исследованию. Научная статья направлен на исследование: оптимальных решений касающиеся усовершенствованию конструкции существующие оборудования базальта перерабатывающих предприятий республики Узбекистан.

В регионе процессы переработки базальтов, разработки комплексных методов управления производством, улучшении технических и технологических параметров, сокращения энергетических и топливных расходов, возможных вариантов сокращения ручного труда и проблемы использования базальтовой породы в горнопромышленном комплексе.

Проведенные научные исследования процессов переработки базальтов с использованием современных компьютерных технологии дали ряд положительных в решении ряд экологических проблем связанные окружающей среды.



Рис.1 Базальт

В мировом рынке базальты являются новой сырьевой базой для получения: огнестойких и термостойких материалов; металл заменителей; электрических изоляторов различного потенциала; кислотоустойчивые продукции;

композиционные материалы; портландцемента и т.п., которые могут быть использованы в разных отраслях промышленности Каракалпакстана и Узбекистана в целом и в быту населения. Узбекистан является одним из ведущих стран мира, который располагает богатыми природными ресурсами, в том числе базальтовыми. В настоящее время базальтовый сырьевой запас Узбекистана составляют более 190 млн. м<sup>3</sup>. Запасы базальтов расположены на территориях Навоийской, Джиззакской, Ташкентской, Андижанской и Наманганской областях и в Республике Каракалпакстан. Вовлечение в производство базальтовых сырьевых ресурсов Узбекистана и их переработка позволяет создать новую отрасль народного хозяйства на основе выпуска различного ассортимента экологически чистые и импорт заменяющие промышленные продукции, расширить производственную мощность действующие базальт перерабатывающие предприятия, создать дополнительные рабочие места и способствует дальнейшее экономическое развитие нашей Республики.

Базальты Узбекистана по специфике, свойствам и составу отличаются от базальтов и диабазов других регионов земного шара. Тем самым требует отдельного подхода и разработки режимов технологии переработки. В настоящее время базальты Узбекистана перерабатываются эпизодически кустарным способом, и базальтовое сырьё используется только для получения ограниченного объема теплоизоляционных волокнистых материалов. Данное обстоятельство объясняется отсутствием достаточно изученных способов переработки базальтовой породы, недостаточностью химико-минералогического состава и свойства базальтов Узбекистана и анализа возможности машинного парка, а также отсутствием эффективных методов получения из базальтового сырья продукции разного ассортимента. Актуальность решения этой задачи обусловлена ростом потребностей на базальтовые продукции, имеющие устойчивого спроса не только в нашей Республике, но и на международном рынке.

Таким образом, повышения экономической эффективности использования местных базальтовых природных сырьевых ресурсов, путем целенаправленной переработки и выпуска продукции, являются основой для увеличения геологического ресурсного потенциала базальтовой породы месторождений Узбекистана, что требует поиску комплекса научно-технических решений, обеспечивающих осуществить переработку данной породы наименьшими экономическими и технологическими затратами за счет увеличения ассортимента базальтовых изделий.

Исследованию базальтового минерала, к изучению составов базальтов, исследованию процессов переработки базальтовой породы посвящены работы В.П. Бондерева, А.А. Курбанова, У. Брег, Н.С. Водер, А.Н. Заварицкого, А.А. Полканова, В.И. Лучицкого, И. Розенбуша, В.В. Дашкеевича, Э. Искандарова, А. Мусаева, И. Хамрабаева, И.А. Турчанинова, Р.В. Медведева, Г.М. Додиса, И.В. Кудиновой, Д.Д. Джигириса, О.О. Семёнова Г.Ф. Макаренко, В.А. Симонова, А.Г.



Буллах, И.А. Ливицкого, Л.Г. Дацинского, М.П. Шаскольской, В.К. Пуртова, Ю.А. Салимсакова и А.С. Ибадуллаева и др.

Актуальность проблемы заключается в том, что растет потребность народного хозяйства нашей страны на новые, дешевые, конкурентоспособные продукции непосредственно связаны с расширением и развитием возможностей горнодобывающей и перерабатывающей отраслей, опирающиеся в основном на широкое внедрение на практике переработки и обогащения полезных ископаемых, одним из основных составляющих частей которых являются базальтовые минеральные сырьевые ресурсы Узбекистана. Использование местных сырьевых материалов, таких как базальт, позволяет создавать новые виды производственных процессов выпуска импортозамещающей продукции, обеспечивающий дальнейшее развитие в нашей Республике комбинированных производственно-хозяйственных систем, с единой технологической цепью их переработки.

Решение научной задачи на наш взгляд, является разработка эффективных методов очистки и переработки базальтов, на основе химико-минералогического состава и свойств базальтовой породы и с учетом сложившиеся обстановки на базальта перерабатывающих производствах Узбекистана, которые до сих пор остаются не рентабельными предприятиями республики. Планируется разработать рекомендации по улучшению технических и технологических параметров производства, уменьшению энергетических и топливных расходов, сокращению ручного труда и увеличению использования базальтовой породы в горнопромышленном комплексе, улучшению экологии, производству новых материалов, использованию современных методов компьютерной технологии.





Рис.2 Продукции базальта.

Использование создаваемые способы позволяют широко внедрять в производство выпуск новые виды продукции на основе базальтовой породы, Достижение таких результатов продлевает срок стабильной работы не только горно-перерабатывающих комплексов, но и энергетической отрасли, сложных лабораторных и производственных процессов, организаций и т.д. с их адаптацией новым экономическим условиям.

В ходе исследовании обеспечена разно профильность использование базальтов, основанная на: состав и свойство, типизации базальтовой породы. Рекомендуемые методы переработки будут отличаться возможностью учета глубинных явлений (во время переработки) базальтов и базальт перерабатывающих оборудований. Путем регулирование на стабильный лад

технологических процессов и машинным технологиям будут синтезированы оптимальные способы переработки базальтового сырья и параметры, стандартные базальтоперерабатывающие оборудования. Решения, перечисленные задачи обусловлена ростом потребности в продукции на основе базальта, пользующаяся устойчивым спросом не только в нашей республике, но и на международном рынке, имеющая существенное народно-хозяйственное значение для Узбекистана, для стран ближнего и дальнего зарубежья.

### Литература

1. Джигирис Д., Махова М. «Основы производства базальтовых изделий», М. Теплоэнергетик, 2002, 416 с.
2. Курбанов А.А., Тураев А.С. Краткий обзор о базальте и о получаемых базальтовых материалов. Ўзбекистон кончилиги хабарномаси, 2007 й № 3, 82-85-68.
3. Джаксымуратов К.М., Тажимуратов Т., Амангелдиев А. «Полезные ископаемые горы Султан-Увайс». НГПИ имени Ажинияза. Материалы Республиканской научно-теоретической конференции «Актуальные вопросы социальных и гуманитарных наук: перспективы развития». 2019 г. 32-36.
4. Курбанов А.А., Джаксымуратов К., Рашидова Р. Использование базальтовых пород в Каракалпакстане (горы Султан-Увайс). Ўз. РФАНБ «Геолог олим, академик Иброхим Хамробоев таваллудининг 100 йиллиги»га бағишлаб “On-line” тарзида утказилган илмий конференция материаллари туплами, 2020 й.

## DINIY EKSTREMIZM VA TERRORIZMNING JAMIYATIMIZGA SALBIY OQIBATLARI

Arslanbayeva Munisa

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti Madaniyat va san’at muassasalarini tashkil etish va boshqarish ta’lim yo‘nalishi 1-kurs talabasi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada diniy ekstremizm va terrorizmning kelib chiqishi, uning mamlakatimizga ta'siri haqida so'z boradi. Shuningdek mustaqillik yillarida yurtimizda amalga oshirilgan terroristik harakatlar haqida ham ma'lumotlar berilgan. Bugungi kunda yurtimizda terrorizm va ekstremizmga qarshi kurashish maqsadida amalga oshirilayotgan islohatlar ham bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** Ekstremizm, Terrorizm, Hizbulloh, Akromiya, Vahhobiylik, Tolibon, Al-Qoida, Harakat ul-ansor, YeXHT, MOH, BMT

*«Islom bu- ma'rifatdir! [1]»*

*O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev*

XX asrning oxiriga kelib ikki qutbli dunyoning yemirilishi ya'ni, jahonning deyarli yarmiga egalik qilib kelgan sotsializmning barham topishi, sho'rolar saltanatining qulashi natijasida bir qancha davlatlar mustaqil bo'lishga, zo'ravonlik bilan yopib qo'yilgan ma'rifat va din yo'llarining ochilishiga imkon yaratildi. Natijada bu borada bo'shliq paydo bo'lgan edi. Xalq tushunib-tushunmay din sohasidagi hamma narsani qabul qilaverdi, bu holat esa xalqaro miqyosda o'zini namoyon qilib kelayotgan diniy ekstremizm va diniy shiorlar bilan niqoblangan terrorizmning yoyilishiga, aksariyat yoshlarimizning bu baloga aralashib qolishiga zamin yaratdi. Bugungi kunga kelib mazkur xatarlar ya'ni, diniy ekstremizm va terrorizm shu qadar keng ko'lamda yoyilib, xilma-xil ko'rinish kasb etmoqdaki, ko'pchilik odamlar unga e'tiborsiz, hatto loqayd bo'lib qolmoqdalar. Aniqroq qilib aytganda bu xavflar hayotiy voqelikning ajralmas qismidek qabul qilinmoqda.

XIX asrning oxirlarida saltanat sohiblari va davlat arboblari qarshi qurolli hujumlar shaklida paydo bo'lgan siyosiy terrorizmni bugungi kunda har qadamda uchratish mumkin. XX asrning 60-yillaridan boshlab dunyoning barcha mintaqalarida turli-tuman terrorchilik tashkilotlari faoliyat ko'rsatmoqda. Bu tashkilotlar 1968-1980 yillar davomida 6700 ga yaqin terrorchilik amaliyotini sodir etdilar. Natijada 3668 kishi halok bo'lib, 7474 kishi turli jarohatlar olgan.<sup>2</sup>Sobiq iitifoqdagi hukmron partiyaning namoyondalari diniy jamoalarni xalqlarning aql idrokini egallash uchun kurashda o'zlarining raqibi deb hisoblashi, insoniyatning dindan chekinishiga va hatto uning muayyan ma'nodagi muxolifiga aylanishiga olib keldi. Barchamizga ma'lumki sovet davrida islom dinning eng salohiyatli ulamolari qatag'on qilinishi, minglab masjid va

<sup>1</sup> SH.Mirziyoyev BMT sammitida so'zlangan nutqdan. 2017-yil 22-sentabr Nyu-York

<sup>2</sup> Z.Husniddinov Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashishning ma'naviy-ma'rifiy asoslari.2005-yil 71-bet

madrasalarning buzib tashlanishi qaysidir maʼnoda terrorizmning ildiz otishiga ham zamin hozirladi. Natijada atrofimizda umuman mintaqamizda bir qator terroristik tashkilotlar paydo boʻla boshladi. Ushbu tashkilotlar va guruhlar Oʻzbekistonning mustaqilligiga ham dahl qila boshladi. Jumladan 1991-yil dekabrda Namangan viloyatida Tohir Yoʻldoshev boshchiligidagi bir guruh aqidaparastlar hokimlik binosini egallab olib gʻalayon koʻtardi. 1999-yil 16-fevral kuni Toshkent shahrida terroristik portlashlar amalga oshirildi. 2000-yil avgust oylarida Oʻzbekistonning Tojikiston va Afgʻoniston bilan chegaradosh boʻlgan Surxondaryo viloyatining Uzun va Sariosiyo tumanlariga xalqaro terrorchilar ochiqdan-ochiq hujum uyushtira boshladilar.<sup>3</sup> Ushbu terroristik xurujlar shubhasiz mamlakatimiz kelajagiga qarshi tajovuz edi. Ushbu xatarli va tahlikali damlarda Birinchi Prezidentimiz I.A.Karimov qatʼiyat bilan harakat qilib barcha xavf-xatarlardan xalqimizni asrab qolganligi hech shubhasiz tariximizning oltin sahifalariga yozildi. Ammo bugungi kunda ham bu balo bizga xavf solib turgani ham ayni haqiqat. Oʻzbekistonga xavf solib kelayotgan diniy ekstremistik va terroristik tashkilotlar:

- **“Islom uygʻonish partiyasi”** (1989-1991-yillarda shakllangan)
- **“Adolat, Islom lashkarlari”** (1990-1992-yillarda shakllangan)
- **Tavba, Hizbulloh** (1991-1995-yillarda shakllangan)
- Muxolif kuchlar tomonidan taʼminlanib faoliyat koʻrsatmoqda.
- **Akromiya** (1997-1999-yillarda shakllangan) Andijonlik Akrom Yoʻldoshev asos solgan. (1960yilda tugʻilgan) Iymonga yoʻl nomli dasturi mavjud boʻlgan.
- **Vahhobiylilik** (1960-1992) diniy ekstremistik oqimning tashkiliy tizimi boʻlmish **Oʻzbekiston Islom harakati** jahonning yetakchi xalqaro terroristik tashkilotlari **Tolibon harakati** Usoma bin Lodinning **Al-Qoida** tashkiloti, **Harakat ul-ansor**, **Al-jihad** kabilar bilan til biriktirib, ularning bevosita rahnamoligida tashkil etilgan.
- **Hizbut-tahrir al-islomiy** diniy ekstremistik partiyasi sunniylik doirasidagi siyosiy partiya boʻlib, 1953 yilda Quddus shahrida Falastinlik Taqiyuddin Nabahoniy tomonidan tashkil etilgan. Mustaqillik tufayli oʻzligimizni anglash, maʼnaviy qadriyatlarimizni tiklash, dunyoga boshqacha yondashishni oʻrganish, izlanish jarayoni kechayotgan bir paytda umuman dinga, qadriyatlarimizga, ota-bobolarimizdan meros boʻlib kelgan muqaddas islom diniga munosabat oʻzgardi. Din bu ishonch demakdir. Insoniyat, jamiyat dinsiz yashay olmaydi. Inson yaralibdiki har xil koʻrinishda boʻlsada dinlar mavjud boʻlgan. Birinchi Prezidentimiz Islom Abdugʻaniyevich Karimov oʻzining soʻzlagan nutqlaridan birida shunday deydilar: **Mamlakatimizni demokratik tamoyillar, ilm-fan yutuqlari, yuksak texnologiyalar asosida modernizatsiya qilish bilan birga, muqaddas dinimizni, milliy oʻzligimizni asrab-avaylashni maqsad qilib qoʻyganmiz.**<sup>4</sup> Ushbu fikrlar hayotda oʻz isbotini topdi deb ayta olamiz. Birinchi prezidentimiz davlatimizni, fuqarolarning osoyishtaligi uchun bor imkoniyatlarini sarflab bardavom xizmat qildilar. Ushbu jonkuyarlik hozirgi Prezidentimiz Shavkat Miromonovich davrida oʻz choʻqqisiga chiqmoqda desak aslo

<sup>3</sup> Q.Usmonov. Oʻzbekiston tarixi II-qism 113-bet

<sup>4</sup> Xalq soʻzi gazetasi.2001-yil

mubolag□a bo'lmaydi. Yurtimizda diniy ekstremizm va terrorizmning oldini olishga qaratilgan keng ko□lamdagi chora tadbirlar amalga oshirilib kelinmoqda. Prezidentimiz farmoni bilan Imom-al Buxoriy, Imom-at Termiziy ilmiy-tadqiqot markazlari ochildi. 1999-yil tashkil etilgan Islom universitetiga akademiya maqomi berildi. Respublikamiz bo□ylab □Qur'on□ musobaqalari o'tkazilmoqda. Bu borada O'zbekiston xalqaro maydonda ham ancha faol siyosat olib bormoqda. Jumladan, BMTning terrorizmni oldini olish va unga qarshi kurashga qaratilgan 13ta hujjati (11ta konvensiya, 2ta protokol) mavjud. Hozirda O'zbekiston 12 ana shunday xalqaro shartnomalarni ratifikatsiya qilgan. Bundan tashqari O'zbekiston Yevropa Kengashi doirasida ham terrorizmga qarshi kurashishga qaratilgan 7 ta xalqaro shartnomani imzolagan. YEXHT, Mustaqil Davlatlar Hamdo□stligi (MDH), Shanxay Hamkorlik Tashkiloti (ShHT), Markaziy Osiyo Hamkorligi (MOH) tashkiloti kabi bir qator mintaqaviy tashkilotlar doirasida qabul qilingan ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashishga qaratilgan shartnomalarni bajarishda faol ishtirok etib kelmoqda.<sup>5</sup> Zero, O'zbekiston Respublikasining ushbu shartnomalarda qatnashishi uning ichki va tashqi siyosatining mantiqiy davomidir. Jamiyatga bu baloni yo□latmaslik, aholini muhofaza qilish faqat davlatimiz rahbari yoki amaldorlarning zimmasida emas. Yurtimizda biror ko□ngilsizlik yuz bersa faqat ularni ayblash noto□g□ri, qars ikki qo□ldan chiqadi, insonlar ham harakat qilishi lozim. Xalq uyg'onishi, ilm olishi, izlanishi, ma□rifatli bo□lishi kerak, eng muhimi yaqin atrofida bo□layotgan voqea va hodisalarga hushyorlik bilan qarashi lozim. Dunyoviy bilim bilan birga diniy bilimni o'rganishga katta e'tibor qaratilishi maqsadga muvofiq, ya□ni yoshlarning ongida maktab davridan poydevor bo□lishi lozim. Zero, yoshlar ajrata olsin din nima-yu, dinni niqob qilib olib miyamizni zaharlovchi qarashlar o'rtasidagi farq nima? Bundan tashqari bizga ma□lumki terrorizm va diniy ekstremizm internet tarmoqlarida juda keng ildiz otib yoyilmoqda. Biz ularga qarshi turib jamiyatimizda IT sohasini yuksaltirib, shu soha kadrlarini tarbiyalasak va o'z ishini yaxshi biladigan avlodni tarbiyalab, tarmoqlar, saytlar ustidan ham keng ko□lamli nazoratni shakllantirsak, bu g'oyalarning tarqalishini qaysidir ma□noda oldini olgan bo'lar edik.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro□yxati:**

1. SH.Mirziyoyev BMT sammitida so□zlangan nutqdan. 2017-yil 22-sentabr Nyu-York
2. A.Husniddinov Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashishning ma□naviy-ma□rifiy asoslari. 2005-yil
3. Q.Usmonov O'zbekiston tarixi II-qism.

<sup>5</sup> Z.Husniddinov Diniy ekstremizm va terrorizmga qarshi kurashishning ma□naviy-ma□rifiy asoslari.2005-yil 125-bet

## YANGI INGLIZCHA SO'ZLARNI O'RGANISHNING OSON USULLARI

Ro'zmetov Komil Rajabovich

Ollazarova Farog'at Otabayevna

Xorazm viloyati Qo'shko'pir tumani 27-maktab ingliz tili fani o'qituvchilari

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada ingliz tilida yangi so'zlarni o'rganishda qo'llanilishi mumkin bo'lgan yangicha usullar va metodlar haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** birikma, usul, ijodkorlik, texnika, o'rganish.

Ingliz tilini o'rganish bir qarashda qiyindek tuyulishi mumkin, lekin ingliz tili dunyodagi eng oddiy va sodda tillardan biri hisoblanadi. Ingliz tili grammatikasi eng oson grammatikalardan biri hisoblanadi. Shunday bo'lsada ko'pchilik o'quvchilar ingliz tilini qiyin deb hisoblaydi? Chunki ingliz tilidagi so'zlar o'zbek tilidagi so'zlarga nisbatan boshqacharoq talaffuz qilinadi va aynan shu jihat kishida qiyinchilik tug'diradi. Lekin to'g'ri taktika va texnika orqali siz yangi so'zlarni tez va samarali yodlashingiz mumkin. Quyidagi usullar bunga misol bo'la oladi. 1. Mind maps

Bir mavzuga oid so'zlarni o'rganish juda ham yaxshi usul. Aytaylik, atrof muhitga oid so'zlarni daftaringizga yozib oldingiz, ularni qanday qilib yodlab qolishingiz mumkin? Albatta, ularni tarjimasini bilan ketma-ket yozib, bir boshidan yodlab chiqish bir usul, lekin bu usul samarali hisoblanmaydi. Sizning miyyangiz bu tarzda ishlay olmaydi, u obrazlarda ishlaydi. Shuni bilingki, so'z o'rganayotganingizda siz har doim miyyangizning chap tomonidan foydalanasiz. Lekin samarali so'z yodlash uchun siz miyyaning ikkala sharini ham ishlatishingiz kerak bo'ladi, shundagina siz o'rgangan so'zingizni hech qachon unutmaysiz. Yangi so'zlarni yodlash uchun "Mind Maps" bu juda ham samarali usul.

Bu usulda ijodkorlik juda ham muhim bo'ladi. O'zingiz yoqtirgan dizaynda so'zlarni bir qog'ozga yozib chiqishingiz kerak. Shuni unutmangki ular tushunarli va bir biriga bo'g'liq bo'lishi kerak. Masalan men tayyorlagan "mind map"ni ko'raylik:

Bundan qanday qilib foydalanish mumkin? Agar siz IELTS imtihoniga tayyorlanayotgan bo'lsangiz "mind map'lardan samarali tarzda foydalanishingiz mumkin. Siz tayyorlagan narsadan foydalanib bir mavzu bo'yicha 2 daqiqalik og'zaki nutq so'zlashingiz mumkin, bu tarzda siz yozib qolgan so'zlaringizni yaxshiroq esda qolishiga zamin yaratgan bo'lasiz. 2. So'z birikmasini o'rganing, so'zlarning o'zini emas.

Ko'pchilik Ingliz tilini o'rganuvchilarda kuzatiladigan katta xato bu so'zlar birikmasini emas balki so'zlarni o'zini o'rganishdir. Bu nimani anglatadi? Aytaylik siz o'tgan kuningiz haqida gapiryapsiz, ish boyicha uchrashuv o'tkazdingiz, "meeting" so'zini yodlagansiz lekin uchrashuvga tegishli birikmani (hold a meeting, give a workshop) ko'pchilik ham bilavermaydi, bu narsa gapirishda o'rganuvchiga qiyinchilik tug'diradi va nima demoqchiligingizni aniq tarzda yetkazib bera olmaysiz.

Yangi so'z yodlaganda u so'z bilan odatda birga keluvchi so'zlarni (collocation) ham yodlash zarur va aynan shu sizning Ingliz tilida mukammal tarzda gapirishingizga imkon yaratadi.

'What verb/noun goes with (collocates with) this word. Is there more than one?' 'What is the grammar after this word?' E.g. If it is a verb do you put -ing or the infinitive after it? Do you need a noun after or noun phrase? Can you put a clause after it?

Let's look at 'recommend'. I

recommend you do... I

recommend that you do...

I recommend doing...

But NOT

I recommend you to do. I

recommend you should do.

#### **Adabiyotlar:**

1. Muslimov N.A., Qo'ysinov O.A. Kasb ta'limi o'qituvchilarini tayyorlashda mustaqil ta'limni tashkil etishning nazariyasi va metodikasi. - T.: Fan, 2009.

2. Ходжабаев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда: Дисс. ... докт. пед. наук. - Т., 1992.42

**ONA TILIM – KELAJAGI BUYUK TILIM!**

Abdiyazova Muhayyo

Xorazm viloyati Qo'shko'pir tumani 27-maktab o'qituvchisi

Ismoilova Onagul

Xorazm viloyati Qo'shko'pir tumani 16- maktab o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada ona tilimizga bo'lgan e'tibor, ajdodlarimizning ona tiliga bo'lgan e'tibori va bugungi kunda ona tilini o'rganishdagi muammolar haqida so'z yuritiladi.

**Kalit so'zlar:** milliy, imkoniyat, huquq, qadriyat, millat.

Ona tili – millatning ruhi, uning or-nomusi, ma'naviy qiyofasi, orzu-umidlarning namunasidir. Ona tili millatning birligi va birdamligining timsolidir. U millatni yagona xalq sifatida o'z atrofida birlashtiradi va dunyoda borliqni ta'min etadi. Har bir millatning o'z Vatani, oilasi bo'lgani kabi uning jonajon va betakror ona tili ham bo'ladi. Inson uchun uning vatani, ota-onasi, oilasi qanchalik qadrlil bo'lsa, uning ona tili ham shu qadar aziz va muqaddas bo'ladi. Hattoki, go'dak ham o'z vatanini, ota-onasini, dunyoni o'z ona tili orqali anglaydi va atay boshlaydi. Farzand tarbiyasida onaning o'rni beqiyos bo'lganidek, insonning hayotda o'z o'rnini topishida, kamolotga erishuvda tilning o'rni ulkan ahamiyatga ega. Shu bois tilni, onaga qiyoslab ona tili deb ataydilar. Til inson vujudida qon-qoniga singib oqadi. Jamiki, ezgu fazilatlar, avvalo, ona allasi va ona tilining bebaho jozibasi orqali singadi. Inson qalbida ona tiliga nisbatan sof tuyg'u, mehr-muhabbat alanga oladi. Turk dunyosining buyuk marifatparvar ijodkori Ismoilbek Gaspirali aytganidek : “Millatning ikki asosi bordur. Bu ularning tili va dinidir. Agar millat hayotidan shu ikkisidan biri sug'urib olinsa, bu millat tanazzulga yuz tutur”.

Suvsiz daryo bo'lmaganidek, tilsiz millat ham vujudga kelmaydi. Biror millatga mansub bo'lgan til, o'sha millat bilan yashaydi va bardavom bo'ladi. Ota-bobolarimiz qadimdan tilni asrab avaylashgan, rivojlantirishgan. Masalan, A.Navoiy, Zahriddin Muhammad Bobur, Lutfiy va boshqalar. O'zbek tilining rivoji uchun beqiyos hissa qo'shganlar. Turkiy tillar oilasiga mansub bo'lgan o'zbek tilimiz bizning bebaho boyligimizdir. So'z mulkining sultoni, buyuk mutafakkir Alisher Navoiy o'zi yashagan murakkab davr – XV asrda tilimiz ximoyasiga o'tlanib, turkiy til o'z imkoniyatlari jihatidan boshqa tillardan sira qolishmasligini ilmiy va amaliy jigatdan isbotlab berdi. O'zining “Hamsa” kabi shoh asarini turkiy tilda yaratdi. Hozirda ham shoirlarimiz o'zbek tilining boyligini, uning buyukligini namoyon etuvchi asarlar yaratmoqdalar. Boisi buyuk adabiyoti bo'lgan xalqning buyuk tili ham bo'ladi. Insonning qanday ma'naviyatga ega ekanini uning tilida, chiroyli nutqida namoyon bo'ladi. Til millatning buyuk boyligi, bebaho xazinasini, tunganmas mulkidir. Chunki millatning tarixi, uning madaniy, ma'naviy merosi, urf-odatlar va an'alari unda mujassam bo'ladi. Shu sababli ona tilimizni asrab-avaylash, uni boyitishimiz va avlodlarga to'liqligicha yetkazishimiz kerak. Birinchi Prezidentimizning ta'bri bilan aytganda “O'zlikni anglash, milliy ong va



tafakkurning ifodasi, avlodlar o'rtasidagi ruhiy-milliy bog'liqlik til orqali vujudga keladi". Bu fikrlarni doimo yodimizda tutishimiz kerak. Darhaqiqat, tilsiz millat rivojlanmaydi, taraqqiy etmaydi. Milliy til va uning ravnaqi yo'lida g'amxorlik qilish bir guruh mutaxassislargagina tegishli ilmiy-amaliy soha yoki mavsumiy bir tadbir emas. Aksincha, bu avlodlardan-avlodlarga o'tib, boyib va sayqallanib kelayotgan xalq tilining sofliigi va istiqboli haqida qaygurish, ona tilining to'laqonli yashash huquqi uchun, millat ma'naviyati, ma'rifati va madaniyati uchun kurashdir.

Bu jihatdan Alisher Navoiy ijodi va faoliyati barcha avlodlarga yuksak namunadir. Buyuk mutafakkir "Muhokamat ul-lug'atayn" asarida bu muhim muammo hususida shunday yozadi: "Xalq orasidan chiqqan iste'dod ahli salohiyat va qobiliyatlarini o'z tillari turganda o'zga til bilan zohir qilmasalar va ishga solmasalar edi. Agar ikkala tilda ijod etish qobiliyatlari bo'lsa, o'z tillarida ko'proq yozsalar edi".

Navoiy haqiqiy millatparvar shoir sifatida o'zbek tili va adabiyotimizning nechog'lik boy, rang-barangligi va cheksiz imkoniyatlarini butun ijodi va serqirra faoliyati bilan isbotlab, uning nufuzini jahon miqiyosiga olib chiqqan.

Ulug' ijodkorlar xalq tilini o'rganishni hamisha asosiy vazifa deb qaraganlar. Binobarin, Abdulla Qahhor hozirgi ijodkor yoshlar oldida e'zozli bir ustoz bo'lib gavdalanadi. Negaki, u umrining oxiriga qadar ijod qilishdan to'xtamaganidek, tilni o'rganishni ham hamisha yozucvhilik mehnatining ajralmas bir qismi deb bilgan. Abdulla Qahhor ona tilimizning matonatli jonkuyarlaridan biri edi. Ibratli bir holat: adibning adabiyot va tanqidchilik yoxud yoshlar ma'naviyati hamda madaniyatiga bag'ishlangan bironta nutq yo maqolasi yo'qki, unda adabiy tilimizning beqiyos boyligi va imkoniyatlaridan faxrlanib yozmagan, uning jiddiy muammolaridan tashvishlanib, keskin fikrlar aytmagan bo'lsa.

Afsuski, bugungi yoshlarimizda ona tili va adabiyotimizni o'rganishga mehr, ishtiyoq sustlashgan, shu bois ularda savodxonlik ham past. Bu jihatdan oily ta'lim muassasalariga o'qishga kirishda ona tili fanidan imtixon topshirishlari shart qilib qo'yilganligi barchamizni xursand qiladi. Lekin bo'lajak filolog va pedagog-o'qituvchilar ona tili va adabiyotdan insho yozishlari maqsadga muvofiq bo'lardi. O'qish davomida ham barcha yo'nalishlarda o'zbek tili va adabiyoti o'tilishi zarur.

Yoshlarimiz mumtoz asarlarni tushunib yodlash, ulardagi badiiy so'z jilolari va ma'nolarini hayot bilan, inson ruhiyati bilan bog'lab tahlil etishni o'rganishlari lozim. Navoiyning quyidagi satrlarida ham inson umri mazmuni va kamoloti darajasini teran ifoda eta olgan:

Kishi agar kishi bo'lsa, o'zin kishi demagay, Qilurda hech ishin ham kishi ishi demagay. Keyingi misralarda so'z san'atining o'ziga xosligi va badiiy haqiqatning talabchan o'quvchilarga ham kuchli ta'siri sharqona hikmat tarzida yoritilgan: So'z ichra yolg'on erur nopisand, Chu nazm ettilar qildi dono pisand. Bugungi kunda televideniya berilayotgan teleshoularda ma'nisizlik va shovqin ko'payib ketyapti.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Iskandarova S.H.M. "O'zbek nutq odatining muloqot shakllari". Samarqand, 1993.
2. Mo'minjonov S. "O'zbek muloqot xalqining ijtimoiy xususiyatlari" Toshkent

**BOSHLANG`ICH SINFLARDA TA`LIMIY O`YINLAR**

Ansarova Nilufar Isroilovna

Mirzayeva Gulshod Barxanovna

Navoiy viloyati Navoiy shahar 12-IDUM boshlang`ich ta`lim o`qituvchisi

**Annotatsiya:** Boshlang`ich sinflarda interfaol usullar, ta`limiy o`yinlardan samarali foydalanishni yo`lga qo`yish. O`quvchilarni tezkor, ziyrak bo`lishlariga erishish.

**Kalit so`zlar:** Didaktik o`yinlar, axborot kommunikatsiya

Bugungi kunda ilm-fan, texnika va ishlab chiqarish sohalarining tez suratlarda jadallik bilan rivojlanishi ta`lim tizimi xodimlaridan ta`lim-tarbiya sifatini mazmun jihatidan yangi bosqichga ko`tarishni talab etib, har bir tizim xodimi, ayniqsa, o`qituvchilar zimmasiga yanada yuksak mas`uliyat va vazifalarni yuklaydi.

Boshlang`ich sinf o`qituvchisi barcha fanlarni o`qitishda bolaning pedagogik-psixologik xususiyatlarini hisobga olib, darsga tayyorgarlik ko`rishi lozim. Darsning qanday o`tishi esa pedagogik mahoratga bog`liq bo`ladi.

Har bir bola o`z xulq-atvoriga, xarakteriga ega. Ta`lim-tarbiyada ana shu xususiyatlarni hisobga olish zarur. Bunday odamlar o`rtasidagi ijtimoiy munosabatlarning murakkabligini o`zida aks ettiruvchi maxsus usullardan foydalaniladi. Pedagogik faoliyatga tayyorgarlik ko`rayotgan yoshlar ana shunday xususiyatlarni bilishi lozim.

O`qituvchi dars jarayonini tashkil etishda asalari kabi betinim mehnat qilsagina ko`zlangan natijaga erishish mumkin.

Boshlang`ich sinflarda interfaol metodlar va ta`limiy o`yinlardan, zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish o`quvchilarni mustaqil fikrlashga, ijodiy izlanish va mantiqiy fikrlash doiralarini kengaytirish bilan birga ularni darslarda o`rganganlarini hayot bilan bog`lashga, qiziqishlarini oshirishga yordam beradi. O`qituvchilarning bunday zamonaviy talablar asosida yaratilgan sharoitlardan samarali foydalanib, darslarni ilg`or pedagogik hamda axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida tashkil etilishi ta`lim-tarbiya jarayonini sifatini kafolatlaydi.

Bizningcha, ta`limiy o`yinlarga qo`yiladigan asosiy talablar quyidagilardan iborat:

1. Ta`limiy o`yinlar o`quvchilar yoshiga mos bo`lishi kerak;
2. O`yinlar o`tilayotgan mavzu mazmun-mohiyatiga mutanosib bo`lishi lozim;
3. Ta`limiy o`yinlarni o`tkazish vaqti aniq belgilanishi shart;
4. Ta`limiy o`yinlar ham ta`limiy, ham tarbiyaviy ahamiyatga ega bo`lishi kerak;
5. Ta`limiy o`yinlarning o`tkazilish maqsadi, ahamiyati belgilanishi lozim.

Yuqoridagi talablarga amal qilingandagina dars samaradorligi ortadi va zamonaviy texnologiyalar ta`lim samaradorligiga xizmat qiladi.

Didaktik o`yinlar qoidalari o`yinlar jumlasiga kiradi va rolli o`yinlarni rivojlantirish predmeti hisoblanadi. Bunday o`yinlar asosini bilishning u yoki bu mazmunini, o`yinning borishi belgilaydigan harakatlarni bajarishga qaratadigan aqliy va irodaviy

urinishini tashkil etadi. Didaktik o'yinlarda asosiy fikrlash jarayonlari - tahlil qilish, taqqoslash, xulosa chiqarish va hokazolar takomillashadi. Didaktik o'yinlar ta'lim jarayonida bolalarni o'qitish, tarbiyalash va kamol toptirishda muhim ahamiyat kasb etadi. O'yin paytida bolaning ijobiy ish faoliyatini kuchaytiradi, ixtiyoriy diqqatini, xotirasini takomillashtiradi. O'yinda o'quvchilar o'zlari sezmagan holda juda ko'p harakatlarni, mashqlarni bajaradilar, turli masalalarni yechadilar. Didaktik o'yinlarga qo'yiladigan talablar:

1. Didaktik o'yinlar o'quv predmetlari bo'yicha dastur materialiga muvofiq yo'sinda tanlanishi lozim.

2. Didaktik o'yin unda qatnashuvchilarga bilimlar bo'yicha ma'lum talablar qo'yiladigan yo'sinda ishlab chiqilishi kerak.

3. Didaktik o'yinning muvaffaqiyatli o'tishi uning maqsadini yaqqol aniqlashiga bog'liq. Chunki bunda o'quvchilarning fikrini maqsadli yo'nalishga solish, ularning ishini bajarishga qiziqishini oshirish imkoniyati tug'iladi.

4. O'yinlarni tanlashda ma'lum izchillikka rioya qilish ham zarur. Mazmunan qiyin o'yinlardan oldin osonroq o'yinlarni o'tkazib, o'quvchilarni navbatdagi o'yinlarga puxtaroq tayyorlash juda muhimdir. Shu tariqa tahlil, sintez, taqqoslash, tasniflashda mavhumlashtirish, muayyanlashtirish, umumlashtirish singari aqliy operatsiyalarni asta-sekin murakkablashtirib borish shart.

5. Didaktik o'yinlarning qoidasini va tashkil etilishini tuzish va ishlab chiqishda o'quvchilarning o'ziga xos xususiyatlarini, ularning turli (bo'sh va kuchli, faol va loqayd) guruhlarini hisobga olish kerak.

6. O'yinning qoidalari sodda, aniq bo'lishi va yaqqol ifodalanishi lozim.

7. Har bir o'quvchi butun o'yin jarayonida faol ishtirok etishi, o'z "navbatini" uzoq kutish o'yinga qiziqishni susaytirishi mumkinligini unutmash kerak.

8. Har bir o'yinga umumiy va yakka tartibda yondashish, undagi topshiriqlarning qiyinlik darajasini va qanchasi mustaqil holda bajarilishini hisobga olish kerak.

9. Ma'lumki, bolalar odatda jim o'tira olmaydilar va doimo harakatda buladilar. O'yin bolalarning tabiiy hamrohi bo'lib, ularga mamnunlik va quvonch baxsh etadi. Bolalar o'yin orqali dunyoni, ya'ni tevarak-atrofnii biladilar, mehnat qilishni o'rganadilar, ya'ni tarbiyalanadilar. Ular o'yinlarda o'zlari sevgan qahramonlar qiyofasi va holatiga kirib, rostgo'ylik, ziyraklik, chaqqonlik, bardoshlilik, tadbirkorlik va g'alabaga intilish kabi fazilatlarini namoyish qiladilar. Bolalarning barcha o'yinlari o'ziga xos jozibaga ega va shuning uchun ular zo'r ishtiyoq bilan o'ynaydilar. O'yin bolalarning organizmida katta o'zgarishlar ro'y berishiga ham sabab bo'ladi. O'yinda vujudga keladigan vaziyatlar bolalardan turli masalalarni tezkorlik bilan hal etishni talab qiladi. Shunday paytlarda bola o'zining barcha imkoniyatlarini ishga solib, mushkul ahvoldan qutulishga turishadi. Shuning uchun o'yinlar bolalarning o'sishida muhim o'rin tutadi, ularni mustaqillikka undaydi.

#### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Boshlang'ich ta'lim jurnallari
2. O'qituvchi uchun metodika kitoblar

## INTERRELATION BETWEEN CULTURE AND FOREIGN LANGUAGE LEARNING

Nizomova Ra'no Ahmadjonovna  
English teacher, Ferghana polytechnic institute

**Abstract:** In the article were interrelation between culture and foreign language teaching analyzed.

**Key words:** interrelation, language, culture, society, learning

The modern world is represented by a huge variety of cultures, which constantly contact with each other, conflict, cooperate, borrow features from each other, etc. Each culture is associated with a specific language, which is the predominant medium of communication for its representatives, and therefore it is said that the possession of one or another language is part of a particular culture. Each culture was developed over many centuries, if not millennia.

From the cognitive science's point of view, the explanation of the difficulties that stand in the way of those wishing to learn a foreign language can be as follows. One of the main obstacles to the effective mastery of the language of another nation is the divergence in linguistic thinking. This is due to the fact that the "picture of the world", reflected in the language, does not coincide with different people. This manifests itself in the principles of the categorization of reality and, therefore, receives expression both in vocabulary and in grammar.

The relevance of all issues related to culture, has now acquired an unprecedented sharpness. In recent years, social, political and economic shocks of a global scale have led to an unprecedented migration of peoples, their resettlement, clash, confusion, which, of course, leads to a cultural conflict.

At the same time, scientists and all the progressive strata of society are looking for new opportunities, types and forms of communication for greater mutual understanding, effective dialogue of cultures, tolerance and respect for the culture of communication partners. All this led to the fact that when studying a foreign language, close attention was paid to issues of intercultural communication. The provision on the need to learn a foreign language in indissoluble connection with the culture of the people - the bearer of this language has long been perceived in the teaching of foreign languages as an axiom.

Language is a symbolic structure that unites and preserves in coded form all the achievements of a given society reflects a special attitude of the people-bearer. At the same time, language is a product of culture, part of culture, a condition for the existence of culture. Language and culture are the main codes through which people communicate. Language and cultural codes vary from one people to another. At the beginning of the 21st century, the realization of ways of successful communication of representatives of different countries largely depends on the development of "foreign codes", on interest and adaptation to them. Modern civilized people tend to be aware of

the interconnection, the integrity of the world and the need for intercultural cooperation of peoples. Various aspects of culture - lifestyle, mentality, national character, value system, beliefs - play an important role in the field of intercultural communication

To understand the essential features of language and especially culture is possible when comparing, in comparative study of languages and especially cultures. If the language barrier is obvious, then the cultural barrier becomes clear only when the native culture collides (or compares) with other people's, different from it.

Cultural errors are perceived much more painful than language errors. Differences in cultures are not generalized into sets of rules, as differences in languages. Therefore, the teaching of a foreign language would be more effective, if possible, from two sides, as is done, for example, in Great Britain, where for many years there has been a practice of parallel courses: one is the native speaker of the language and culture of the language being studied, and the second is the native speaker And native culture. This allows us to obtain a more complete and multifaceted knowledge of the culture of the country of the studied language. Since the reading of texts of a regional character is evaluated through the prism of their culture, which, accordingly, is also a conflict of cultures.

In recent years, pedagogy has been increasingly talking about the importance of taking into account multicultural aspects in the teaching of foreign languages. There were first signs of a new direction, called "multicultural education".

Today, the methodologists regretfully acknowledge the fact that there are certain problems in the practice of teaching foreign languages: there are no realistic goals of intercultural communication in various conditions, the scope of the sociocultural component of teaching a foreign language and the content of a native culture that must be learned in the study of a foreign language.

There are a number of difficulties in teaching intercultural communication. In particular, it is a barrier in the understanding of an interlocutor who speaks a foreign language in the culturological sense. Within the framework of his native culture, a solid picture of his vision of the world is forming for the student. This is particularly evident in the study of idioms. Proverbs and sayings of the studied language are not fully understood by students. Through idioms reflecting a positive or negative assessment of certain qualities, one can judge about ethnic norms, rules of social life and behavior in society.

### References

1. Abu-Rayya, H.M. (2006). "Ethnic Self-Identification and Psychological Well-Being among Adolescents with European Mothers and Arab Fathers in Israel." *International Journal of Intercultural Relations*, 30, 545-556.
2. Adams, J.M., & Angelo Carfagna. (2006). *Coming of Age in a Globalized World*. Bloomfield, CT: Kumarian Press.
3. Aihara, C. (1998). *Nikkei Donburi: A Japanese American Cultural Survival Guide*. Chicago, IL: Polychrome Publishing.
4. Andersson, S. (2004). *Growing Up with Two Languages: A Practical Guide*. London, UK: Routledge.
5. Baker, C. (2005). *The Care and Education of Young Bilinguals: An Introduction to Professionals*. Clevedon, UK: Multilingual Matters.

## ГРАММАТИКАНИ ЎРГАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Турсунова Одина Салимовна  
Рахматов Анвархон Акбарали ўғли  
Фарғона политехника институти

**Аннотация:** Мақолада грамматикани ўргатиш тамойиллари ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** грамматика, тамойил, тил материали, принцип, чет тили

Грамматик тил материали ҳам муайян услубий принципларга кўра ўргатилади. Чет тил грамматикасини ўргатишда қуйидаги принципларга суяниб иш кўриш тавсия этилади.

Грамматик механизмларни шакллантириш принципи. Чет тил грамматикасини ўргатиш деганда, нутқнинг грамматик механизмларини шакллантириш тушунилади. Чет тилдаги нутқнинг грамматик механизмлари уч таркибли бўлиб, кўникма, материал ва умумлашмадан иборат.

Грамматик механизмларни эгаллашда нутқ фаолиятининг автоматлашган таркибий қисмлари бўлмиш грамматик кўникмалар алоқида ўрин тутади. Грамматик кўникмалар оғзаки/ёзма нутқнинг репродуктив ва рецептив кўникмалари тарзида шаклланади.

Грамматик кўникма амаллари қоидага тушадиган умумлашмалардан ташкил топади, яъни уларнинг таркибида грамматик мавхумотлар албатта бўлади.

Грамматик кўникмаларни ҳосил қилишда умуман кўникмамаларни ривожлантиришнинг қонуниятлари, яъни амалларни бажариш (машқлари зарурлиги, кўникмаларнинг автоматлашуви, уларни фаолият таркибига киритиш, интерференция ва транспозиция кабилар ҳисобга олинади.

Чет тил грамматик кўникмасини шакллантириш методикасини ишлаб чиқишда нутқ фаолияти турларининг хусусиятлари ва она тили, иккинчи тил ҳамда чет тил грамматик қурилиши орасидаги муносабатлар билан боғлиқ қийинчиликлар эътиборга олинади.

Нутқнинг грамматик механизмларини ўргатишда, бир томондан, ўқувчиларнинг она тилига суянишлари, иккинчидан, чет тилдаги нутқ жараёнида она тилининг салбий таъсирини бартараф этиш лозим:

а) коида она тилида таърифланади, унда грамматик ҳодисаларнинг маъноси ҳамда қўлланилиш холлари ифодаланади. Грамматик кўникма таркибидаги амаллар мажмуи ёрдамида ўзлаштириладиган фикрлаш операцияларини ўргатиш чоғида она тили зарурдир;

б) репродуктив кўникмаларни ривожлантиришда она тилининг салбий таъсирини бартараф этишга она тили туфайли содир бўладиган грамматик амаллар ва фикрлаш операцияларини алмаштириш, ўзгартириш системалари ва танлаш усулларини ишлатиш орали эришилади. Бу машқлар танлашда ҳамда қоидалар мазмунида ўз аксини топади. Она тилининг салбий таъсиридан келиб чиқадиган

қийинчиликларнинг олдини олиш учун таржимали ва таржимасиз машқлар бажарилади;

в) чет тилдаги нутқ жараёнидан она тилининг иштирокини бартараф этишга фикрлаш операцияларининг камайиб бориши ва қўлланмай қўйилиши туфайли эришилади. Бунинг учун нутқий наъмуналар ва кўргазмалиликдан фойдаланиш, чет тилда қоидаларни тасвирлаш (репродуктив кўникмаларни эгаллашда) ва грамматик элементларни таниб олиш ва фарқлашга қаратилган фикрлаш операцияларига мос гапни она тилига таржима қилиш (рецептив кўникмаларни ўрганишда) ёрдам беради. Грамматикага оид фикрлаш операцияларининг камайиб бориши билан аста-секин таржимага ўрин қолмайди.

Чет тилдаги нутқнинг грамматик механизмларини ўргатиш мазмунининг иккинчи таркибини — ёрдамчи сўзлар, флексиялар ташкил этади. Уни ўзлаштириш ҳам аниқ ва мустақкам тимсоллар хосил қилишни талаб этади. Бу иш кўникма амалларини эгаллаш билан бирга олиб борилади, шунингдек, материални эслаб қолиш, хотирада сақлаш, ёддан чиқармаслик имконини яратишга қаратилади.

Нутқнинг грамматик механизмларини эгаллашнинг учинчи таркиби — умумлашмалар материал ва амаллар асосида ўзлаштирилади. Умумлашмалар индуктив йул билан ўрганилади. Тушунчаларни ўрганиб олиш икки босқичли жараёндир:

а) ўқувчилар машқ бажарганда амалий қоидаларни тушуниб оладилар; б) грамматик амалларни ва нутқда ишлатиладиган материални умумлашма тарзида билиб оладилар.

1. Коммуникатив йўналганлик принципи:

а) грамматик кўникма нутқ фаолияти турларининг таркибида ўзлаштирилади; б) кўникмани хосил қилишнинг дастлабки босқичидагина махсус грамматик машқ режалаштирилади.

2. Грамматикани амалий ўрганиш принципи. Оғзаки ёки ёзма нутқ учун зарур ва, шу билан бирга, етарли грамматик ходисаларгина ўрганилади. Чет тил дарсларининг бошланишидаёқ нарсаларнинг номини аташ эҳтиёжи туғилади, яъни «ручка», «китоб», «парта» каби сўзларни чет тилда айтишга тўғри келади. Демак, от олдида «артикуль» аталмиш грамматик ходисани қўллаш зарур бўлади. Тил ўрганувчи тегишли машқларда грамматик амалларни эгаллайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Jamol Jalolov. Chet til o`qitish metodikasi.
2. JANÍKOVÁ, Věra. Didaktik des Unterrichts Deutsch als Fremdsprache: eine Einführung. 1. vyd. Brno: Masarykova univerzita, 2010.
3. M. Xodjajev, M. Qahhorova. Chet til o`qitish metodikasi – T.: 2012.

**BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARINI TARBIYALASHDA XALIQ  
MAQOLLARIDAN VA TOPISHMOQLARINING AHAMIYATI**

Ismoilova Gulandom

Qalandarova Mohira

Xorazm viloyati Qo'shko'pir tumani 16-maktab o'qituvchilari

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada topishmoqlarning o'quvchilar hayotidagi o'rni va ularga ekologik tarbiya berishdagi ahamiyati haqida so'z boradi.

**Kalit so'zlar:** topishmoq, ekologik, mashg'ulot, tarbiya

Maqollar xotiraga mahkam o'rtnashadi. So'z o'yinlari, so'zlarning turlicha jarangi, qofiyadoshligi, ohangdorligi, goho shu qadar jozibali bo'lidiki, kishi oson esda saqlab qoladi. Ayni holda she'riyat donolikni, tarbiya va uning hosilasi xulqni ifodalash faoliyati tajribasini asrash va targ'ib qilish vazifasini ado etadi. Maqolning asil vasitasi tarbiyadir, ular qadim zamonlardan buni ta'lim vasitasi bo'li xizmat qilib kelmoqda. Bir tomondan, ular ta'lim g'oyasidan iborat, ikkinchi tomondan tarbiyaviy ta'sir ko'rsatib, ta'lim vazifasini bajaradi, xalq tasavvurlariga mos keluvchi tarbiya ta'sirining vositalari, uslublari tug'risidahikoya. Yoki salbiy jihatlarni baholaydi, shaxsning shakllanish maqsadlarini u ekinchi bu tarzda aniqlab, tarbiyalanishga chorlaydi, o'zlarining tarbiyaichdek qutlug' vazifalarini mensinmaydigan katta eshdagi odamlarni qoralaydi va hoqazo. Maqollarning eng keng tarqalgan shakli o'gitdir. Ta'limning uktai nazaridan o'gitlar uch toifaga bo'linadi: Bolalar va eshlarni yaxshi xulqli bo'lishga, shu jumladan, muloyim bo'lishga undaydigan tanbehlar.

**Topishmoq** (topmoq so'zidan) - xalq og'zaki ijodining ixcham shaklga ega bo'lgan, qadimiy va keng tarqalgan janrlaridan hisoblanadi. Topishmoq janriga xos bo'lgan asosiy xususiyatlar bir-biriga yaqin bo'lgan, o'xshash narsa va hodisalarni ikkinchisiga xos belgilar asosida topishga mo'ljallangan she'riy yoki nasriy tuzilishdagi savol hamda topshiriqlar. Topishmoq ijrosi uchun kamida ikki kishi yoki guruh, ular topishmoq aytuvchilar va topuvchilardan iborat. Topishmoqlar xalq turmushi bilan bog'liq bo'lib, ularning zamirida kishilarning qadimiy e'tiqod va tasavurlari, olamni bilishga bo'lgan qiziqishlari g'oyaviy-badiiy asosda shakllantirilgan. Shu boisdan ham topishmoqlarda atrofimizni o'rab turgan barcha narsa hodisalar aks etgan. Topishmoqlar bolalarning nutqi, tovush madaniyatini tarbiyalashda, ularni so'zlashuvga o'rgatish, tafakkurini rivojlantirishga yordam beradi. Topishmoqlar orqali bolalar badiiy ijod sirlarini o'zlashtira boradilar. Topishmoqlardan foydalanish, avvalo, bolalarning idroki, kuzatuvchanligi, ziyrakligi, topqirligi, chaqqonligi, mustaqilligi bilan bog'liq. Ular jiddiy hamda quvnoq aql o'yini sifatida bolalarning ma'naviy rivojlanishlarida alohida ahamiyat kasb etadi. Topishmoqlar bolalarda she'r aytish ko'nikmasini tarkib toptirishda, ularda chiroyli, to'g'ri gapirish ishtiyoqini tarbiyalashda muhim rol o'ynaydi. Shuni eslatish o'rinliki, bolalarga har qanday topishmoqlarni berib bo'lmaydi. Ularga ko'proq ta'lim-tarbiya maqsadlariga muvofiq keladigan topishmoqlarni taklif qilish kerak. Xususan, kichik maktab yoshdagi bolalarga hali turmushdagi ko'p hodisa va



narsalar notanish bo'lganligi bois, ularga tushunarli hamda tanish narsalar haqidagi topishmoqlarnigina tanlab berish lozim. Aks holda bolalar qiyin ahvolda qolib, topishmoq o'rganishdan bezib qolishlari hech gap emas. Kichik maktab yoshdagi bolalar uchun, asosan, odam va uning tana a.zolari, ro'zg'or buyumlari, hayvonlar, parrandalar, yomg'ir, qor, o'simliklar, mevalar, sabzavot haqidagi topishmoqlar qiziqarli bo'lib, bular ularning atrof-mughitga e'tiborini, kuzatuvchanlik, topqirlik, ziyraklik qobiliyatlarini, hayot haqidagi tushunchalarini kuchaytirishga va kengaytirishga yordam beradi.

Yoshlarni ekologik tarbiyalashda maktab asosiy markaz hisoblanadi. Ekologik tarbiya, Umumta'lim maktablarining barcha bosqichlarida, ma'lum bir fanlarni o'rganish, shuningdek o'quvchilarning darsdan tashqari ijtimoiy foydali mehnati, o'quvchilarning amaliy faoliyatlari jarayonida amalga oshiriladi.

O'quvchilarning ekologik bilim, malaka va ko'nikmalari, tabiatga mehr-muhabbati, ayniqsa, boshlang'ich sinf yoshida darsdan tashqari mashg'ulotlarda samarali amalga oshiriladi. Chunki boshlang'ich sinf o'quvchilarida tabiat va jamiyat hodisalariga qiziqish, kattalarga nisbatan o'zgacha kechadi; o'zining o'qishi, o'ynashi, mehnat qilishi uchun qulay muhit yaratishga alohida e'tibor qiladi; o'simlik va hayvonot olamiga qiziqishi, mehr-muhabbati kuchli bo'lib, ular bilan do'stlashishga, do'stona muloqot qilishga, ijobiy xatti-harakatlariga taqlid qilishga mayli kuchli bo'ladi; shuningdek ular agrof-muhit go'zalligidan, har bir tabiat mo'jizasidan zavqlana olish, ilhomlanish qobiliyati kuchliligi bilan boshqalardan ajralib turadi. Oilada, maktabda, jamoat joylarida o'simlik va hayvonot olamiga, tabiatga ayovsiz munosabatda bo'lganlarga, atrof-muhit tozaligi-ozodaligiga putur yetkazganlarga nisbatan o'zlarining salbiy munosabatlarini yaqqol ifoda etadilar.

Bu yoshdagi o'quvchilar ilmiy bilimlarini ham hayotiy misollar va tabiat voqeahodisalari timsoli vositasida o'zlashtirishga harakat qiladilar. Demak, boshlang'ich sinf o'quvchilarini talabi, ehtiyoji, mayli, qiziqishi va hissiyoti asosida darsdan tashqari mashg'ulotlarda ekologik tarbiyalash muhim ilmiy- pedagogik ahamiyat kasb etadi. Boshlang'ich sinflarda topishmoqlarni ekologik tarbiya vositasiga aylantirish ancha samarali ekanligini to'la isbotladi. Bu, o'z navbatida, bolalarning ekologik bilimlarini oshirishga, ona tabiatni asrab avaylashlariga, o'quvchilarning mantiqiy tafakkurini o'stirishga, eng muhimi, ijodiy fikrlashlariga ijobiy ta'sir ko'rsatdi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Amir Temur o'g'itlari.- T.: Navro,,z, 1992,- 63 b. (Amir Temur vasiyati.-T.: G'afur G'ulom, 1991.-4 b.
2. Mavlonova R. va boshqalar. Pedagogika. - T.: Yangi avlod asri, 2003,

## РАЗВИТИЕ ТУРИЗМА НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Аллаёрова Шахноза

Магистр 1-курса Национальный институт художеств и дизайна имени  
Камолиддина Бехзода

**Аннотация.** В последние годы были реализованы тысячи проектов с упором на туристический потенциал развивающихся и развитых стран. В Узбекистане реализуются многочисленные проекты по созданию благоприятных условий для развития туристического рынка. В данной статье рассматривается широкое использование зарубежного опыта в развитии туристического потенциала нашей страны.

**Ключевые слова:** туристическая фирма, путешественник, паломнический туризм, туроператор.

В последние годы в Узбекистане активно внедряются новые направления туризма, в том числе паломнический (зиёрат) туризм. Наличие в республике свыше семи тысяч объектов материального культурного наследия разных эпох и цивилизаций, в том числе, включенные в Список объектов всемирного наследия ЮНЕСКО исторические центры Самарканда, Бухары, Хивы и Шахрисабза, превращает паломнический туризм в весьма перспективное направление. На Востоке «зиёрат» означает «посещение святых мест» и подразумевает под собой две основные разновидности: паломнический туризм и религиозный туризм экскурсионно-познавательной направленности. В Самарканде расположен знаменитый некрополь Шахи Зинда, где захоронен двоюродный брат пророка Мухаммада – Кусам ибн Аббас, а также мавзолей Ходжи Донияра. Полагают, что Ходжа Данияр - это коранический и ветхозаветный библейский пророк Даниил, чьи останки были привезены в Самарканд Тимуром из города Сузы. Над местом захоронения был построен мавзолей, перестроенный в начале XX века. В ноябре 1996 года с визитом на могилу святого Даниила прибыл Патриарх Всея Руси Алексей II. Во время этого визита им был совершен совместный молебен с иудейскими и мусульманскими священнослужителями. Бухара - еще один город для зиёрат-туров. Бухару называют Священной за то, что здесь находится небывалое количество мечетей и усыпальниц мусульманских святых. В Бухарской области существует семь захоронений великих суфиев братства Накшбанди, одного из самых влиятельных суфийских братств в Узбекистане. Как не парадоксально, но еще несколько лет назад в Узбекистане туризм не воспринимался как серьезный сегмент экономики. И это несмотря на то, что страна располагает огромным количеством уникальных памятников истории, самобытной национальной культурой, удивительной кухней, вкуснейшими экологически чистыми фруктами и природой. С приходом к руководству страны Президента Шавката Мирзиёева снимаются преграды, которые мешали развиваться этой сфере, туризм назван одним из приоритетных направлений

развития национальной экономики. При этом эксперты указывают на наличие таких направлений туризма, как познавательный (знакомство с памятниками архитектуры), религиозный (посещение святых мест исламской и других религий), экологический, гастрономический и так далее.

Руководство страны стремится создать всесторонне благоприятные условия, чтобы у туристов остались самые теплые воспоминания от пребывания в стране. С этой целью начат процесс реформирования туристической инфраструктуры, начиная с высокого сервиса, который должен сопровождать туриста с момента прибытия в Узбекистан и до завершения путешествия. Снимаются все бюрократические препоны, сдерживающие развитие этой перспективной сферы. С конца 2017 года в Узбекистане были упрощены требования для индивидуального и группового туризма. В начале декабря в стране была введена единая туристическая виза для иностранных граждан сроком на 30 дней, на 30% снижена ее стоимость. В первых числах февраля 2018 года Президент страны подписал Указ "О дополнительных организационных мерах по созданию благоприятных условий для развития туристского потенциала Республики Узбекистан". Документом предусматривается введение безвизового режима сроком на 30 дней для граждан Израиля, Индонезии, Республики Корея, Малайзии, Сингапура, Турции и Японии. Тем самым общее количество стран, для граждан которых будет действовать безвизовый режим, достигнет 16. В настоящее время безвизовым режимом пользуются граждане девяти стран: Азербайджана, Армении, Белоруссии, Грузии, Казахстана, Молдовы, России, Украины и Киргизии (до 60 дней). Указом также предусмотрен ввод с 10 февраля упрощенного порядка оформления туристских виз для 39 стран, предусматривающего отмену требования предоставления в МИД туристского ваучера или обращения приглашающего юридического или физического лица в Узбекистане и оформление визы в течение двух рабочих дней, не считая дня приема документов. В стране уже к концу лета этого года планируется запустить систему выдачи электронных виз (EVisa). Электронная виза позволит отойти от устаревшей процедуры с отстаиванием очередей в посольстве. Теперь путешественники смогут подать все документы и анкеты через Интернет и в короткие сроки получить положительный или отрицательный ответ. Выдача E-Visa иностранным гражданам будет осуществляться в аэропортах страны на основании их письменных заявлений, поданных в процессе оформления документов. Все платежи при получении электронной визы можно будет произвести при помощи международных платежных систем Visa и MasterCard.

В Узбекистане изучают опыт других стран, где успешно развивается туризм и с этой целью привлекаются ведущие зарубежные специалисты в этой области. Узбекистан планирует внедрить хорошо зарекомендовавшую себя практику по привлечению известных международных медийных персон для продвижения собственного туристического потенциала. Так называемый институт Tourism brand Ambassador (Посол туризма в зарубежных странах) сегодня активно используют лидеры мировой туристической индустрии — Франция, Испания,

США, Китай, Индия и многие другие страны. Предполагается, что послами туризма Узбекистана в зарубежных странах станут видные представители политических, деловых, культурных и спортивных кругов. В целях продвижения туристического бренда страны за рубежом планируется создать специальный "Национальный PR-центр туризма". Национальный авиаперевозчик расширит географию полетов. В частности, планируется установить прямое воздушное сообщение со странами Скандинавии, БЕНИЛЮКСА, Юго-Восточной Азии и Польшей. Примечательно, что Узбекистан включен в список самых надежных и безопасных стран для американских туристов. Этот вывод содержится в рекомендации Госдепа США. Присвоенный Узбекистану первый уровень означает самые низкие из возможных рисков при посещении страны. Все это, безусловно, свидетельствует о том, что Узбекистан в ближайшем будущем войдет в число стран, которые наиболее привлекательны для туристов.

#### Список литературы:

1. Lepeshkina L.Yu., Ovsyannikov V.P. Funeral rites in life cycle of ethnos as a mechanism of its cultural identification // World Applied Sciences Journal 29 (5): 600-604, 2014.
2. Suvorova P.E., Ovsyannikov V.P. Cultural code in poetic text of the XX century //World Applied Sciences Journal 29 (4): 489-492, 2014.
3. Тоффлер, Э. Шок будущего: Пер. с англ. / Э. Тоффлер.— М.: ООО «Издательство АСТ», 2002. 57 с.

**БОЖХОНАДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ  
ТОИФАЛАШ – ЗАМОНАВИЙ БОЖХОНА ИШИНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАВЗУСИ**

Хамраев Миразам  
Бегимов Нодир  
Давлат Божхона Қўмитаси Божхона институти

“Божхона тартибларини кескин  
содаллаштириш, божхона назорати  
пунктлари ҳамда юкларни расмийлаштириш  
постларини тубдан ислоҳ қилиш зарур”  
*Мирзиёев Шавкат Миромонович*

**Аннотация:** Замоनावий иқтисодий глобаллашуви даврида Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни куллаб қувватлаш ва бизнесга берилаётган эътибор жаҳон ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5582-сонли фармони божхона органлари учун хавфни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш бўйича ҳуқуқий пойдевор вазифасини бажарди.

*Калит сўзлар:* божхона, божхона маъмурчилиги, хавф, хавфни бошқариш тизими, “сарик йўлак”, “қизил йўлак”, ТИФ, ТИФ субъектларини тоифалаш, инвестиция, ҳалол тадбиркорлик.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳозирги кунда юртимизда чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилганлиги таъкидланган. Шу билан бирга, юқорида қайд этилган кўрсаткичларга биноан Давлат божхона хизмати органларига ҳар томонлама мукамал бўлган хавфни бошқариш тизими кераклиги ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун тоифалаш тизимини такомиллаштириш ҳамда янги замоनावий методларни қўллаш зарурлигига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиққан ҳолда божхона хизмати органларида Хавфни Бошқариш Тизимида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини тоифалашни оптималлаштириш ва жаҳон амалиётида қўлланилаётган янги тизимларни ўрганиб ютуқларини амалиётда қўллаш, Божхона органларида Хавфни Бошқариш Тизимида ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини тоифалашга оид муаммоли вазиятларни ечимини топиш асосий мақсад ҳисобланади. Хусусан, божхона органларида “Хавфни бошқариш”

тизимининг жорий этилиши натижасида, бугунги кунда қонунга итоаткор тадбиркорларнинг экспорт ва импортга йўналтирилаётган маҳсулотлари тезкорлик билан божхона расмийлаштирувидан ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси чегараси орқали кириб келаётган товарлар хавфни бошқариш тизимида 4 та йўлак мавжуд бўлиб:

«сариқ йўлак», бунда божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади.

«қизил йўлак», бунда божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилади.

«яшил йўлак», бунда хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан амалга оширилмайди.

«кўк йўлак», бунда хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилади.

Хавфни бошқариш тизими жорий қилинишидан олдин товар Ўзбекистон Республикасига кириб келган вақтдан у қандай хусусиятга эгалигидан қатъий назар, божхона кўриги шартли равишда 3 марта ўтказилганлиги ҳисобига кўп вақтни қамраган. Яъни, товар ва моддий бойликлар якуний режимга олингунга қадар аввал “вақтинча сақлаш” божхона режимида, ундан сўнг “божхона омбори” режимида божхона расмийлаштирувидан ўтказилар, бу эса ўртача 1 ойдан 6 ойгача, айрим ҳолатларда узоқ муддатни ўз ичига олган. Экспортда бу кўрсаткич ўртача 2-3 кунни ташкил қилар эди. Ўз навбатида бу ҳолатлар ташқи иқтисодий фаолияти иштирокчилари томонидан импорт ва экспорт қилаётган товарларининг “самарасиз божхона кўриги” учун кўп вақт сарфланишига, кўзда тутилмаган ортиқча ҳаражатларга, шу жумладан, товарларни юклаш, қайта юклаш, омбордаги сақлов учун тўловлар ва бошқа операциялар учун ҳаражатларни туғдирарди.

Бундан ташқари, мазкур тизимнинг жорий қилиниши ташқи иқтисодий фаолият соҳасида кўплаб қулайликларни яратди. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларини хавф даражасига қараб тоифаларга ажратилиши натижасида божхона кўриклари сони 1,4 баробарга камайиб, самарадорлиги 1,5 баробарга ошди. Божхона расмийлаштируви вақти экспортда 1,7 баробарга, импортда 1,4 баробарга қисқарди. Ҳозирги кунда 62 фоиз товарлар соддалаштирилган тартибда божхона назоратидан ўтказилмоқда.

Божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришда ахборот тизимларининг ўрни катта эканлигини тушунган ҳолда, расмийлаштирув билан боғлиқ жараёнлар тўлиқ автоматлаштирилди.

Масалан, божхона юк декларацияларини автоматик рўйхатга олиш ва автоматик тақсимлаш жорий этилди (жараёнга илгари 2-3 соат вақт кетган, бир

неча хизмат китоблари юритилган эди, hozir 1-2 дақиқа сарф этилмоқда, энг асосий коррупцион ҳолатлар олдини олишга катта қадам бўлди).

2020 йил 10 ойида ушбу тизимдан фойдаланиб, 110 млрд. сўм тўловлар келиб тушди.

Ҳалол тадбиркорликни қоллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, Божхона органлари томонидан амалга оширилаётган устувор вазибаларидан бири хисобланади. Шу сабабли тадбиркорлар орасида тадвикот ва ташвикот ишларини олиб бориш, уларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, яратилиб берилаётган шароитлар ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш кераклигини уларга етказиш божхона хизмати органлари учун ҳам вазифа, ҳам олий мақсадлардан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5582-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
3. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (ЎРҚ-400 26.01.2016й). “Адолат”. Т. 2016 й.
4. Божхона иши асослари. “Янги аср авлоди”. Т. 2017 й.
5. “Хавфни бошқариш тизими” дарслик. “Янги аср авлоди”. Т. 2020й.

**ДАВЛАТ ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ ПРОЦЕДУРАСИ – ХАЛҚАРО  
БОЖХОНА ХАМЖАМИЯТНИНГ СТАНДАРТЛАРИ СИФАТИДА**

Сафаров Муҳаммадкул Абдурахмон ўғли  
Давлат Божхона Қўмитаси Божхона институти 4 – курс курсанти

**Аннотация:** Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган божхона процедуралари стандартларига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир, шу жумладан “Давлат фойдасига воз кечиш” процедураси божхона ишининг ажралмас қисми ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти, Давлат фойдасига воз кечиш, Киото конвенцияси, Божхона маъмурчилиги, Божхона тўловлари, Евроосиё иқтисодий иттифоқи.

2020 — 2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5582-сон [Фармони](#) ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Концепция Жаҳон божхона ташкилотининг тавсиялари ҳамда илғор мамлакатларнинг божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш тажрибасига асосланган ёндашувларини ўз ичига олган.

Концепция божхона органлари фаолиятини ривожлантиришнинг мақсадлари, устувор соҳалари ва асосий йўналишларини белгилайди ҳамда уларни ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Ушбу концепциянинг III бўлим А бандида ЖБТ, Жаҳон савдо ташкилоти ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи тавсиялари ва стандартларини инобатга олган ҳолда ҳамда хорижий давлатларнинг энг яхши амалиётларига асосланиб, норматив-ҳуқуқий базани қайта кўриб чиқиш ҳақида гап боради. Ўзбекистон Республикаси Киото конвенциясига 2020 йил 21 декабрьдаги ЎРҚ-654 сон Қонуни асосида қўшилиши ҳам шулар жумласидандир. Ўзбекистон Киото конвенциясининг барча иловалари ва бобларини қабул қилди, «Е» Махсус иловасининг 3-боби (Товарларни каботаж ташиш) бундан мустасно.



Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида 16 та божхона режими амалда қўлланилади. Ушбу режимлар “Божхона процедураларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисида”ги Киото Конвенцияси меъёрлари ва талабларига мос равишда ишлаб чиқилган. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, атамашунослик ва божхона процедураларини қўллаш тартибларида айрим таъфовутлар мавжуд. Жумладан Давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 128-моддасида қуйидагича таъриф берилган:

Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими шундай режимки, бунда ваколатли шахс товардан воз кечади ҳамда уни **божхона тўловлари тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган** ҳолда текинга давлат мулкига ўтказди.

Киото конвенцияси Бош иловасининг 3.44 стандартида эса, **Давлат фойдасига воз кечиш режими** - Товарлар ички истеъмол учун чиқмаган ёки бошқа божхона процедураси остида жойлаштирилмаган ҳолда ҳеч қандай қонунбузарлик содир этилмаган бўлса, манфаатдор шахс **бож ва солиқларни тўламасдан ёки тўланган бож ва солиқларни қайтарган** ҳолда унинг илтимосига кўра божхона органи чиқарган қарорга мувофиқ божхона назорати остида давлат фойдасига воз кечилиши белгилаб қўйилган.

Бундан келиб чиқадики, Божхона кодексининг 128-моддасига **Қуйидаги жумла ва бандларнинг қўшилиши мақсадга мувофиқ деб қаралади:**

Давлат фойдасига воз кечиш божхона режими шундай режимки, бунда ваколатли шахс товардан воз кечади ҳамда уни божхона тўловлари тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳамда **манфаатдор шахс илтимосига кўра тўланган бож ва солиқларни қайтарган ҳолда божхона органи чиқарган қарорга мувофиқ** текинга давлат мулкига ўтказди.

**Тўланган божхона божлари ва солиқлар суммаларини қайтариш ушбу Кодекснинг 49-бобида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.**

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5582-сон [Фармони](#).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси (ЎРҚ – 400 26.01.2016). “Адолат”. Т. 2016 й.
4. Божхона иши асослари. “Янги аср авлоди”. Т. 2017й.

**МОДЕЛИ РАМ ТЕЛЕЖЕК ТЕПЛОВЗОВ UZTE16M И ТЭП70 В  
ПРОГРАММНОМ КОМПЛЕКСЕ SOLID WORKS**

Ахмедов Асилбек Гайрат угли

Студент магистратуры группы ML-38 Ташкентского Государственного  
транспортного университета

*Научный руководитель: Файзиев Бахтиёр Тохирович*

*(к.т.н., доц. Ташкентского Государственного транспортного университета)*

**Аннотация:** Конечно-элементные модели рам тележек, главных рам, кабин и кузовов тепловозов позволяют не только выполнить прочностной статический расчет конкретного варианта конструкции, но и провести исследование и предложить модернизацию этих конструкций. Цель модернизации - оптимизация параметров модернизированных узлов при сохранении их габаритных характеристик.


**Ключевые слова:** Solid Works, модель, главных рам, рамы тележки, амплитуда цикла, балка, МКЭ.

Моделирование структуры заданной конструкции заключается в представлении реальных элементов конструкции конечными элементами, набор которых имеется в программе. Моделирование сплошных объемных конструкций выполняется сплошными объемными элементами различной формы. [1]

Кроме того, рама тележки локомотива, во время эксплуатации подвергается воздействию комплекса силовых факторов, действующих в вертикальной и горизонтальной плоскостях. Динамическая составляющая нагрузки (амплитуда цикла) возникает при вертикальных колебаниях локомотива, определяемых взаимодействием колес с рельсами. [2,3]


Как было отмечено, основу рамы образуют две боковины жёстко связанные между собой поперечными балками и концевым креплением, а также шкворневой балкой. Конечно-элементная модель шкворневой балки показана на рисунке 1.1.

Боковины в поперечном сечении имеют замкнутый профиль коробчатого сечения имеющие толщину вертикальных стенок 10 мм, нижней полки 22 мм, и верхней 14 мм. Эти детали выполнены из стали марки Ст.3сп. Предел текучести для данной марки стали по ГОСТ 380-94  $\sigma_m = 235$  МПа, временное сопротивление  $\sigma_B = 470$  МПа.




**Рис. 1.1** - Твёрдотелая модель шкворневой балки рамы тележки

Перечень основных листов и деталей, из которых состоит сварная рама, номера чертежей и их механические характеристики приведены в таблице. Общий вид модели рамы тележки показан на рисунке 1.2.



**Рис. 1.2** - Твёрдотелая модель рамы тележки тепловоза

Разделение расчётной схемы на конечные элементы и расчёт напряжений осуществлялись с помощью компьютерных программ. При генерации сетки конечно-элементной идеализации объекта исследования использовались объёмные конечные элементы. Идеализация рамы тележки тепловоза по МКЭ приведена на рис. 1.3.




**Рис. 1.3** - Идеализация рамы тележки тепловоза по МКЭ

Таким образом, модель есть идеализированное представление заданной реальной конструкции. Точность выполняемого расчета зависит в основном от точности моделирования.

На точность модели влияет степень детальности при отображении реальной конструкции. Иными словами, в модель могут быть включены не все конструктивные элементы, а только те, которые в наибольшей степени определяют ее жесткость и прочность.

На рис. 1.4 изображена рама тележки тепловоза ТЭП70 и ее конечно-элементное представление (9109 узлов, 10 389 конечных элементов). Модель, при грамотном ее формировании, дает полное представление о механическом

поведении всей конструкции с учетом особенностей напряженно-деформированного состояния в зонах концентрации.



**Рис. 1.4** - Общий вид (а) и разбивка рамы тележки тепловоза ТЭП70 на конечные элементы (б).

#### **Список использованной литературы:**

1. Сегерлинд Л. Примечание метода конечных элементов М: Мир 1979 г. 392 стр.
2. Зайниддинов Н.С. Методы и алгоритмы оценки остаточного ресурса локомотивов ТошТЙМИ Ахбороти 2009 №3.
3. Frant Winkler. Модернизация тепловозов ЧМЭ 3 “Локомотив информ” 2011 №12. с.22-25.

**BOSHLANG'ICH SINFLARDA DIDAKTIK O'YINLARNING AHAMIYATI**

Bahronova Sadoqat Otabek qizi

Navoiy davlat pedagogika instituti Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi  
(boshlang'ich ta'lim) yo'nalishi 1-bosqich magistranti

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada didaktik o'yinlar orqali bolalar borliqni o'rganishi, unda kelgusida o'quv faoliyatini tashkil etish va insonlar bilan munosabatga kirishishga oid ruhiy xususiyatlar shakllanishi yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** didaktik o'yin, zamonaviy texnologiyalar, ta'lim, tovush, harf.

Bolaning ongi va tafakkuri endi shakllanib kelayotgan boshlang'ich sinflarda o'qituvchining mahorati, uning zamonaviy texnologiyalarni ta'lim jarayoniga mohirona tadbiiq eta olishi, ta'limning yangi-yangi yo'l va usullarini izlashi, ilg'or pedagogik tajribalardan foydalana olishi juda muhimdir. Ta'lim –insonlar faolligini belgilaydigan muhim bir tarmoqqa aylanmoqda.

Boshlang'ich ta'limda o'quvchilarni bilimga qiziqtirishda didaktik o'yinlarning o'rni beqiyosdir. Chex pedagogi Yan Amos Komenskiy o'yinni bola faoliyatining asosiy shakli ekanligini ta'kidlab o'tib, aynan o'yin bolaning tabiati va qiziqishlariga mos kelishini aytgan edi. Didaktik o'yinlar vositasida o'quvchilarning bilim o'zlashtirish jarayoni qulaylashadi, turli xil predmetlar bilan munosabatda bo'lishga o'rganadi, shuningdek o'quvchilarda muomala madaniyati shakllanadi. Didaktik o'yinlarda bola axloqiy sifatlarga ham ega bo'ladi. Didaktik o'yinlarning har bir bosqichida bolaning ma'lum bir imkoniyatlari namoyon bo'ladi. Didaktik o'yinlar o'quvchilarda mustaqil fikrlashni tarbiyalashning eng to'g'ri va samarali metodidir.

Dars o'tish usullarining rang-barang bo'lishi o'quvchini ham, pedagogni ham ilhomlantiradi. Dars jarayonida o'quvchini shunchaki tinglovchiga aylantirib qo'ymasdan, mustaqil ishlashiga, bilmaganlarini bayon eta olishiga imkoniyat yaratib berish lozim.

O'zbek xalqining ulug' allomalaridan biri Abu Rayhon Beruniy asarlarida yosh avlodga bilim berishning turli yo'llari va vositalari haqida tushunchalar berilgan bo'lib, ularni mustaqil fikrlaydigan, yangilik yarata oladigan qilib tarbiyalash xususida to'xtalib o'tgan. "Qadimiy xalqlardan qolgan yodgorliklar" asarida Beruniy dars samaradorligini oshirish yo'llarini izlash bolalarning xotirasini rivojlantirishga, fikrlashga o'rgatishini ta'kidlab o'tgan: Maqsad gapni cho'zish emas, balki o'quvchini zeriktirmaslik, chunki doimo bir xil narsaga qarayverish malollik va sabrsizlikka olib keladi. O'quvchi fandan-fanga o'tib tursa, turli bog'larda yurganga o'xshaydi. Birini ko'rib ulgurmasdan boshqasi boshlanadi va ularni ko'rishga qiziqadi, ko'zdan kechirishni istaydi".

Hamma o'quv materiali o'quvchilar uchun qiziqarli bo'lavermaydi. Bunday hollarda bolalarni ta'lim jarayoniga qiziqishini oshirishning birdan bir yo'li didaktik o'yinlardan foydalanish va ularni tashkil etishdir.

1-2-sinflarda bolalar tez zerikuvchan va o'yinqaroq bo'lishadi. Shuning uchun dars davomida didaktik o'yinlardan foydalanilsa, ularning, birinchi navbatda, fanga

bo'lgan qiziqishi ortadi hamda mavzuni yaxshiroq o'zlashtirib olishlariga zamin yaratadi.

Masalan, 1-sinf ona tili darsligida tovush va harflar, so'z, nutq va gap bo'limlari bo'lib, har bir bo'lim o'z ichida yana bo'limlarga bo'linib ketadi. Tovush va harflar bo'limida o'quvchilar unli va undosh tovush, harflarni, tutuq belgisi, alifbo, bo'g'in haqida ma'lumotlarga ega bo'lishadi. Bu bo'limda o'quvchilar bilan quyidagi o'yinlarni o'tkazish mumkin:

“Harflarni top” o'yini

Bunda ikki xil qizil va yashil rangda to'rtburchak qog'ozchalar olinadi. O'qituvchi so'zlarni o'qiydi. O'quvchilar esa mustaqil ravishda topish lozim bo'lgan tovush o'rnini yashil rangda, qolgan tovushlar o'rnini qizil rangdagi qog'ozchalar bilan ko'rsatadilar. Masalan,

1-variant: “A” tovushining o'rnini topish.

Ona, maktab, kino, kitob.

“Ona” so'zida “a” unlisi ikkinchi bo'g'inda, ikkinchi o'rinda turibdi.

“Kino” va “Kitob” so'zlarida “a” tovushi qatnashmagan.

2-variant: “T” tovushining o'rnini topish.

Komil, kitob, safar, xat

3-variant: “K” tovushining o'rnini topish.

Karim, maktab, odam, tilak.

Bu o'yindan o'qituvchi o'quvchilarning savodini chiqarishda samarali usul sifatida foydalanishi mumkin. O'quvchilarning nutqini rivojlantirish maqsadida o'yinni og'zaki o'tkazish ham mumkin.

“O'qib ko'r-chi” o'yini

Bunda o'qituvchi o'quvchilarga yozma va bosma harflar bilan katta-katta qilib yozilgan so'zlarni ko'rsatadi. O'quvchilar o'qiydilar. Tez va to'g'ri o'qigan o'quvchilar rag'batlantiriladi. Bunda o'quvchilarda ikki xil- bosma va yozma yozuvni ham o'qish texnikasi rivojlanadi. Bu o'yinni “Alifbe” davrida ham qo'llash mumkim. Undosh tovushlar o'rganilmagan davrda 1-variantdagi kabi faqat unli tovushlar vositasida o'tkazish mumkin.

1-variant: o, o', a, u, A, O'

2-variant: -la, -ol, -ma, -in, -osh, -un

3-variant: -e, -n, -i -ni, -ov, -ur

“Sirli so'z” o'yini

Bunda o'qituvchi o'quvchilarga katakchalardagi harflardan foydalanib, so'z tuzish kerakligini aytadi. Eng ko'p va tez topgan o'quvchi g'olib sanaladi. Bu o'yin o'quvchilarga boshqotirmalarni hal etishdagi dastlabki ma'lumotlarni beradi va ularning dunyoqarashini kengaytirishga yordam beradi.

|   |   |   |
|---|---|---|
| o | T | a |
| n | O | n |
| a | K | a |

Xulosa qilib aytganda, didaktik o'yinlar orqali bolalar borliqni o'rganadi, ularning dunyoqarashini boyitadi, fikrlash qobiliyati o'sadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Beruniy “Qadimiy xalqlardan qolgan yodgorliklar”.  
Tanlangan asarlar. 1-jild. Toshkent, 1968. 106-107-betlar.
2. 1-sinf “Ona tili” darslik. Toshkent, “Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati
3. В. М. Бугатов. Педагогические таинства дидактических игр. Учеб. – методическое пособие.- М.: Флинта, 2003.

## SARLAVHALARNI TAHRIRLASH VA ULARNI YARATISHDAGI KENG QAMROVLI YONDASHUV

Sodiqjonova Yoqutxon

O'zbekiston Kurnalistika va ommaviy kommunikatsiyalar universiteti talabasi

**Annotatsiya:** Har doim biz guvoh bo'ladiganimiz - sarlavhalarni yaratishda misollarga tayangan holatdagi qarashlar hamda ularda yo'l qo'yiladigan kamchiliklarga yechimlar.

**Kalit so'zlar:** sarlavhalar, auditoriya e'tibori, axborot, metafora, alliteratsiya, qarama-qarshilik, tarmoq gazetalari, takror sarlavhalar.

Tasodifan yo atayin biron bir kitob, matn yoki maqolaga, qo'yingki, turli xil haridgohlarning peshtoqlariga yozilgan sarlavhalarni, ulardagi yozuvlarni ko'rib qolamiz. Biron bir manba bilan tanishishdan avval biz uning sarlavhasiga bir bora bo'lsa ham ko'z yugurtiramiz. Agarda sarlavha ma'qul kelsa, biz qo'limizdagi manbani o'qishga kirishamiz. Yoxud uning aksi bo'lsachi? Unda qanday yo'l tutamiz? Nima sababdan matn o'qilishi uchun sarlavha zarur? Sarlavhasiz yaxlit bir matnning holi ne kechadi? Demak, quyidagi savollarga javob berish uchun sarlavhaning maqsad-vazifalari bilan tanishamiz.

Avvalo sarlavhaning asosiy maqsadi bu auditoriyaning e'tiborini jalb qilish, uning ong-u shuurini qamrab olish. Bir so'z bilan aytganda „parchalash“ demakdir. Uning uch turdagi vazifasi matnning keng qamrovda o'qilishiga ko'makchi bo'ladi.

1. Auditoriyaga maqola nechog'lik tarzda kerak yoki kerak emasligini, matndagi ma'lumotlarning ahamiyati yoki ahamiyatga ega emasligini tushunishga yordam beradi.
2. Ommaga matni o'qish yo uni sotib olish mumkinligini ko'rsatadi.
3. Tarkibni ko'rib chiqqandan keyin foyda aniqlanadi. Bu foydali bo'ladimi yoxud yo'qmi sarlavha orqali ma'lum bo'ladi.

Sarlavha aholiga to'g'ri talqin qilish uchun uning kalit so'zlariga, grammatik vositalariga, so'zlarni o'rinli tanlashga, bundan tashqari o'quvchiga nechog'lik tarzda foyda keltirishiga e'tibor qaratmoq kerak. Sababi sarlavha ommaga maqolaning mazmuni haqida ma'lumot beradi. Ikkinchi tomondan esa o'qib bo'lingan maqola o'quvchiga beradigan imtiyozlarni tavsiflaydi.

Gazeta-jurnallardagi maqolalar o'qilishida, teleekranda uzatilayotgan axborotlar muntazam kuzatib borilishida auditoriyani yanada jalb qiladigan omillardan yana biri sarlavhadan o'rin olgan aniq tafsilotlar. Misol uchun „aniq raqamlar“ga urg'u berish. Bunga Stiven Koveyning „Yuqori samarali odamlarning 7 ko'nikmasi“ nomli kitobini misol qilish mumkin.

Keyingi omillardan bir esa sarlavhalarda texnik vositalardan kerakli miqdorda foydalanish. Bu uch usul metafora, alliteratsiya, qarama-qarshilik yoki kutilmagan iboralar kabilardir.

Ayrim materiallardagi sarlavhalar murojaat sifatida qo'llanilib, o'quvchiga savol tariqasida berilishi mumkin. „Mezondunyo“ gazetasida chop etilgan bir necha



maqolalar shu yo'sinda nomlangan. Ushbu gazetadagi „Talabaga uyali telefon zarurmi?“ deb nomlangan maqolada bevosita talabalarning o'ziga murojaat qilingan va ularning fikr-mulohazalari maqoladan joy olgan. Sarlavhadagi savolga javob maqolaning ichida kuzatiladi. Bugungi kunda matbuotimizda sarlavhalarning so'z o'yini shaklida ishlatish odat tusiga kirib kelmoqda. „Sahovatning sahovati“, „Istiqlolning-hamkorlik mevasi“, „Obidalar obidiysi“, singari sarlavhalarni „O'zbekiston ovozi“, „Ko'ngil ko'chalari“ va boshqa shu kabi gazetalarda uchratishimiz mumkin.

Maqola uchun mazmunli va ixcham sarlavha topish auditoriyani zeriktirib qo'yishni oldini oladi. Yana bir jihatga to'xtalib o'tish joizki, sarlavhalar ma'lum bir sohaga - tarmoq gazetalariga bog'liq holda ham tanlanadi. Ma'rifiy, huquqiy, qishloq xo'jaligiga ixtisoslashgan gazetalarda „Asalarichilik va baliqchilik rivoji“, „Pillaning bahosi qancha?“ („Qishloq hayoti“) „Pedagogik mahorat“, „Maktab chiroy ochdi“ („Ma'rifat“) „Huquqiy asos va samaradorlik“ „Mulk huquqi“ („Huquq“) kabilarni bunga misol qilib ko'rsatishimiz mumkin.

Tanganing ikki tomoni bo'lganidek sarlavha tanlashda ham ba'zi bir kamchiliklarga duch kelamiz. Kuzatishlar shuni ko'rsatyaptiki, gazetalardan gazetalarga ko'chib yuradigan siyqasi chiqqan sarlavhalar ham haligacha uchrab turadi. „E'tirof“, „Baxt kaliti“, „Sadoqat“, „Ibrat“ singari. Bunday bir xillik, takror o'quvchini zeriktiradi, ba'zida g'ashiga tegadi.

Shunday ekan, sarlavha gazeta sahifasining yuzi, uning qiyofasi hamda bu qiyofa kishini o'ziga tortish kuchiga ega ekan. Biz sarlavha tanlashda yuqorida keltirilgan qonun qoidalarga rioya qilgan holda ish tutaylik. Zeroki, sarlavha yarim maqola demakdir.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. bornpottytrained.com sayti
2. S.Shomaksudova, M. Israilning OAV da yozma matn. Nutq va munozara kitobi. „Iqtisod-Moliya“ nashriyoti, 2018. ISBN978-9943-13-747-9.
3. „Hurriyat“ gazetasi, 2017-yil soni Yusuf Hamdamov.

## ZAMONAVIY TOIFADAGI PIYODALAR KO‘PRIKLARINI KO‘PAYTIRISH MASALALARI

Ashurova Maxfuza Ikramboyevna  
Quromboyev Suxrob Yo‘ldosh o‘g‘li  
SamDAQI magistrantlari

**Annotatsiya:** Piyodalar harakat oqimi transport harakat tizimiga ta’sir qilmasligi hamda piyodalar harakat xavsizligi uchun zamonaviy toifadagi piyodalar o‘tish ko‘priklarini O‘zbekiston Respublikasi hududida yanada ko‘paytirish va takomillashtirish bugungi kunda eng dolzarb masalalaridan biri hisoblanadi.

**Kalit so‘zlar:** piyod, transport, piyodalar o‘tish ko‘priklari, zamonaviy piyodalar ko‘priklari va boshqalar...

Piyodalar uchun mo‘ljallangan ko‘priklar faqat piyodalar harakatlanishiga imkon beradigan tarzda ishlab chiqilgan bo‘lib, bu ularning rejalashtirish va dizayn xususiyatlarini belgilaydi. Ular tabiiy to‘siqlar bilan kesishgan joylarda, shuningdek, yo‘llar, temir yo‘llar va ko‘chalarda boshqa barcha transport shakllaridan ajratilgan piyodalar yo‘llarini yaratish uchun ishlatiladi. Piyoda ko‘priklari, shuningdek, shahar parklarida, ko‘rgazma maydonlarida va hokazolarda dekorativ qurilish vazifasini bajaradi.

Daryo ustidagi piyodalar uchun ko‘prik yaqin atrofda shahar ko‘prigi bo‘lmaganda quriladi va piyodalar harakati juda qizg‘in bo‘ladi. Ko‘pincha temir yo‘llar va ko‘p qatorli ko‘chalar bo‘ylab piyodalar uchun ko‘priklar quriladi. Ushbu ko‘priklarning balandligi mos keladigan yaqinlik o‘lchamlari bilan belgilanadi va uzunligi bir-birining ustiga tushgan qismlarning kengligiga bog‘liq bo‘ladi.

Ko‘chalar bo‘ylab uzluksiz rivojlanib boradigan shaharning markaziy qismida ko‘cha ostidagi shahar er osti kommunal xizmatlarining ko‘pligi sababli tunnel qurilishi qiyin yoki iqtisodiy jihatdan noqulay bo‘lgan joylarda boshqa yo‘llarda piyodalar uchun ko‘priklar qurish tavsiya etiladi. Shu bilan birga, barcha piyodalar transporti binolarning ikkinchi yoki uchinchi qavatining balandligidagi ko‘chalarda o‘tadigan yo‘laklarni va o‘tish joylarini tartibga solish orqali alohida yuqori darajaga ko‘tarilishi mumkin va transport va to‘xtash joylari uchun yer yuzasini qoldirishi mumkin. Ushbu ajratish piyodalar uchun to‘liq xavfsizlikni yaratadi. Piyodalar oqimi juda muhim bo‘lishi mumkin va yo‘nalishda avtomobillar oqimlari bilan mos keladi. Bunday holda, ularni shahar atrofi maxsus darajasida o‘tkazib yuborish mumkin. Boshqa ko‘priklardan farqli o‘laroq, piyodalar uchun mo‘ljallangan ko‘priklar uzunlamasına qiyaliklarga ega bo‘lishi mumkin, ularning asosiy qismida 6% va zinapoyalar ko‘rinishidagi yondoshuvlar bo‘yicha 12-16%. Piyoda ko‘prigi kengligi har bir yo‘nalishda harakatlanish bilan belgilanadi. Piyoda ko‘priklariga kirish va ulardan chiqish zinapoyalar yoki rampalar ko‘rinishida. Zinapoyalarda oraliq gorizontalar platformalar bilan bir yoki bir nechta yurishlar bo‘lishi mumkin. Shu munosabat bilan, cheklanmagan joylarda platformalar bilan zinapoyalar, eng kam oraliq tayanchlar asosida yagona

tuzilma shaklida amalga oshiriladi va ular ko‘prikning o‘qi bo‘ylab ham, unga burchak ostida ham joylashtiriladi. Yig‘ilishlar ko‘chaning me‘moriy ansamblini buzmasligi kerak va avtomobil haydovchilarining ko‘rinishini kamaytirish. Shu sababli, yig‘ilishlar tirgak chetidan uzoqlashishga moyil bo‘lib, ularni kengligi yoki yashil maydonchasida joylashtiradi.

Yopiq ko‘prikning yuqori qismi organik shisha kabi shaffof materialdan qilingan. Piyoda ko‘priklari qurilishning barcha asosiy turlaridan foydalanadi: yog‘och, temir-beton, po‘lat va alyuminiy. Biroq, eng keng tarqalganlari temir-beton piyodalar ko‘priklari. Dekorativ park ko‘priklari ham toshdan qilingan.


Loyihalani va joylashishiga ko‘ra, piyoda ko‘priklari juda xilma-xildir. Ko‘pincha, nurli bo‘linish, nurlar uzluksizligi va ramka tizimlari ishlatiladi. Katta masofada piyodalar ko‘priklari simi turadigan yoki to‘xtatib turadigan tizimlarni amalga oshiradi.


Zamonaviy yog‘och piyoda ko‘priklarida yopishtirilgan tizimlar ko‘p ishlatiladi, ular samaradorlik va qulay ko‘rinish bilan ajralib turadi. Yog‘och piyodalar ko‘priklarining yuk ko‘taruvchi elementlari yopishtirilgan (taxtalar yoki to‘sinlar paketlaridan) yoki yopishtirilgan konstruksiyadan tayyorlanadi. Bunday ko‘prikning tayanchlari, shuningdek, yopishtirilgan elementlar beton yoki temir-betondan bo‘lishi mumkin. Temir-beton tayanchlar taxtalarni temir-beton yoki metall bilan almashtirishga qaror qilingan hollarda qo‘llaniladi. Yog‘ochdan yasalgan ko‘priklarda ba‘zan taxta o‘rniga yopishtirilgan yog‘och plitalar yoki temir-beton plitalar ishlatiladi, ular asosiy bolkalar bilan birgalikda ishlaydi. Yog‘ochdan yasalgan taxta yuzasi ochiq qoldirilgan va yog‘och plitalar yoki temir-beton plitalar gidroizolyatsiya va asfaltbeton qatlami bilan qoplangan.

Piyodalar ko‘priklarining eng keng tarqalgan turlaridan yana biri temir va betondan yasalgan piyodalar ko‘priklari bo‘lib, ular ham eng chidamli va uzoq yillar davomida xizmat qilish qobiliyatiga ega hisoblanadi.

Ko‘pgina hollarda, piyodalar uchun mo‘ljallangan ko‘priklar plitalar tuzilishiga ega bo‘ladi. Bundan tashqari, ko‘prikning kengligi va oraliqni oraliq tayanchlar bilan bog‘lash usuliga qarab, qo‘llab-quvvatlanadigan struktura ko‘ndalang yo‘nalishda doimiy va o‘zgaruvchan qalinlikda bo‘lishi mumkin.

**Vantli ko‘prik elementlari: 1-bikrlik to‘sini; 2-vanta; 3-pilon; 4-chetki vanta.**





### Osma ko'prik sxemasi.

Plitalar oralig'ining qalinligini o'zgartirish bosqichma-bosqich yoki muammosiz amalga oshiriladi.

Qovurg'ali tasavvurlar o'tish kengligi  $b$  bilan taqqoslaganda, span tuzilishi nisbatan katta bo'shliqlarga ega bo'lgan hollarda qo'llaniladi.  $B = (2 - 2,5)$  m uchun, T-kesimlari yoki I-kesimlari ko'prikning o'qi bo'ylab joylashgan bitta asosiy nur bilan aniqlanishi mumkin. Piyodalar harakati asosiy nurning yuqori kamarining haddan tashqari burilishlari bo'ylab sodir bo'ladi. Asosiy nurning pastki kengaytirilishi oldindan o'rnatilgan mustahkamlikni joylashtirish uchun xizmat qiladi.  $L > 2,5$  m kengligida ular ikki qovurg'ali kesishishga o'tishadi va qovurg'alar orasidagi masofani  $= 1,5 - L$  2,5 m qilib belgilaydilar.

### Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Мосты и тоннели на железных дорогах: Учебник для вузов / Под ред. В.О.Осипова.- М.: Транспорт, 1988.-367 с.

2. Содержание и реконструкция мостов / Под ред. В.О.Осипова: Учебник для вузов ж.д.транспорта.- М.: Транспорт, 1986.- 327 с.

## MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHDA DIDAKTIK O'YINLARNING TARBIYAVIY AHAMIYATI

To'rayeva Baxtigul Djo'rayevna

Surxondaryo viloyati Termiz sh 29-sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti direktori

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada maktabgacha yoshdagi bolalar tafakkurini rivojlantirishda didaktik o'yinlardan foydalanishning nazariy asoslari, tafakkur muammosi va uning yosh davrlarida rivojlanishi, maktabgacha yoshdagi bolalar tafakkurini rivojlantirishda didaktik o'yin-mashg'ulotlarning o'rni yoritilgan.

**Kalit so'zlar:** Maktabgacha ta'lim, didaktik o'yinlar, mashg'ulot, tafakkur, bola shaxsi

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning "2017-2021-yillarda maktabgacha ta'lim tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qaroriga binoan 2200 ta maktabgacha ta'lim muassasasining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash, jumladan qishloq aholi punktlarida yangi maktabgacha ta'lim muassasalarini qurish, ularni zamonaviy talablarga javob beradigan inventar, uskunalar, o'quv-metodik qo'llanmalar, multimedia resurslari bilan ta'minlash ko'zda tutilgan. Ushbu tadbirlarni amalga oshirish uchun jami **2.2 trillion** so'm mablag' ajratilishi, bolalarni maktabga tayyorlashning muqobil shakli bo'lgan **6100 ta** qisqa muddatli guruhni tashkil etishga, **3-6 yoshdagi** maktabgacha ta'lim muassasalariga qamrab olinmagan bolalarni ularning ota-onalarini metodik qo'llanmalar bilan ta'minlash orqali maktab ta'limiga tayyorlashni tashkil etishga, maktabgacha ta'lim muassasalari tarmog'ini **50 ta** yangi qurilish hamda mavjud muassasalarning **1167** tasini rekonstruksiya qilish va **983** tasini mukammal ta'mirlash orqali kengaytirishga, qishloq joylardagi maktabgacha ta'lim muassasalarida ota-onalar badal to'lovini **30 foizgacha** kamaytirishga, bolalarning maktabgacha ta'limga qamrovini **1,5 barobar oshirish** ko'zda tutildi va amaliy ishlar amalga oshirildi.

Maktabgacha ta'lim yoshdagi bolalarni sog'lom va barkamol qilib tarbiyalashda jismoniy jihatdan tarbiyalash muhim ahamiyatga egadir. Bolalarni jismoniy jihatdan tarbiyalash ta'lim tarbiya tizimida alohida o'ringa ega bo'lib, u bolani sihat-salomatlikka, to'g'ri jismoniy rivojlanishiga, yuksak madaniyatga maktabgacha ta'lim tizimida beriladigan bilimlarni chuqur o'zlashtirishga zamin tayyorlaydi.

Mamlakatimizda olib borilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi o'sib kelayotgan kelajak vorislarini aqlli, ziyrak, har jixatdan barkamol shaxs sifatida voyaga yetkazishdan iboratdir. Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida har bir mashg'ulotni yangi davr bolalarining aqliy tafakkuri dunyosini boyitish orqali tashkil qilish talab qilinadi. Maktabgacha ta'limda olingan bilim, shakllangan ilk dunyoqarash, hosil qilingan ko'nikma va malakalar inson hayotining keyingi davri uchun asosiy mezon vazifasini o'taydi.

Axborotlar oqimi, texnikaning inson hayotidagi o'rnini shiddat bilan rivojlanib borayotgan texnika asri bolalarining ilmiy tushuncha va tafakkur qobiliyatlarini rivojlantirish har kungidan ham muhim ahamiyat kasb etish bejiz emas.

Didaktik o'yinlar bola shaxsining tarkib topishida muhim, samarali qurol vazifasini o'taydi. Chunki hamma davrda ham, hamma millat va mamlakatdagi bolalar ham o'yinni o'zlarining eng asosiy faoliyati deb bilishadi. Bola dunyoni o'yin orqali bilishga intiladi, undagi nutq, tafakkur, axloqiy sifatlar, dunyoqarash o'yin faoliyatida shakllanadi, rivojlanadi.

Buning ilmiy-nazariy, hamda amaliy ahamiyatini to'g'ri tushunadigan har bir tarbiyachi o'z mashg'ulotlarida didaktik o'yinlardan bolaning bilish qobiliyatini shakllantirishning eng samarali vositasi sifatida foydalanadilar. Albatta, e'tirof etish joizki, ta'lim vositasi sifatida didaktik o'yinlardan foydalanish hamisha o'rganishga tadqiq etilishga, amaliyotda sinab ko'rilishga ehtiyoj paydo qilgan.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni o'qitish va tarbiyalash o'ziga xos xususiyatga ega. Bu xususiyat ularning fiziologik va psixologik alomatlariga ko'ra ta'limni yangicha tashkil qilinishi, uning o'yin asosiga qurilganligi, ta'lim bilan o'yinning uyg'unlikda, o'zaro muntazamlikda olib borilishi bilan ifodalanadi.

O'yin bola hayotining uzviy qismidir. O'yin orqali bola bilim va ma'lumot oladi. Atrofdagi muhit bilan, tabiat xodisalari, manzaralari, buyumlar, qush va hayvonlar, o'simliklar dunyosi bilan tanishadi. Inson faoliyati, mehnati, turmushidan boxabar bo'ladi. O'yin jarayonida bola faqat tashqi muhit xodisalari bilan tanishib, uni his etib qolmasdan, balki, bu voqea-xodisalarga nisbatan o'z munosabatini bildiradi. Uning yaxshi va yomonligini, ma'qul va noma'qulligini, yoqimli yoki yoqimsizligini farq qilishiga o'rganib boradi. Bola faoliyatida uning mehnati-o'qish va o'rganishni o'yin bilan shu qadar birikib ketadiki, ba'zan ular orasidagi tafovutni sezish qiyin bo'ladi.

Didaktik o'yinlar maktabgacha yoshdagi bolalar nutqini o'stirishga, atrof-muhit, tabiat bilan tanishtirishga yordam beradi, shuningdek narsalarning nomi, uning qayerda ishlatilishi bilan tanishtirishda ham qulaylik tug'diradi. Shuning uchun ham didaktik o'yinlar turli mavzu va mazmunda tashkil qilinadi.

Didaktik o'yinlar orqali bolalar narsalar haqida alohida aniq va umumlashgan tushunchalar hosil qiladilar. Bu xildagi o'yinlarga "Magazin", "Dugonalar uchrashdi", "Qo'g'irchoqni kiyintiramiz", "Nima qayerda o'sadi?", Savzavotlar, mevalar, daraxtlar to'g'risida o'tkazish mumkin, "Kimga nima kerak?", "Bu nima uchun kerak?", "Garaj", "Butun va bo'laklar" misol bo'la oladi.

Ta'lim jarayonida didaktik o'yinlardan ta'lim vositasi sifatida foydalanish doimiy dolzarb muammo sifatida, amaliyotga tadbiiq etilgan.

Didaktik o'yinlarni muhim belgisi undagi qoidalarning mavjudligidir. O'yinda o'yin hay'ati, o'yin qoidalari, o'yin harakatlari o'rtasida uzviy aloqa mavjud. O'yin hay'ati harakatlarning tabiatini belgilaydi. O'yin qoidasi esa, o'yin harakatlarini, vazifasini xal etishga va o'yindagi harakatlarni amalga oshirishga yordam beradi. Didaktik o'yinlar orqali bolalarga yangi bilimlar, tushunchalar berib boriladi. Bu o'yinlarda bolalarning har tomonlama rivojlanishi, bilim jarayoni, sensor madaniyati,

nutq madaniyati, aqliy qobiliyatlari takomillashadi. O`yin qoidasiga rioya qilish unga amal qilish o`yin mazmunini boyitadi.

Didaktik o`yinlar ijodiy shaxsni tarbiyalashga yordam beradi, chunki har bir o`yin, uning har bir takrorlanishi topshiriqni bajarishga yangicha munosabatda bo`lishni talab qiladi. Uni xal qilish zarurati esa ijodiy izlanishlarni keltirib chiqaradi. Didaktik o`yinlarda tirishqoqlik, matonatlilik, boshlangan ishni oxirigacha yetkaza bilish singari eng kerakli irodaviy sifatlar tarbiyalanadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar

1. Bikbaeva N.U., Qosimova X.N., Ibragimova Z.. Maktabgacha yoshdagi bolalarda matematik tasavvurlarni shakllantirish. «O`qituvchi»T., 1995
2. Bikbaeva N.U., Qosimova X.N., “Elementlar matematik tasavvurlarni shakllantirish metodikasi”. O`quv qo`llanma. “Ilm – Ziyo” Toshkent 2005 y.
3. Ibragimov X. Pedagogika T; «Fan va texnologiya» 2008 y.
4. Loginova V.I., P.G.Samorukovalar tahriri ostida «Maktabgacha tarbiya pedagogikasi» . «Tarbiyachi» T., 1991 y.
5. Nishonova Z.T. Bolalar psixologiyasi va uni o`qitish metodikasi.T.,2008
6. Nishonova Z.T. «Bolalar psixologiyasi» o`quv qo`llanma. – T., 2006 y.
7. Nizomova K.Olti yoshli bolalarni maktabga psixologik tayyorligi va ularning maktabga moslashish jarayonini o`rganish, T., Ilm-ziyo nashriyoti, 2007
8. Norbosheva M. Bolalar Psixologiyasi. T., 2002 yil
9. Rasulova M., Abdullaeva Q., Safarova L. Bolalarni rivojlantirish va maktabga tayyorlash tayanch dasturi – t.: 1999 yil 16 bet.
10. Roziqov O va boshqalar. Didaktika T; O`zbekiston «Fan» nashriyoti, 1997
11. Xasanboeva O.U va boshqalar.«Maktabgacha ta'lim pedagogika».T., 2006.
12. Hasanboyev J., Hasanboyeva O.,To`raqulov X.A, Haydarov M.. Pedagogika fanidan izohli lug`at. T-2008 yil.
13. Yusupova P. Maktabgacha pedagogika T., 2007
14. <http://www.ziyonet.uz/>
15. <http://www.istedod.uz/>
16. <http://www.pedagog.uz/>
17. <http://www.google.uz/>





## SURXONDARYO VILOYATINING MODDIY VA MADANIY YODGORLIKLARINI SAQLASH HAMDA TARG'IB QILISHDA MUZEYLARNING AHAMIYATI

Tursunova Nasiba Muxiddinovna

Termiz davlat muzey qo'riqxonasi xalq xo'jaligi bo'lim mudiri

**Annotatsiya:** maqolada O'zbekistonning janubiy viloyati surxondaryoda joylashgan muzeylarning xalqimiz moddiy va manaviy yodgorliklarini saqlash, hamda targ'ib qilishdagi ahamiyati. Sayohlarni jalb qilish va o'z milliy boyliklarimizni dunyoga tanitish to'g'risida keltrib o'tilgan.


**Kalit so'zlar:** Noodatiy muzeylar, Interaktiv ko'rgazmalar, passiv-tafakkur shakllari, g'ayrioddiy me'moriy shakllar, Muzey ekskursovodlari, zurmala minorasi

Mamlakatimizda yaqin yillar ichida ko'plab sohaga katta e'tibor berilmoqda. Shu jumladan moddiy va madaniy yodgorliklarni saqlash maqsadida muzeylarni barpo etish va ularni qayta tiklash buyicha ko'plab qarorlar chiqarilmoqda. Moddiy va madaniy boyliklarning muzeylarda saqlanishi, sayyohlar orasida bizning davlatlar muzeylariga qiziqishini oshirmoqda. Sayyohlar orasida muzeylarga tashrif buyurishga bo'lgan qiziqishni tiklashning dolzarbligi tashqi ko'rinishini va ichki makonini o'zgartirishdir, bu esa mehmonni o'ziga jalb qiladi. Bugungi kunda muzey bozor raqobati sharoitida va muzey mahsuloti xizmat ko'rsatish iqtisodiyotida. Muzeyning mohiyatini va uning ijtimoiy maqsadini tushunishga yangicha yondashuv ishlab chiqilmoqda. Asosiy e'tibor muzey ob'ektiga uning xususiyatlari va funksiyalari bilan emas, balki muzey faoliyati bilan shug'ullanadigan shaxsga qaratiladi. Interaktiv ko'rgazmalarining yaratilishi muzey ma'lumotlarini qabul qilishning passiv-tafakkur shakllarini engishga va bolalar muzeyi kabi yo'nalishning paydo bo'lishiga yordam beradi, bu erda bolalar ertak qahramonlari bilan muloqot orqali bolalar [o'yin shakllari](#) atrofda dunyo bilan tanishish kabi tushunchalarga ega bo'lishlari kerak. So'nggi 10-15 yil ichida butun dunyoda muzey qurilishi sohasida haqiqiy "portlash" yuz berdi. Bugungi kunda ko'plab shaharlarda mavjud muzeylarni tubdan kengaytirish va qayta qurish bo'yicha loyihalar ko'rib chiqilmoqda, sayyohlarni jalb qilish uchun qadimdan ultramoderngacha bo'lgan san'atni saqlaydigan va namoyish etadigan yangi muzeylar yaratilmoqda. Muzeyning bunday noodatiy ko'rinishi shahar aholisi uchun chinakam zavq bag'ishladi va sayyohlarning katta e'tiborini tortdi. Ushbu badiiy loyihaning amalga oshishi shahar rivojlanishida yangi bosqichni boshlab berdi. Shunday qilib, biz zamonaviy degan xulosaga kelishimiz mumkin [me'moriy echimlar](#) muzey qurilishida sayyoramizning turli qismlaridan sayyohlarni jalb qilish, g'ayrioddiy me'moriy shakllar iste'molchilarda qiziqish uyg'otadi va ularni muzeyni haqiqatda ko'rishga undaydi. Muzeylarning tashkil etilishida ziyoratgohlarning ahamiyati ham katta. Chunki sayyohlarning aksariyat qismi ziyorat maqsadida respublikamizga tashrif buyurishadi. Ziyoratgoh oldida muzeylarning tashkil topishi esa ularning qiziqishini yanada ortishiga sabab bo'ladi. Bunga misol tariqasida Surxondaryo viloyatida joylashgan Al-Hakim at- Termiziy ziyoratgohi.

Asosiy maqbara tomon yurib borilganda dastlab Termiz va Termiziyalar merosi tarixi muzeyiga duch kelasiz.



Bunday muzeylarning tashkil topishi avlodlarimiz meroslarini asrab avaylash hamda ularni butun dunyoga tanitishimizga sabab bo'lmoqda. Umuman olganda ziyoratgoh har qanday sayyohning bir marta kelib ko'rish orzusiga aylangan. Surxondaryoda joylashgan Termiz arхеologiya muzeyi O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti I.A.Karimov tashabbusi va loyihasi bo'yicha Termiz shahrining 2500 yillik yubileyi munosabati bilan viloyat hokimining 2001 yil 26 noyabrdagi 218-sonli qarori asosida tashkil etilgan. Muzeining rasman ochilgan kuni 2002 yil 2 aprel.



Mamlakatimiz mustaqillikka erishishi iqtisodiy va siyosiy hayotning barcha jabhasida bo'lgani kabi madaniy sohada ham tub burilish yasayapti. Jumladan milliy an'ana hamda qadriyatlarimizni tiklash, boy merosimizni chuqur o'rganish, uning mazmun mohiyati va ahamiyatini xalqimiz ayniqsa yoshlar o'rtasida keng targ'ib etishga katta e'tibor qaratila boshladi. Termiz arхеologiya muzeyiga har yili o'rtacha 80 mingga yaqin mahalliy tomoshabinlar va xorijlik sayyohlar tashrif buyurishadi. Muzei ekskursovodlari va ilmiy xodimlari tashrif buyurgan tomoshabinlarga o'zbek, rus, ingliz va tojik tillarida qiziqarli va mazmunli ekskursiyalar o'tishadi.



O'lkashunoslik manbalari orasida haqiqiy ilmiy va madaniy-ma'rifiy muassasaga aylanib qolgan muzeyning o'rni va ahamiyati kattadir. U moddiy va madaniy madaniyat yodigorliklarining asil nusxalari, arxeologiya, etnografiya, tomonimikaga oid materiallar to'playdi, saqlaydi va ilmiy asosda o'rganib taxlil qiladi, natijalarini esa ekpozitsiya sifatida ommalashtradi. Yig'ilgan muzeyda saqlanayotgan barcha materiallar muzeyning ilmiy bazasini tashkil etadi va uning ijodiy faoliyatida asos bo'lib xizmat qiladi. Mana shu manbalar asosida muzeylar ilmiy tadqiqot va ilmiy hamda madaniy-ma'rifiy ta'lim tarbiya ishlari olib boriladi. Surxondaryo viloyati tarixi va madaniyati davlat muzeyining 1,3 gektar yer maydoniga ega yangi binosi uchun 19,5 mlrd. so'm mablag' ajratilgan bo'lib, shundan 15,0 milliard so'm qurilish-ta'mirlash ishlariga, 4,5 milliard so'm esa eksponatlar bilan jihozlash ishlariga sarflandi. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 30-maydagi 443-son qarori bilan muzey negizida "Termiz" davlat muzeyi –qo'riqxonasi tashkil etilib, Termiz tumanidagi "Zurmala minorasi" va "Eski Termiz", Sherobod tumanidagi "Zarautsoy", Jarqo'rg'on tumanidagi "Jarqo'rg'on minorasi", Sho'rchi tumanidagi "Dalvarzintepa", Muzrabot tumanidagi "Kampirtepa" madaniy meros obyektlari uning tasarrufiga o'tkazilgan. Umuman, muzeylarning ochilishi va uning faoliyati o'lkaning madaniy hayotida muhim voqiya bo'ladi.

Ushbu maqola moddiy va madaniy yodigorliklarini saqlash hamda targ'ib qilishda muzeylarning ahamiyati yo'nalishda yozildi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Gless YU. I, Landa L. M. «Muzey O'zbekistana» Toshkent. 1961 g.
2. Juraev N. «Agar ogoxen» Toshkent «YOZuvchi» 1908 yil.
3. Library.ziyonet.uz
4. fayllar.org
5. valenteshop.ru

## MICROBIAL BIOTECHNOLOGY FORMATION AND STATUS

Rajabova Ozoda Rasulovna  
Hakimova Shohida Jo'rayevna  
Academic Lyceum of Navoi State Pedagogical Institute

**Abstract:** Biotechnology is an industrial method of obtaining valuable products using biological systems, living organisms and living cells. Micro-organisms, plants, animals or their enzyme systems, as well as cell cultures can be used as such "means of production".

Biotechnology based on the activity of microorganisms is microbial biotechnology. This is the oldest, most widespread, and relatively more deeply studied area of biological technology.

**Keywords:** scientific community, natural strains of microorganisms, agricultural biotechnology

The term "biotechnology" was first proposed by the Hungarian engineer Karl Eriki in 1917 in connection with his study of the process of large-scale pig rearing. According to him, biotechnology is "all types of work in which certain products are produced from raw materials with the help of living organisms." However, this term was not supported at the time.

It is believed that the term "biotechnology" officially entered science and practice only at the end of 1961, when the Swedish microbiologist Karl Gern Haden proposed to change the name of the scientific journal "Journal of Microbiological and Biochemical Engineering and Technology" to "Biotechnology and Bio-engineering". This proposal was accepted by the scientific community and was actively used in the scientific literature and in practice. Before that, the science of the most important microbiological processes associated with the production of valuable products in an industrial way was called technical or industrial microbiology.

It should be noted that the interest in the search for new antibiotics has not decreased so far. A number of scientists estimate that between 100 and 200 new compounds are discovered each year. The isolation of microorganisms-producers of new highly active antibiotic substances and their large-scale industrial production contributed to the creation of a special industry-the production of antibiotics.

Currently, the latest achievements of engineering, technological and biological thought are used in the industrial production of antibiotics produced by microorganisms.

The industrial production of biologically active products formed by microorganisms has set scientists the task of obtaining highly productive strains of producers from low-active natural strains of microorganisms.

To solve this problem, methods of induced mutagenesis and step selection were developed and successfully used in practice, which made it possible to increase the yield of the desired compound by 2-3 orders of magnitude.

Technologies and methods developed in the industrial production of antibiotics have been successfully used for the production of other valuable products formed by microorganisms, or obtained with their participation. These compounds include: various enzymes, vitamins, amino acids, polysaccharides, inhibitors of the most important biochemical processes, and other useful compounds. These technologies have become actively used in the transformation of steroids, antibiotics and other substances already isolated and used in medicine, as well as in the production of feed protein, interferon's, human growth hormones, vaccines and other valuable drugs.

Strains of microorganisms obtained by genetic and cellular engineering methods have been successfully developed and introduced into production.

The use of genetic and cellular engineering methods has made it possible to create highly productive recombinant strains of microorganisms that can carry out the biosynthesis of new compounds with a different chemical structure and, consequently, with other properties that natural waste products do not possess.

The field of activity of biotechnology includes a wide range of scientific areas and practical developments. Currently, the main sections of this area of science and practice have been defined: microbial, molecular, cellular, medical, and agricultural biotechnology.

The leading place here is, of course, microbial biotechnology, where natural or more often mutant strains of microorganisms are used as producers of the most important substances synthesized in the course of life or obtained in the process of biological modification. Along with these strains of microorganisms, recombinant organisms obtained by genetic engineering methods as a result of the transfer of the corresponding genes from one organism to another are used. Molecular biotechnology deals with these procedures.

The field of activity of cell biotechnology includes cell engineering, which makes it possible to obtain new highly productive strains of microorganisms as a result of the use of the method of fusion of protoplasts, cell culture or otherwise. These three areas of biotechnology (microbial, molecular, and cellular) are closely interrelated.

Independent areas of modern biotechnology should be called medical and agricultural biotechnology, which are used both as general biotechnological methods, and as their own special research methods and specific approaches to solving practical problems.

#### **Literatures:**

1. Kuzmina N. A. Biotechnology. [Electronic resource].
2. Tuzikov A. R. Ideology of innovative development: the struggle for meanings // Russian regions: innovative development and modernization of the social development system: monograph. - Kazan: KSTU Publishing House, 2011. - p. 13.
3. Vorzhetsov A. G. Development of the petrochemical complex as a priority direction of economic modernization in Russia. *technol. un-ta.* - 2011. - Vol. 14, No. 24. - p. 104.

## ПРИМЕНЕНИЯ ТРИГЕНЕРАЦИИ И РАЗДЕЛЬНОГО ПРОИЗВОДСТВА ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ ПРОДУКТОВ ДЛЯ ОХЛАЖДЕНИЯ


Усмонов Шукурулло Юлбарсович  
Солиев Бобоназар Гуломжон ўғли  
Ферганского политехнического института

**Аннотация:** в этой статье рассматривается использование энергии, теряемой на тепловых электростанциях.

**Ключевые слова:** Тригенерация, охлаждения, абсорбционные холодильные установки, компрессорные холодильные установки.

Тригенерация - преобразование топлива одновременно в три полезных энергетических продукта: электроэнергию, тепло (горячую воду или пар) и холод (охлажденную воду). По сути тригенерационная система представляет собой когенерационную систему, в которой часть тепла используется для охлаждения воды при помощи абсорбционной холодильной системы. Одноступенчатые абсорбционные холодильные установки на бромиде лития могут использовать в качестве источника энергии горячую воду с низкой температурой (вплоть до  $90^{\circ}\text{C}$ ), тогда как двухступенчатым абсорбционным системам на бромиде лития необходимо тепло при температуре около  $170^{\circ}\text{C}$ . Это означает, что источником энергии для них, как правило, служит пар. Одноступенчатая абсорбционная система на бромиде лития способна охлаждать воду до температуры  $6-8^{\circ}\text{C}$  и имеет коэффициент преобразования около 0,7, тогда как коэффициент преобразования двухступенчатой системы составляет около 1,2. Это означает, что такие системы обеспечивают мощность охлаждения, равную 0,7–1,2 мощности, получаемой от источника тепла. В случае тригенерационной системы на двигателе внутреннего сгорания могут использоваться как одноступенчатые, так и двухступенчатые системы. Однако, поскольку двигатель производит отходящее тепло в форме тепловой энергии выхлопных газов и охлаждающей воды, одноступенчатая система является более предпочтительной, поскольку она позволяет утилизировать больше тепла, использовав его в абсорбционной холодильной установке





Сравниваются два подхода к производству охлажденной воды: при помощи компрессора с электроприводом и в рамках тригенерационной системы, при помощи абсорбционной холодильной системы с использованием бромида лития. Как показано на схеме, утилизируется как тепло выхлопных газов, так и тепло высокотемпературного контура системы охлаждения двигателя. Необходимая гибкость в системах тригенерации может быть достигнута за счет резервных (пиковых) мощностей – компрессорных холодильных установок и работающих за счет непосредственного сжигания топлива резервных водогрейных котлов.

Основным преимуществом тригенерационной системы является производство того же количества энергоресурсов за счет значительно меньшего количества топлива, чем в случае раздельного производства электроэнергии и тепла.

Гибкость системы тригенерации, которая способна использовать утилизируемую энергию для теплоснабжения во время холодного сезона (зимой) и холодоснабжения во время теплого сезона (летом) позволяет увеличить продолжительность времени, в течение которого система может работать с максимальной эффективностью, что отвечает как интересам собственника, так и соображениям охраны окружающей среды.

Основные преимущества тригенерационных установок являются:

- экономичность (для выработки холода используются излишки тепла);
- минимальный износ (простая конструкция АБХМ);
- (вода используется в качестве хладагента);
- малозумность;
- экологичность высокий КИТ.

### Литературы

1. Способ комбинированного производства электроэнергии, тепла и холода А.И. Баженов, Е.В. Михеева, Ю.М. Хлебалин
2. Тригенерационная установка на базе микротурбинного двигателя Е.В. Фирсова, Ю.В. Соколов, А.В. Садчиков, С.В. Горячев
3. Техническая термодинамика. В.А. Кириллин, В.В. Сычев, А.Е. Шейндлин
4. <https://www.c-o-k.ru/articles/trigeneraciya-ot-bosch>
5. Умурзакова М. Аббосов Ё. "Исциклик энергетик курилмалар"

**O'QUVCHI SHAXSIGA YO'NALTIRILGAN TA'LIM TEXNOLOGIYALARI**

Mangitbayeva Zayfun Uzakbayevna

Qoraqalpog'iston Respublikasi Xalq ta'limi xodimlarini qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish hududiy markazi "Maktabgacha, boshlang'ich va maxsus ta'lim metodikalari" kafedrasida o'qituvchisi

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada o'quvchi shaxsiga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari haqida, ta'lim tizimida innovatsion ta'lim texnologiyalarining qo'llanilish holati, ta'lim tizimida pedagoglarga uzluksiz xizmat ko'rsatish haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so'zlar** ta'lim, texnologiya, shaxsiga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyalari, uzluksiz ta'lim

Jamiyatning har tomonlama ravnaq topishi, taraqqiy etishi ta'limning rivojlanishiga va mazmunan takomillashib borishiga bog'liq. Bugungi kunda ta'lim sifat samaradorligini oshirish eng dolzarb masalalardan biri bo'lib hisoblanmoqda.

Ta'limning globallashuvi, innovatsion texnologiyalarning joriy etilayotgani, ayni paytda keng ko'lamli axborotlar oqimi ta'lim mazmunini muntazam yangilab, takomillashtirib borishni taqozo etadi.

Ta'lim sohasidagi davlat siyosatini ro'yobga chiqarish, kadrlar tayyorlashda yagona davlat talablari asosida o'quv tarbiya jarayonini takomillashtirish, o'quv adabiyotlari bilan ta'minlash, pedagoglarga uzluksiz metodik xizmat ko'rsatish vazifasini amalga oshirish muhim vazifalardan biridir.

Bugungi tez o'zgaruvchan iqtisodiy, ijtimoiy va ma'naviy hayot o'quvchi yoshlar dunyoqarashini shakllantirish yangi pedagogik interfaol metodlardan keng foydalanishni taqozo qiladi. An'anaviy mashg'ulotlar olib borish asta sekin o'z o'rnini intensiv va interfaol metodlarga, noan'anaviy dars o'tish ishlariga bo'shatib bermoqda.

Bilim qanchalik mustahkam bo'lsa, o'quvchi dunyoqarashi, intellektual salohiyati shunchalik rivojlanadi va kamol topadi. Hozirgi kunda o'quvchilar uchun informatsion savodxonlik ta'lim samaradorligini oshirishning muhim sharti hisoblanadi. Uzluksiz ta'lim tizimining o'rta bo'g'ini bo'lgan umumiy o'rta ta'lim maktablari oldiga qo'yilgan davlat talablariga muvofiq, mazkur ta'lim muassasalari ta'lim tarbiya jarayonining samaradorligini oshirish, ilm fanning so'nggi yutuqlarini amaliyotga joriy etish orqali ijodkor, ijtimoiy faol, yuksak ma'naviyatli, kasb hunarli, Ona vatanga sadoqatli, milliy va umuminsoniy qadriyatlarni ardoqlaydigan, ijodiy va mustaqil fikr yurita oladigan, davlat, jamiyat va oila oldida o'z burchi va javobgarligini his etadigan barkamol shaxsni kamolga yetkazish, ularning ongi va qalbiga milliy istiqloq g'oyasini singdirish kabi muhim vazifalarni amalga oshirish nazarda tutiladi.

Ushbu vazifalarni muvaffaqiyatli hal etish ta'lim tarbiya jarayonida zamonaviy ta'lim texnologiyalaridan foydalanishni taqozo etadi. Ta'lim tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni qo'llash, avvalo, pedagogik munosabatlarni



insonparvarlashtirishni talab etadi. Chunki uni amalga oshirmay turib qo'llangan har qanday texnologiya kutilgan samarani bermaydi. Bu kundagi o'qituvchi tayyor elektron resurslar yordamida dars o'tish bilan chegaralanmasdan balki, ta'limiy resurslarni yaratish hamda uni amalda qo'llovchi o'qitishning zamonaviy texnologiyalar imkoniyatlaridan samarali foydalanishi fan va uning tarkibiga kiruvchi bilimlar mazmunini o'quvchilarga yetkazish malakasiga ega shaxs sifatida faoliyat olib borishi lozim.

Ta'lim tizimini modernizasiyalashda ta'limning barcha bo'g'inlarida tobora faol qo'llanilayotgan ilg'or pedagogik texnologiyalarning turli yo'nalishi o'quvchilarning ma'naviy kuchi, qobiliyatlarini ochish uchun maqbul sharoit yaratib bermoqda. Ta'lim tizimida yil sayin rivojlanib borayotgan axborot kommunikatsiya texnologiyalari, ta'lim jarayonini sifat va mazmun jihatdan yanada yuqori bosqichga ko'tarishga xizmat qilayotganligi barchamizga ma'lum. Ayniqsa, ta'lim jarayonini mazmunli tashkil etish uchun zamonaviy texnik vositalardan foydalanish maqsadga muvofiqdir. Jumladan, texnologiya, axborot kompyuter, multimedia, internet, masofali o'qitish, yagona axborot muhiti va shunga o'xshash axborot kommunikatsion texnologiyalarning zamonaviy vositalaridan foydalanish o'zining samarasini bermoqda. Shu o'rinda o'quvchilarning o'zlashtirish darajasini oshirish, berilayotgan bilimlarni tushunish darajasi, xotirada saqlash va uni qo'llash imkoniyatlarini tushunish darajasi, xotirada saqlash va uni qo'llash imkoniyatlarini yuksaltirish maqsadida interfaol elektron doskalardan foydalanish ta'lim samaradorligini oshirishda qo'l keladi. Bunda foydalanayotgan texnologiyalarni barcha imkoniyatlari mujassamlanadi.

Ta'lim tarbiya jarayonining doimiy ravishda optimallashtirib borishi dars berish jarayonida qo'llanilayotgan yangi va takomillashib borayotgan pedagogik texnologiyalarni turli yo'nalish va maqsadlarda qo'llanilayotganligiga bog'liq. Hozirgi kunda ishlab chiqarish texnologiyalari tezlik bilan rivojlanayotgan bir davrda ta'lim sohasi ham boshqa ishlab chiqarish muassasalari kabi ilmiy, asoslangan yangi pedagogik texnologiyalar informatsion ma'lumotlarni qo'llagan holda malakali mutaxassislar faoliyat yuritadigan raqobatbardosh, ilmiy, bilimli kishilarni Vatan ravnaqi uchun tayyorlab beradigan soha sifatida rivojlanib bormoqda.

Har bir pedagogik texnologiyaning asosiy maqsadi pirovard natijaga erishish yo'llarini bandma band aniqlash va unga so'zsiz erishishdan iborat.

Pedagogik texnologiyani har tomonlama puxta o'ylangan pedagogik loyihalashtirish ta'lim jarayonini tashkil qilish va albatta o'quvchi va pedagog uchun erkin, qulay shart sharoit orqali hamjihatlikda ishlab chiqilgan model desak bo'ladi. Ta'lim jarayonida shaxsga murojaat qilmaslikning iloji yo'q. Shaxs bu jarayonda qanday vazifani bajarishi kerak-maqsad vazifasini yoli unga erishish uchun vosita vazifasini?

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyasi bola shaxsini butun bir ta'lim tizimining markaziga qo'yadi va unga tabiatan berilgan o'z qobiliyatini ro'yobga chiqarishi uchun har tomonlama qulay, xavfsiz, erkin shart sharoit yaratadi. O'quvchi shaxsi bu texnologiyada nafaqat sub'yekt balki keng imkon berilgan sub'yekt bo'lib u ta'lim tizimidagi asosiy bo'lmagan maqsadlarga erishish vositasi emas, balki uning asosiy maqsadi hisoblanadi.

Pedagogik texnologiyaning yana bir muhim tarafi ta'lim jarayonidagi bolaning o'rni va unga kattalarning munosabatidir.

Pedagogik texnologiyaning loyihalashtirishda o'quvchi shaxsining individual hamda yosh xususiyatlari, uning tayyorgarlik darajasi hisobga olinishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Pedagogik texnologiyalarning asosiylaridan biri –bu shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyasidir. Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim bu tabiiy tizim hisoblanib, o'quvchining noyob shaxsiy rivojlanishi, uning o'ziga xos qobiliyatlarini va psixologik yo'nalishlarini hisobga olgan holda shakllantiriladi.

Shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyasi insoniylik falsafasi, psixologiyasi va pedagogikasining uyg'unligini namoyish etadi. Pedagogning diqqat markazida o'zining maksimal imkoniyatlarini ishga solib bilim olishga intilayotgan, yangi tajriba sinovlarni qabul qila oladigan va hayotning har xil holatlarida mustaqil, ongli va mas'uliyat bilan bilan qaror qabul qilishga qodir bo'lgan butun bir noyob bolaning shaxsi turmogi lozim. O'quvchiga ijtimoiy normalar asosida bilim beruvchi an'anaviy pedagogik texnologiyalardan farqli o'laroq shaxsga yo'naltirilgan ta'lim texnologiyasida yuqorida qayd qilingan yo'nalishlarni shaxs tomonidan zabt etilishi tarbiyaning asosiy maqsadi qilib qo'yiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. G'aybullaev N., Yodgorov R., Mamatqulova R. Pedagogika. Oliy o'quv yurtlari uchun qo'llanma.-T.: 2005.-176 b.
2. O'zbek pedagogikasi tarixi. Tuzuvchi muallif, prof. A. Zunnunov. - T.: O'qituvchi, 1997.- 512 b.
3. Hoshimov K., Nishonova S. Pedagogika tarixi. II- qism. T.: Alisher Navoi nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2005.-304 b.
4. Xoshimov K va boshqalar O'zbek pedagogikasi antologiyasi Toshkent o'qituvchi 1995 yili 137-bet
5. Yusuf Xos Hojib. Qutadg'u bilig (so'zboshi muallifi B.Tuhliev). — T.: Yulduzcha

## ЎЗБЕКИСТОНДА РЕКЛАМА ТАРИХИ

Бахадиров Жахонгирмирзо Абдумажитович  
Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети “Ғарбий тиллар” кафедраси  
ўқитувчиси

**Аннотация:** Айтилганидек, реклама тарихи жамият тарихи билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий ҳодисадир. Рекламанинг мақсади жамиятдаги муҳим ҳодиса ва жараённи тарғиб қилишга, айниқса, жамият иқтисодиётини ривожланишига, савдо-сотик ишларининг жадаллашувига хизмат қилиб келган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (МДА)да сақланётган ҳужжатлар шундан гувоҳлик берадики, мамлакатимизда ҳам реклама узок ўтмишга эга бўлиб, бизда ҳам реклама дастлаб оғзаки шаклда пайдо бўлган, кейинчалик унинг ёзма шакли вужудга келган.

**Калит сўзлар:** реклама тарихи, босмаҳоналар, журналлар, шартнома, савдо-сотик, ижтимоий ҳаёт.

XIX асрда ўлкамизда литографик кўринишли босмаҳоналар, фотография ательелари ҳамда доимий равишда чоп этилган газета ва журналлар ижтимоий рекламанинг шаклланишига ва кенг тарқалишига сабаб бўлган. Кузатишларимиз натижасида XIX асрга тегишли газета ва журналларда, фото ва кино архивларида бир қанча реклама намуналари сақланиб қолинганлигини гувоҳи бўлдик.

**XIX асрнинг охирига** келиб мамлакатимиз ҳудудига Россия капитали ҳамда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларининг жалб этилиши натижасида мусулмонлар ҳаётида европача маданият пайдо бўлди. Оқибатда тадбиркорликнинг етакчи омили бўлган реклама санъати юзага келди. Бу жараён рекламанинг янги турларининг шаклланишига ҳам асос бўлди. Натижада, реклама ижтимоий ҳаётнинг ажралмас бир қисмига айланди. Мамлакатда, ижтимоий, сиёсий ҳамда тижорат рекламаларининг ахамиятини ортиши жамият ўз-ўзидан рекламани янги бир авангард босқичига олиб чиқди.

**1917 йил** Октябрь инқилобидан сўнг рекламанинг таркиби ва вазифаси, аниқроғи, мақсади ўзгарди. Энди у давлат тасарруфи даражасида назорат қилинадиган бўлди. Энг ёмони, тадбиркорлар реклама эвазига ўз фаолиятларини кенгайтириш имкониятидан маҳрум бўлдилар, фақат ундан сиёсий мақсаддагина фойдаланишга имкон берилган. Ўша даврда чоп этилган газеталардаги рекламалар гўёки чақирик, даъват кўринишида бўлиб, оммани ўзига жалб этишга қаратилган оҳангда бўлган Жумладан: А.Виноградованинг “Хоразм Совет халқ Республикаси” газетасида чоп этилган мақоласида, “революционерлар олдинда бўлишлари керак, ҳамда Х.Саматовнинг “Хивада халқ революциясининг ғалабаси” номли мақоласида “коммунистлар ҳамма вақт халқ оммасининг олдида бўлиши керак!” каби чақирик кўринишидаги рекламалар газеталарда чоп этилган. Демак, ушбу рекламаларнинг газетада чоп этилганлигининг ўзиёқ ёзма кўринишдаги рекламаларнинг пайдо бўлганлигига гувоҳлик беради.

**1920 йиллардан** Туркистонда тижорат ва ижтимоий рекламаларнинг мазмун моҳияти тубдан ўзгарди. Юртда ижтимоий рекламаларга бўлган талаб ва эътибор ҳам кучайди. Рекламалар стандарт: композицион ва ранг ечимида ишланди, уларда, асосан, меҳнат аҳли образи тасвирланди. Реклама плакатлари эса коммунистик мафкура рамзи бўлган қизил-алвон рангда эди. Шаҳар муҳитига мос ташқи безак сифатидаги маҳсулотларнинг етишмаслиги, рақобатнинг мавжуд эмаслиги, ўз-ўзидан, ижтимоий ҳаёт фаолиятида рекламага бўлган зарурятни йўққа чиқарди.

**1936 йилдан** бошлаб мамлакатимизда қурилиш ишлари фаоллашди, ҳукумат томонидан бу саъйи-ҳаракатга катта баҳо берилди ва бу борада қатор Қарорлар ҳам қабул қилинди. Ўша даврда чоп этилган газета ва журналлар ҳам ушбу масалани ёритишга ўзининг муҳим ҳиссасини қўшди. Газета ва журналларда “Лойиҳасиз шартнома тузилмасин ва имзоланмасин!” деган реклама рукуни асосида мақолалар ҳам чоп этилганган эди.

**1940 йилга** келиб мамлакат ҳаётида коммунистик партия томонидан олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари муҳим ўрин тутган, партия ўз навбатида ижтимоий ҳаётда ҳал этилиши керак бўлган масалаларнинг ечимини топишга ҳаракат қилган, Ўшанда ҳал этилиши керак бўлган энг муҳим масалалардан бири-аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш ҳамда жамиятда уларга енгиллик яратишга қаратилганлигидир. 1940 йилда фаолиятда бўлган даврий рўзномалардан бири “Известия” газетасида чоп этилган мақоладан маълум бўлишича, завод ва фабрикада ишлаётган ишчиларнинг 40,7 фоизини аёллар ташкил этган, шундан: 16.000.000.таси ўзбек аёлллари бўлган. Ўша даврда “Аёлларга енгиллик яратиш керак” рукуни остидаги рекламалар ифодалаган мақолалар тез-тез чоп этилган.

Маълумки, **1953-1958** йилларда мамлакатимизда уруш оқибатида вайрон бўлган жойларни қайта тиклаш билан бирга, ҳукумат халқ хўжалигини ривожлантиришга бутун эътиборини қаратган. Бу ўша вақтда чоп этилган журналларда ва ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларда ўз тасдиғини топган. “Янги иқтисодий сиёсатга ўтамиз” деган реклама рукуни остидаги шиор давр матбуотининг мақсадига айланиб бўлган эди.

**XX асрнинг 60-70 йилларида** айрим ҳудудларда махсус реклама ташкилотлари юзага кела бошлади. Ушбу ташкилотларга собиқ СССР савдосотиқ вазирлигининг “Союзторгреклама”, СССР Центросоюзи қошидаги “Главко-опторгреклама ” ташкилоти ва бошқа ишлаб чиқариш соҳасидаги тижорат-реклама ташкилотлари (бошқа вазирликлар қошидаги) кирган. Уларнинг асосий вазифаси бутун Совет иттифоқида реклама ишини ташкиллаштириш, назорат қилиш ва махсус ярмаркалар ўтказишни амалга оширишдан иборат эди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган маълумотларнинг барчаси реклама жанри тарихда қандай кўринишларда мавжуд бўлганлиги, юртимизнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётида тутган ўрни, унинг жамият ҳаётида ҳам ғоявий, ҳам эстетик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этганлигини яна бир бор исботлайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. «Жизнь национальностей» 1923, Газета и №1. История советского государства и права Узбекистана Том 1 ( 1917-1924гг.) Издательство Академии Наук Узбекской ССР Ташкент- 1960.
2. Вопросы истории КПСС, 1957, №3 История советского государства и права Узбекистана Том 1 ( 1917-1924гг.) Издательство Академии Наук Узбекской ССР Ташкент- 1960.
3. История советского государства и права Узбекистана Т.3. Издательство «ФАН» Узбекской ССР Ташкент-1966. 58-59 стр.
4. Журнал «Арбитраж» 1940, №8, Журнал, «Финансовый и хозяйственный бюллетень, 1939, №27/28, стр 15.» История советского государства и права Узбекистана. Том-3. Издательство «ФАН» Узбекской ССР Ташкент-1966. 58-59 стр.
5. «Правда» 8 марта 1940г.
6. «Народное хозяйство Узбекской ССР» 1958г. Ташкент, «Правда Востока» 17 апреля 1956., 18 января., Народное хозяйство Узбекской ССР в 1958г. Стр.84., «Правда Востока» 30 мая 1958г., Коммунист, 1964, №8, стр.48, История советского государства и права Узбекистана Том-3. Издательство «ФАН» Узбекской ССР.

## ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШ БОСҚИЧИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ШАКЛЛАРИ

Ботаев Мурод Джуманшикович  
Назарова Лайло Гелдимуратовна  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Аннотация:** Мазкур мақолада жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасининг янги шаклларида бири бўлган тергов ва тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари, механизми ва зарурати таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, жиноятчилик, халқаро шартнома, тезкор-тергов гуруҳи, халқаро тергов гуруҳи.

Дунёда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари жадаллашиб бораётган шароитларда халқаро ҳамжамиятнинг жиноятчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш халқаро муносабатларнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этиши шубҳасиз. Бу борада жаҳон цивилизацияси ва халқаро ҳамжамият манфаатларига тажоввуз қилувчи, халқаро-ҳуқуқий тартиб асосларига зарар етказувчи жиноятларга қарши кураш ҳамда уларнинг олдини олиш борасида халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш масаласи янада муҳим аҳамият касб этмоқда. БМТ ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг бугунги кундаги натижалари[1] ҳам ушбу масаланинг долзарблигидан далолат бермоқда.

Трансмиллий жиноятларнинг кўлами ва тузилиши мунтазам ўсиб бораётганлиги бир неча мамлакатларнинг саъй-ҳаракатлари билан халқаро характердаги жинойий ходисаларга қарши курашда сезиларли натижа бермаётганлигини кўрсатмоқда[2]. Трансмиллий жиноятларнинг миллий хавфсизликка таҳдид солиши, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт йўлида ғов бўлиши, ўз навбатида, унга жавобан тегишли чора-тадбирлар кўришни, даставвал, трансмиллий жиноятчиликка нисбатан халқаро даражада ҳамкорлик олиб боришни тақозо этади.

Шу билан бирга, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини жорий этиш бўйича халқаро ҳуқуқда етарлича тажриба тўпланган бўлса-да, уни тизимлаштириш, ягона норматив-ҳуқуқий база яратиш, жиноят илари бўйича турли шаклларда ҳуқуқий ҳамкорлик қилиш, минтақавий ва универсал халқаро ташкилотлар доирасида икки ва кўп томонлама техник ёрдам кўрсатиш, жиноят содир этиб яширинган шахсларни ушлаб бериш, суд ҳукмини ижро этиш учун ўз мамлакатига юбориш борасида ҳамкорлик етарли даражада, замонавий хавф-хатарларга мос равишда шакллантирилмаганлигини қайд этиш жоиз.

Мустақиллик йилларида республикамиз трансмиллий жиноятчиликка нисбатан одил судловни таъминлаш борасида 50 га яқин халқаро шартномалардан[3] келиб чиқадиган мажбуриятларни виждонан бажариб, ўз

миллий манфаатларига асосланиб давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик олиб бормоқда.

Бу йўналишда мамлакатимизни жадал ривожланишига қаратилган, мазмун-моҳияти БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳамоҳанг бўлган Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг шаффофлиги ҳамда самарадорлигини ошириш, халқаро стандартлардан келиб чиқиб, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этган ҳолда, жинойт ва жинойт-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш, халқаро ҳуқуқнинг жинойт ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг янги институтларини таҳлил қилиш, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган ҳуқуқий норма ва механизмларни Ўзбекистон қонунчилигига татбиқ этиш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг жинойт, жинойт-процессуал қонунчилигида ва миллий-ҳуқуқий тизимига имплементация қилиш асосларини ва механизминини илмий-тадқиқ этишга қаратилган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида Ўзбекистон Республикасининг жинойтчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалар асосида келиб тушган сўровлар тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиши ҳақида қоида мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли қарори эълон қилинган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари ҳузурида прокуратура, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлиги хизматининг тажрибали ходимларидан иборат доимий фаолият юритувчи идоралараро тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш мумкинлиги тўғрисида қоида мустаҳкамланган[3].

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг ЖПКсида ҳам дастлабки терговни терговчилар гуруҳига топшириш масаласи тартибга солинган. Унга кўра жинойт иши кўп меҳнат талаб этса, жуда мураккаб ёки ўта долзарб бўлса, прокурор ёки тергов бўлинмасининг бошлиғи шу иш бўйича дастлабки тергов юритишни доимий ёки махсус тузилган тергов гуруҳига топшириши мумкин.

Лекин мазкур ҳужжатларда халқаро ҳамкорлик доирасида тезкор-тергов гуруҳларини тузиш ва уларни ўтказиш хусусида нормалар мавжуд эмас.

Фикримизча, халқаро ҳамкорлик доирасида тезкор-тергов гуруҳларини тузиш ва уларни ўтказиш хусусидаги БМТнинг Трансмиллий жинойтчиликка қарши ва Коррупцияга қарши конвенциялари, ШХТнинг Терроризмга қарши конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинмаган МДХнинг Кишинев конвенцияси ва МДХ аъзо давлатлари ҳудудида

ўзаро тезкор-тергов гуруҳларини тузиш тартиби ва фаолияти тўғрисидаги битимларда назарда тутилган нормаларни амалдаги ЖПКга “Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда тергов, тезкор-тергов гуруҳларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти” номли 354<sup>1</sup>-моддани қўшимча киритиш орқали тадбиқ этиш лозим деб ўйлаймиз.

Мамлакатимиз қонунчилигига бу каби ўзгартириш ва қўшимча киритилиши орқали трансчегаравий хусусиятга эга бўлган жиноят учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш, даллиларни тўплаш ва топиш, тезкор ахборот алмашилиши ва бунга давлатларнинг ваколатли органлари биргаликда ҳаракат қилиши ҳамда давлатларнинг суверенитети ва хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш каби масалалар ечимини топишда давлатлараро халқаро ҳамкорликнинг энг самарали механизмларидан бири эканлигини таъкидлашимиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Резолюция 2320 (2016) Совета Безопасности // Сотрудничество между Организацией Объединенных Наций и региональными и субрегиональными организациями в поддержании международного мира и безопасности от 18 ноября 2016 года.
2. Биргина одам савдоси жиноятларининг сони сўнги беш йилда (2014-2019) аввалгига нисбатан 2 баравар ошди / Халқаро меҳнат ташкилотининг 2019 йилдаги ҳисоботи // [www.ilo.org](http://www.ilo.org).
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)




## TRIGONOMETRIK TENGSIZLIKLARNI BIRLIK AYLANA YORDAMIDA YECHISH

Boboyeva Gulhayo Jabbor qizi  
Buxoro davlat universiteti 2-bosqich talabasi

**Annotatsiya:** Bu tezisda trigonometric tengsizliklarni birlik aylana yordamida yechish o'rganilgan va misollar keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** dekart koordinatalar sistemasini, burchak sinusi, burchak kosinusi, qiymatlar sohasi, aniqlanish sohasi, birlik aylana.

Trigonometrik tengsizliklarni yechishda birlik aylanadan foydalanish qulay usulardan biri. Tekislikda dekart koordinatalar sistemasini olib, unga markazini koordinata boshida bo'lgan va radiusi birga teng birlik aylana tasvirlab olinadi. Bunda abscissa o'qi ya'ni  $OX$  o'qi  $\cos(x)$  ning qiymatlarini,  $OY$  (ordinata) o'qi esa  $\sin(x)$  ning qiymatlarini ifodalaydi (1-rasm).



1-rasm

**1-Ta'rif:**  $\alpha$  burchakning sinusi deb,  $P(1;0)$  nuqtani koordinatalar boshi atrofida  $\alpha$  burchakka burish natijasida hosil bo'lgan nuqtaning ordinatasiga aytiladi.

1. Qiymatlar sohasi  $-1 \leq \sin \alpha \leq 1$ ;
2.  $\arcsin(a) = \alpha$ ;  $\alpha$  ning qiymatlar sohasi  $-\frac{\pi}{2} \leq \alpha \leq \frac{\pi}{2}$ ;
3.  $\sin(x)$  ning ishoralari **I** va **II** choraklarda musbat, **III** va **IV** choraklarda manfiy qiymat qabul qiladi (2-rasm).
4.  $\sin(x)$  ning davri  $2\pi$  ga teng bo'lganda qiymat qaytariladi.


1-misol.  **$\sin\left(\alpha + \frac{\pi}{4}\right) \leq \frac{1}{2}$  tengsizlikni yeching.**

Bu tengsizlikni bajarish uchun avval belgilash kiritish kerak,  $x = \alpha + \frac{\pi}{4}$  deb belgilab olinadi, endi

$$\sin x \leq \frac{1}{2}$$

Tengsizlikni bajarish kifoya, keyin argument o'rniga qiymatini qo'yamiz.

Birlik aylanada  **$\sin x = \frac{1}{2}$**  bo'lgan nuqta n=ikkita:  $M$  va  $M_1$  nuqtalar(7-rasm).



2-rasm.

Bu tengsizlikning yechimi birlik aylananing nuqtalari ordinatasi  $\frac{1}{2}$  dan kichik qiymatlarni qabul qiladi, bunda  $MM_1$  to'g'ri chiziqdan pastda joylashgan yoyni olamiz.  $M$  nuqtani hosil qilish uchun  $P(1;0)$  nuqtani  $\frac{\pi}{6}$  burchakka burish orqali hosil bo'ladi, hamda  $\frac{\pi}{6}+2\pi n$  ( $n=\pm 1;\pm 2;\dots$ ) burchak orqali ham hosil qilish mumkin.

$M_1$  nuqta esa  $P(1;0)$  nuqtani  $-\frac{7\pi}{6}$  burchakka burish orqali hosil bo'ladi, hamda  $-\frac{7\pi}{6}+2\pi n$  ( $n=\pm 1;\pm 2;\dots$ ) burchak orqali ham hosil qilish mumkin.

$x$  burchak uchun:  $-\frac{7\pi}{6} \leq \alpha \leq \frac{\pi}{6}$  oraliq tengsizlik yechimi bo'ladi, endi  $\alpha$  uchun qaraymiz:

$x = \alpha + \frac{\pi}{4}$ ;  $-\frac{7\pi}{6} \leq \alpha + \frac{\pi}{4} \leq \frac{\pi}{6}$ ;  $-\frac{7\pi}{6} - \frac{\pi}{4} \leq \alpha \leq \frac{\pi}{6} - \frac{\pi}{4}$ ;  $-\frac{17\pi}{12} \leq \alpha \leq -\frac{\pi}{12}$ ; shu oraliqqa tegishli ekni ekani kelib chiqdi, umumiy yechimini tasvirlash uchun davrini qo'shib berish yetarli

$$-\frac{17\pi}{12} + 2\pi n \leq \alpha \leq -\frac{\pi}{12} + 2\pi n;$$

tengsizlik yechimi shu ko'rinishda bo'ladi.

**2-Ta'rif:**  $\alpha$  burchakning **kosinusi** deb,  $P(1;0)$  nuqtani koordinatalar boshi atrofida  $\alpha$  burchakka burish natijasida hosil bo'lgan nuqtaning absissasiga aytiladi.

1. Qiymatlar sohasi  $-1 \leq \cos \alpha \leq 1$ ;

2.  $\arccos(a) = \alpha$ ;  $\alpha$  ning qiymatlar sohasi  $0 \leq \alpha \leq \pi$ ;

3.  $\cos(x)$  ning ishoralari **I** va **IV** choraklarda musbat, **II** va **III** choraklarda manfiy qiymatlar qabul qiladi (3-rasm).

4.  $\cos(x)$  ning davri  $2\pi$  bo'lganda qiymatlar qaytariladi.

2-misol. :  $\cos \alpha \leq \frac{1}{2}$  tengsizlikni yeching.

Bu savolda ham 1-misoldagi 5-rasm va  $M_1, M_2$  nuqtalardan foydalanamiz,  $M_2$  nuqtani hosil qilish uchun endi  $-\frac{\pi}{3}$  burchakka emas, soat strelkasiga qarama-qarshi yo'nalishda  $P(1;0)$  nuqtani  $\frac{5\pi}{3}$  radianga burish kerak.

Demak, bu  $\cos \alpha \leq \frac{1}{2}$  tengsizlikning yechimi birlik aylananing  $M_1 M_2$  to'g'ri chiziqdan chapda yotgan sohani ifodalaydi, bunda  $\alpha$  uchun :

$\frac{\pi}{3} \leq \alpha \leq \frac{5\pi}{3}$ ; barcha yechimlarni tasvirlash uchun davrini qo'shib beramiz,  $\frac{\pi}{3} + 2\pi n \leq \alpha \leq \frac{5\pi}{3} + 2\pi n$ ; Demak, tengsizlikning yechimi  $\alpha \in [\frac{\pi}{3} + 2\pi n; \frac{5\pi}{3} + 2\pi n]$  segment(kesma)dan iborat bo'ladi

#### Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. M.A.Mirzaaxmedov, Sh.N.Ismailov, A.Q.Amanov "10– sinf Matematika darsligi"
2. "Matematika fanidan mavzulashirilgan testlar to'plami".
3. Internet resurslari.

## A SHEET WITH UNEVEN EDGES, SAVE MY POEMS...

Soliyeva Zohida Zokir qizi

Uzbek State World Languages University II-English faculty 236 group

“Hope is enough for me.  
And the grave is not the end of the road ...”  
A. Feinberg.

**Abstract:** This paper analyses the memoir book “A sheet with uneven edges save my poems...” based on the real-life events and stories from the close friends of a famous poet Alexander Feinberg. It promotes the words said by Feinberg’s colleagues and friends whom he met throughout his life. Furthermore, this piece of writing reveals main elements of Feinberg’s poetry and provides the reader with English-translate pieces of his immortal works.

**Key words:** A. Feinberg, Inna Koval, poetry, books, literature, word, paper, translation, analysis, memoirs, memories.

"A sheet with uneven edges, save my poems ..." - this is the title of the long-awaited book of memoirs about the National poet of Uzbekistan Alexander Arkadyevich Feinberg (1939-2009) published in Tashkent in June 2016. Alexander Feinberg is the author of 15 poetry collections, including a two-volume posthumous book, published in Tashkent, Moscow and St. Petersburg. His works were published in the magazines "New World", "Youth", "Megapolis", "International", "Star of the East", "New Volga", "Arion", as well as in periodicals on both sides of the Atlantic. They immortalized the creative portrait of the great master of the artistic word.

The book of memoirs about the poet Alexander Feinberg, which includes 48 authors, reveals to us a collective truthful life portrait not only of a poet, a talented essayist, and a screenwriter. It reproduces in a multi-style and multifaceted manner, first of all, our contemporary and fellow countryman from Tashkent. Nothing human was not familiar to Alexander Feinberg. On the pages of the book, the poet's friends talk about his strengths and weaknesses, the risky will to overcome the trials of fate, meek repentance for voluntary and involuntary sins, selfless love for the homeland, attachment to our "smaller brothers" and devotion to his main vocation - Poetry.

From the first swift steps towards readers, this confessional memoir entered the history of Russian and Uzbek literature as a multifaceted portrait of A. Feinberg's epoch at the turn of the XX-XXI centuries:

*What time do signs  
pass through in the poet's realities?*  
(Zoya Tumanova)

- it will be interesting not only to us, but also to our descendants. It is very important for any reader to accurately, thoroughly reproduce the signs of the era of the writer: the book of memoirs reveals the realities of everyday life - how and how people lived, how

much they earned, how they dressed and how they received long-awaited and uninvited guests according to the eastern customs of hospitality, what they drank and what they ate and how could, like the Flemish painters, brightly and deliciously sing the carnal joys of abundance and contentment with a modest life

A. Feinberg:

*The bulk of the jellied meat is trembling.*

*Cucumber rings flicker.*

*Snowflakes of salt fly on them*

*And pepper black pollen.*

Using this short encyclopedia of the life of one outstanding poet, it will be possible to study how Alexander Feinberg and his housemates; his close and distant friends; brothers in the literary and cinematographic workshops; just casual acquaintances on countless roads and paths of topographic expeditions lived, loved, created and shared the joys of discoveries and the sorrows of misfortunes, new creative ideas and the difficult fruits of night inspiration, about which he wrote:

*The roads, the roads that we choose,*

*promise us alarms, threaten us with both hell and heaven.*

All of them, the chosen ones of fate, experienced, as Alexander Kolmogorov writes about this, the fantastic charm and artistry that Alexander Feinberg had in his blood. The poet and all authors, despite the difference in their age, position in literature, social status, were united by "one but fiery passion" for the Word, about which he wrote: "*Where words are not given, there are no rights*". Finally, the book answers the eternal question of our universe, "Why are you on this earth, human?":

*Tell, how will you answer*

*when will swing the light at night*

*and with silent steps one eternal*

*will come to the fire of your candle ...*

- "*We are relatives among the mundane vanity*" (translation by A. Feinberg), - as if his close friend and colleague, National Poet of Uzbekistan Abdulla Aripov, who called Feinberg "a true friend of the Uzbek people and a truly national poet - who has discovered the way to Paradise" in the book of A. Feinberg's memoirs. The memories of director Jasur Iskhakov "The Singing Reed", who shot the biographical film "Alexander Feinberg" in the form of a poet's monologue with musical accompaniment by Rumil Vildanov, are also priceless in this book. Nazim Tulyakhodzhaev's revelations about "night phone calls" were also touching, when Sasha (Alexander) Feinberg, waking him up in the middle of the night, recited new poems to him with a hoarse voice, and how he was still waiting for them: "Hello, wolf cub! Don't be angry. Let me read it to you ...". Journalist Rustam Shagaev spoke in a fascinating and interesting way about the buffet table at his personal photo exhibition in honor of the 50th anniversary, which was attended by Alexander Feinberg. Then he promised the poet to make an exhibition at the age of 60, where he will show his unique photographs. Rustam kept his word, but only he was bitter to tears that Feinberg was not at this cheerful buffet table. His photograph of A. Feinberg with a piercing gaze of sad eyes is placed on the cover of the book of

memoirs about the poet. The author of "Furshet" in a cheerful manner, with fraternal passion, told about the fateful event - the Decree of the President of the country on awarding A. Feinberg the title of National Poet of Uzbekistan in August 2004 and about other ambiguous and vivid non-fictional episodes from the life of A. Feinberg. One of them is associated with the last photo session in Feinberg's apartment in 2008, others - with the refined late translations of A. Feinberg from the Uzbek poetry of M. Yusuf and A. Aripov. Poet Alexander Kolmogorov introduced the highest confessional minor tonality into the book of memoirs with his essay "I will draw it as I can ..." and his touching elegiac dedication to A. Feinberg: "What are you making noise about without me?", "Meeting", "And autumn loved him" ...

The linguist Davlatbek Sadullaev, widely known not only in our country, but also in Russia, in his short essay "Everything is familiar in my memory ...", similar to a prayer rug of memories, is recognized as a spirit:

*- Alexander Feinberg is my conscience. I trust him with my words, thoughts, my actions. His voice spreads in me as an overtone, does not allow me to fake.*

The writer Alexander Ustimenko, in the essay of the same name with the title of the book, with his characteristic well-worked style and simplicity of style, retells the biography of Aleksandr Feinberg in persons, facts, names and compares his hero with oriental nomads who only temporarily stopped with their literary caravan for the night in order to leave in the morning into a worldwide and timeless wandering ... In his essay, the writer explains the title of the book and his essay of the same name with a poem by A. Feinberg, which was published in the collection "Paper" and read by the author Alexei Ustimenko on the phone following the book presented to him that evening shortly before his departure for eternity: *"Above the deep seas // the stars are high in the sky. // A sheet with jagged edges, // please save the poems of mine // Not for reading without hesitation. // Strings of life - // for the soul. // Like paths live in the taiga, // like reeds in lakes. // Each verse // is akin to clouds, birds, forest glades. // A sheet with jagged edges, // save them, save // Not to descendants to slay, // not to the rumor's hearsay // Like a smile, // like the breath // of the wind, foliage and sea. "* "On such sheets," A. Ustimenko concludes, "wills are written. He wrote it a long time ago, so that now, having taken out all his poems from the library, make it the title of the book - the last testament for everyone. "

A special place in the book of memoirs is occupied by the pages of Inna Koval: "We met through the Mirror World", written down by Alina Dadaeva. They are distinguished by the gentle light of devoted female love as fate, as Divine Providence - from the prototype of the poet in her prophetic dream to the last minutes of his existence on earth and life after life. Alexander Feinberg jokingly called this fragile, but strong, perspicacious and caring woman "Murzilka in a sweater", "Inka-ice", "Inka-journalist". Inna Koval, a correspondent of "Tashkent University", from the first minute of her acquaintance with the poems of a young thin dembele Feinberg, who was ready to serve as a typist in the university large-circulation Tashkent State University because of an irresistible craving for literary creativity, immediately saw in him a great real poet. All her life she treated him with reverence, cherished his talent and courageously accepted

the blows of fate until that fatal tragic night from 13 to 14 October, when A. Feinberg confessed to her that he felt that the two-volume edition of his selected poems, which he carefully prepared for his 70th birthday, will be released, but he will not see it. And so it happened. Inna Koval finished her essay about the only beloved person and life friend, with whom she went through most of her life, with optimistic words from A. Feinberg's autobiography: *"I was born of my own free will. I'm going to die after layoff. I hope to live"*.

The book closes with a poem by A. Feinberg, which he once dedicated to the parental home of his bride Inna Koval at 42 Zhukovskaya Street, which often featured classical music, arias from operas and operettas, romances and poems. Like everything talentedly written by A. Feinberg, this personal poem acquired a nationwide scale, and the particular in it became universal:

*There is one amazing house in the world.*

*Where friends gathered at a merry table.*

*There is spring in the window. There are lilacs and jasmine.*

*Someone sings a song. Somebody lights the fireplace.*

*There's wine on the table. There the soul isn't in the gloom.*

*I hope, Lord, that there they remember me.*

Alexander Feinberg remained to live in his poems, screenplays of feature films, documentaries, cartoons, the memories of his friends, present and future. All the pages of the book of memoirs about Alexander Feinberg are scattered with quotes from his poetry, his profound sayings and just jokes-jokes on different occasions: this gives special vitality to the main character of the story. So, Rem Volkova, a neighbor in the writer's house, whose family lived as a commune in surprising proximity to Sasha and Inna Feinberg for thirty-five years, thanks to a special layout - a common dryer connecting neighboring apartments, tells in her candid memories, "And tenderness, and violence, and credulity and disappointment" - one wise statement of Alexander Arkadyevich about the main business of the poet's life - about the golden era of poetry, when, like an inspiration, the sweet inevitability of writing poetry fell upon him. This fragile time, - the author notes, - demanded a full return of strength, tension of the soul.

And at the end of the day - June 6, 2009 - near the monument to A.S. Pushkin, - when, to congratulations on being awarded the Pushkin medal for his great contribution to the development of cultural ties between Russia and Uzbekistan on December 3, 2008, he, already all gray-haired and not quite healthy, but like a boy, joyful and lively, with a strong cigarette in his teeth, a little tipsy, smiles broadly and, with a proud glance at the medal on his chest, says that in the morning he had already noted both this event and the birthday of his beloved Russian poet. Nearby, Uzbek poets officially honored his great ancestor and namesake, many of whom became his close friends: Abdulla Aripov, Sirazhiddin Said, Rustam Musurman and others.

He was sent for the last journey on October 15, 2009. For his memoirs Rustam Musurman chose the final sad line from A. Feinberg's humorous sonnet "Mirrors": *"For tears are needed simple mirrors"*. He talked about the pains and joys of translating from the poetry of his Russian-speaking brother and will make a very important confession-

admonition to others: for the melody of the soul to reach perfection and enrich the inner world, for all this, the poetry of Alexander Feinberg is “vital”.

### References

1. <http://old.uza.uz/ru/culture/istinno-narodnyy-poet-01-11-2019>
2. [https://kultura.uz/view\\_8\\_r\\_433.html](https://kultura.uz/view_8_r_433.html)
3. [https://45parallel.net/aleksandr\\_faynberg/](https://45parallel.net/aleksandr_faynberg/)

**ЗУЛ-КИФЛ ЗИЁРАТГОҲИ**

Зоирова Интизор Мансуровна

Термиз археология музейи илмий котиби

*Илмий маслаҳатчи: тарих фанлари номзоди, археолог, Аннаев Тўхташ Жўраевич*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Мовароуннаҳр ва Хуросон билан доимий савдо муносабатларни боғловчи манзилгоҳнинг тарихи, тарихий аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** Жазирати Усмон, Ал-ҳаким ат-Термизий мақбараси, Пайғамбар ороли, Маҳмуд ибн Вали, “Сирлар денгизи”

Зул-Кифл зиёратгоҳи XI-XII асрларда бунёд этилган. Эски Термизнинг рўпарасида Амударёда жойлашган Пайғамбар оролида (қадимги номлардан бири Жазирати Усмон “яъни” Усмон ороли) жойлашган. Оролнинг кейинчалик “Орол пайғамбар” ёки “Пайғамбар ороли” деб аталишига сабаб Пайғамбар Зул-Кифлнинг (Ислом динида Тавротда айтилган Илёс, Исо ва Закирия пайғамбарларнинг умумлашган номи) рамзий қабри устида қурилган зиёратгоҳ масжидидир.

Пайғамбар оролидаги Зул-Кифл зиёратгоҳи Ислом дунёсида айни шу номдаги учта иншоотнинг бири саналади. Зул-Кифлнинг ўзи эса тижорат ишларида савдогар билан харидор ўртасида воситачилик қилувчи кишиларнинг пири ҳисобланади. (Зул-Кифл арабчада сўзма-сўз воситачи, кафил маъноларини англатади).

19-асрда маҳаллий халқ орасида мавжуд бўлган ривоятка кўра, Калифда бир авлиё яшаб ўтган экан. У ўз муридларига “Мен фано дунёни тарк этганимда жасадимни тобутга солиб Амударёга оқизинглар, уни дарё қайси тарафга оқизиб борса. Ўша ерда дафн этинглар” деб айтганлар.

Авлиёнинг куни етганида муридлари унинг васиятига амал қилиб айни шундай йўл тутганлар ва ўша захотиёқ хайратга тушганлар. Авлиё куни етганида муридлари унинг васиятига амал қилиб айни шундай йўл тутганлар ва ўша захотиёқ хайратга тушганлар. Авлиё жасади солинган тобут дарё оқимиغا қарши сузиб кетган. Пирнинг муридлари ва оломон оқимиغا қарши сузиб бораётган тобут-сандиқни кузатиб келганлар ва тўсатдан тобут-сандиқ Термизга етмасдан дарёнинг қоқ ўртасида тўхтаб қолган. Шу онда самодан авлиёнинг садоси келган эмиш: “Бу-Аллоҳнинг марҳамати. Мен хатто боқий дунёда ҳам ҳазрати Ҳаким Термизийнинг ҳоки-покларидан юқорига ўта олмайман”. Бу ерда қисқа фурсат ичида орол пайдо бўлибти ва пир-авлиё қабри устида мақбара ва зиёратгоҳ масжид бунёд этилибти.

XVII асрга оид тарихий манба (Маҳмуд ибн Вали, “Сирлар денгизи”) да бу жойда туркий саркарда Исҳоқ ибн Кундаж (892/893 йилларда халок бўлган) дафн этилган, деб таъкидланган.



Термиз (унинг қадимги номларидан бири Тармита) рўпарасида жойлашган бу орол азалдан Окс (Амударё) да савдо манзили (савдо факторияси) бўлиб хизмат қилганлигига илк бора асосли фикр билдирган археолог олим З.Ҳакимов ҳисобланади.

Бу оролнинг Окс (Амударё) да савдо манзили сифатида тўлиқ шаклланиши жуда қадимги даврда, хусусан Бактрияда кейинчалик Кушон империясига асос ҳавзасида юк ортиш-тушириш учун жуда қулай бўлган. Бу оролнинг сифатида тўлиқ шаклланиши жуда қадимги даврда, хусусан Бактрияда кейинчалик Кушон империясига асос солган “Буюк юэчжилар” нинг Бактрияда ҳумронлиги даврига оид. “Буюк юэчжилар” бу оролдаги савдони ва у орқали Тармита (Термиз) га ўтган кечувчи назорат қилиш мақсадида бу шаҳар ҳудудида (Чингизтепа қисмида) оролнинг бошланғич нуқтасида уни қўриқлаш мақсадида мустаҳкам тизимига эга мудофаа истехқомини барпо этганлар. Ривожланган ўрта асрларда Термизнинг Жайхун бўйлаб мавжуд савдода аҳамияти янада ошади ва XI-XII асрларда бу оролда “Зул Кифл” зиёратгоҳи бунёд этилади. Зул-Кифл мажмуаси бир-бирига боғлаб қурилган масжид гўрхона ва зиёратхонадан иборат бўлиб, қисқа фурсатда барпо этилган. Даставвал шарқий қисмда маҳобатли пештоқли ўқсимон равоқ шаклдаги кириш қисми, куб шаклдаги гумбазли хонадан иборат масжид қурилган. Масжид ички қисмининг ҳар бирида девор учтадан чўзик, ўзаро мутаносиб таҳмонлар билан бўлинган. Ғарбий деворнинг ўртасидаги таҳмон меҳроб бўлиб, у тўғри бурчакли оятлари билан тўлдирилган. Меҳроб юзасидан беаган бу эпиграфик ва гириҳ беаги бўртиқ ва саёз кўринишда ишланган. Кириш қисмида ботиқ кўринишда таҳмон ишланган ва унинг икки томонида кенг тўғри бурчакли ўриндиқ (“чўнтаклар”) ишланган ва буларда ўтирган дин вакиллари вазхонлик қилганлар. Жанубий девордаги марказий таҳмон ёпиқ. Даставвал унинг икки томони очик бўлиб, гўрхона билан туташиб турган. Масжиднинг ўқсимон гумбази саккиз бурчакли “елканлар” ёрдамида кўтарилган. Гўрхона ички қисмида унинг аксарият саҳнини эгаллаб олган узун кўринишли сағана ўрнатилган. Аввал сағана очик жойда бўлиб, кейинчалик унинг тепасида масжиднинг жанубий тарафга туташ гўрхона қурилган ва унинг усти “балхий” услубида ёпилган. Гўрхонанинг ғарбий деворига иккита унчалик катта бўлмаган, бир-бирига туташ қилиб қурилган хоналар яъни зиёратгоҳ жойлашган. Зиёратгоҳ қисми усти жимжимадор аркасимон “елканларга” таянган гумбазчалар билан ёпилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзо Кенжабек. Буюк Термизийлар.(Термиз тазкираси). 2017 й.

## КЎРИШ СЕЗГИСИНИНГ ЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ

Карабаева Барно  
ЎзДЖТУ таянч докторанти

**Аннотация.** Ушбу мақолада идрок қилиш қобилиятларидан бири бўлган кўриш сезгисининг лингвистик жihatларини ёритиб берилган.

**Калит сўзлар.** Идрок, кўриш сезгиси, лексик тизим, семантик майдон, доминант, периферия.

Инглиз шоири ва рассоми Уильям Блейк идрок қилиш муаммосини қуйидагича таърифлаган: «Ақл-идрок оламни кўз билан эмас, кўз ёрдамида кўра билади»<sup>1</sup>.

Бизни идрок қилиш қобилиятининг когнитив механизм сифатида тил орқали ифодаланишининг лингвистик механизмлари қизиқтиради. Тилнинг белгилар системаси ва сўзнинг семантик маъноси – нолисоний мавжудликни объективлаштириб (ифодалаб), инсон томонидан мазкур воқеликнинг идрок қилинишини аниқлаб, белгилаб беради. Бу жараёнда сўзнинг маъно-мазмуни инсон когнитив тизимидаги кўришга доир образларнинг шахсий, индивидуал тасвирларини эмас, балки уларнинг ижтимоий категориал белгиларини намоён қилади: «Бизнинг фикрларимиз ўз-ўзимизнинг бойлигимиз, уларнинг ифодаси учун қўлланадиган символлар эса ушбу тилда сўзлашувчиларнинг мулкидир»<sup>2</sup>.

Кўриш орқали идрок қилиш жараёни ва натижаларининг тилдаги ифодасининг ўзига хослиги шундан иборатки, у билимларни нафақат тил бирликлари ёрдамида, балки уларни амалга ошириш ва вазифаларининг хусусиятлари натижасида ҳосил қилишни таъминлайди. Турли таълимотлар ва оқимлар вакиллари бўлган лингвистлар билимларни ҳосил қилишда идрок қилиш жараёнини тилда ифодалашнинг кўп сонли ва турли хил воситалари мажуд эканлигини аниқладилар. Бу далиллар “кўриб идрок қилиш» концепти тизим ҳосил қилишда иштирок этувчи концептлар қаторига киришини кўрсатади<sup>3</sup> ва уларнинг аҳамиятлилиги «атов (номинатив) сўзларнинг тарқалганлик даражаси қонуни»га асосан – тил бирликлари уларни қанча кўп ифодаласа, улар билан ифодаланган концептуал макон шунча кўпаяди<sup>4</sup>.

Тилнинг лексик тизими – бу сўзларнинг шакллантирилган жамламаси эмас, балки турли ҳажм ва хоссаларга эга бўлган ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган, бири-биридан кескин даражада чегараланмаган сўзлар тизимидир.

Лексик тизим ўзаро боғланиш ва бирлашишга мойил бўлган ҳодисалардан иборат. Феъл туркумига оид бўлган сўзларни майдон доирасида жамлаш – тил қонуниятларини англаб олишнинг эффектив таҳлил воситаси ҳисобланади.

<sup>1</sup> [<http://organum-visus.com/william-blake-organum-visus>]

<sup>2</sup> Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009. С.23

<sup>3</sup> Апресян Ю.Д. Избранные труды, том I. Лексическая семантика: 2-е изд., испр. и доп. – М.: Школа «Языки русской культуры», Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1995. С.201

<sup>4</sup> Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике. – Воронеж, 2002. С.98

Кўриш сезгисини ифодаловчи феълнинг семантик майдони тизимли-структуравий бирлашма, ўзаро ташкилий жиҳатдан бир-бирига мантқан тобеланган (бўйсинган, иереархик) структура сифатида намоён бўлади. Мазкур тил бирликларининг семантик майдони – сўз таркиби иереархик (бўйсинишга, тобеланишга мойил) мезон асосида ташкил бўлишини исботлайди. Ушбу семантик майдон – кўпўлчамли тузилма, мураккаб қурилма бўлиб, унинг таркибида бешта микромайдон шаклланган, яъни:

- 1) кўриш сезгисини ифодаловчи феълларнинг микромайдони;
- 2) эшитиш сезгисини ифодаловчи феълларнинг микромайдони;
- 3) ҳис қилиш сезгисини ифодаловчи феълларнинг микромайдони;
- 4) ҳид билиш сезгисини ифодаловчи феълларнинг микромайдони;
- 5) таъм билиш сезгисини ифодаловчи феълларнинг микромайдони.

Майдон – бу очик тузилма бўлиб, унинг чегаралари бошқа майдонларга туташган ва шунинг натижасида тил тизимининг бир бутунлиги таъминланган. Семантик майдон деб аталувчи бирликларнинг мажмуи – структуравий ташкилланган бўлишни тақозо этади ва қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: ядро, марказ ва периферия. Улар бир-бири билан тобелашув, бўйсинув каби муносабатда бўладилар. Майдон ядросида майдон ҳосил қилишда фаол иштирок этувчи интеграл семантик белгилар (феъллар) жойлашган бўлиб, улар майдондаги конституентларни бошқариб турувчи марказни ҳосил қилади ва бу ядрони энг умумий тушунчавий мазмунга эга бўлган тил бирликлари ташкил этади. Бизнинг тадқиқотимизда улар кўп қўлланувчи ва нейтрал маъно англатувчи микромайдон доминантлари деб аталади. Периферияда эса қуйидаги лексик бирликлар ўрин олган:

а) бошқа семантик майдонларда ҳам иштирок эта олувчи перцептив лексик бирликлар;

б) бошқа микромайдонлардан “келиб қолган» перцептив бўлмаган лексемалар.

Идрок қилишни ифодаловчи лексемалардан ташкил топган семантик майдон иерархик, яъни бўйсинувчи ташкиллашма бўлиб, майдон марказида барча конституентларни бирлаштириб турувчи идентификатор жой олган. Ҳар бир микромайдоннинг феъллари бир-бирлари билан иерархик равишда вертикал ва горизонтал бўйлаб ўзаро боғлиқ бўлиб, идрок қилиш тизимини ташкил филади. Тадқиқот материалларининг кўрсатишича, кўриб ва эшитиб идрок қилишни ифодаловчи феъллар сенсор тизимда етакчи аҳамиятга эга. Мазкур хусусиятлар асосида ушбу икки феъл гуруҳи семантик диапазон бўйлаб бошқа учта гуруҳ феълларига, яъни: ҳид билиб идрок қилиш, таъм билиб идрок қилиш ва сезиб идрок қилишни ифодаловчи лексемаларга қарама-қарши қўйилади.

Тилнинг лексик тизимида феълларнинг олам ҳақидаги перцептив маълумотларни ифодалаши ёки феъл ономиологик аспектда ўрганиш ва когнитив маълумотларни ифодалаши ёки семасиологик аспектда уларни таҳлил қилиш – идрок қилиш майдонини ҳар томонлама тадқиқ қилиш имкониятини беради.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Апресян Ю.Д. Избранные труды, том I. Лексическая семантика: 2-е изд., испр. и доп. – М.: Школа «Языки русской культуры», Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 1995. С.201
2. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2009. С.23
3. Попова З.Д., Стернин И.А. Очерки по когнитивной лингвистике. – Воронеж, 2002. С.98
4. [<http://organum-visus.com/william-blake-organum-visus>]

## ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУН НОРМАЛАРИНИНГ ВАҚТ БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ

Раззоқов Сардор Ғуломжонович  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Аннотация:** Мазкур мақолада жиноят процессуал қонун нормаларининг вақт бўйича амал қилишига оид фикр-мулоҳазалар билдирилиб, муаммо ва камчиликларни таҳлил қилиш орқали асосланган илмий хулосалар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жиноят, қонунчилик, вақт, суриштирув, тергов, прокуратура, суд, эҳтиёт чоралари.

Мамлакатда қонунийликни таъминлаш, жиноятларни ўз вақтида фoш этиш, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини сўзсиз амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу эса жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига ҳам ўзгартиш ва кўшимчалар киритилиб, уларни замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилишини тақазо этади.

Ҳаёт давом этар экан, жамиятда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилиши табиий ҳолат бўлиб, бу суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолият олиб боришдаги иштироқи ва ролини кучайтиради.

Содир этилган жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш, айбдор шахсларнинг қилмишларини фoш этиш ва жавобгарлик масаласини ҳал этиш мазкур органларнинг тўғридан тўғри вазифасига киради.

Содир этилган жиноятлар ва мазкур жиноятларни содир этган шахсларнинг жавобгарлигини белгилаш ҳамда уларни тергов қилиш жараёнида айрим муаммолар ҳам кўзга ташланади.

Жиноят қонунчилигида содир этилган жиноятни бошланиш ва қачон тугалланиши вақти аниқ белгиланган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 13-моддасида қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланиши, агар мазкур кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилиши, агарда ушбу кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этилиш вақти деб топилиши кўрсатилган.

Шунингдек, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг ахволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эгаллиги, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб

бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар татбиқ этилмаслиги, қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмаслиги белгилаб ўтилган.

М.Рустамбоевнинг фикрига кўра “Жиноят кодекси 13-моддасининг мазмуни энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тамонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинган бир қанча муҳим ва қатъий ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларнигина эмас балки жиноятчилик ва жазолаш ишларини аниқлашга таъсир этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам тўлалигича қамраб олишини билдиради[1].

Бизнинг фикримизча ҳам шундай, яъни қабул қилинган қонунларнинг вақт бўйича амал қилиши жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларини ҳам қамраб олиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 3-моддасида содир этилган жиноятлар содир этилган жойидан қатъий назар башарти Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузилган шартнома ва битимларида ўзгача қоидалар белгиланмаган бўлса, иш юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси юритилаётган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ жиноят ишларини юритиш мустаҳкамлаб қўйилган.

Жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳар қандай бошқа объектив реаллик каби, вақт доирасида амал қилади. Амал қилиш бошланган вақт эса уларнинг кучга кириш пайтига қараб белгиланади. Ушбу пайтни аниқлаш жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ҳам, процессуал ҳуқуқ амалга қилиш жараёнининг ҳам муҳим жиҳатидир. Зеро, қонуннинг кучга кириши шу пайдан эътиборан терговга қадар текширув, тергов, прокуратура, суд ва адвокатуранинг барча мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар унга амал қилишлари шарт эканлигини, у бажариш учун мажбурий ҳужжатга айланишини билдиради[2].

Биламизки, 2008 йилга қадар айбланувчиларга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш прокурорнинг мутлақ ваколати ҳисобланган.

Лекин, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасидаги ислохотлар натижасида умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда 2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказилди.

Шундай бўлсада , процессуал ҳаракатларни амалга оширишдаги қонун нормаларини вақт ва ҳудуд бўйича қўллашда қонунчилигимизда ўз ечимини кутаётган баъзи бир ҳолатлар мавжуд.

Мисол учун, 2007 йилда оғир турдаги жиноятни содир қилганлиги сабабли жиноят иши қўзғатилиб дастлабки терговдан яширинган, сиртдан айбланувчи тариқасида иштирок эттиришга жалб қилиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсга тегишли прокурор томонидан сиртдан камоқ олиш эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича санкция берилган ва қидирув эълон қилинган. Шахс орадан бир неча йил ўтиб ушланса унга нисбатан 2007 йилда прокурорнинг санкциясига асосан қўлланган эҳтиёт чораси ўз кучида бўлиш бўлмаслиги ёки шахс ушланганидан сўнг, янги тартибдаги қонун асосида камоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ишни қўзғатиш учун судга илтимоснома киритиш киритмаслик масаласи жиноят-процессуал қонунида очиқ қолганлигини кўришимиз мумкин.

Бундан ташқари, эҳтиёт чораси суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими билан қўлланилиши, бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкинлиги, ишни судга қадар юритиш босқичида қўлланилган камоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин камоқда сақлаш ёки унинг уй қамоғида бўлиши учун асослар бўлмаганида прокурор томонидан, шунингдек прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ёки терговчи томонидан эҳтиёт чоралари тўғрисидаги қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги, камоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ушбу эҳтиёт чорасини айнан ўша шахсга нисбатан қўллаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга такроран муурожаат этишга монелик қилмаслиги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 240-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шахсга камоқ эҳтиёт чорасини қўллаш прокурорнинг мутлақ ваколати ҳисобланган даврда қўлланган бўлсаю шахс бир қанча вақт ўтиб ушлангач, унинг бундан кейин камоқда сақлаш учун асослар бўлмаган вазият юзага келганида суриштирувчи ва терговчиларнинг қандай тартибда мазкур масалани қал қилиш тартиби ҳам жиноят-процессуал қонунчилигида аниқ қилиб белгилаб ўтилмаган.

Бу эса жиноят-процессуал қонунининг вақт бўйича амал қилиш тизимида аниқликлар киритиш зарурлигини тақазо этади.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, Жиноят-процессуал кодекснинг эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш, ўзгартириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим деб номаланган 240-моддаснинг биринчи қисмидаги «судни албатта хабардор этган ҳолда» деган сўзлардан олдин «прокурорни ёки» деган сўз билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида бундай ҳолатларни аниқлаб, қонунчилигимизга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борсак, тергов ва

суд органларининг фаолиятини тартибга солишга ва уларнинг фаолиятидаги тушунмовчиликларнинг олдини олишга ўз хиссамизни кўшган бўламиз.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган – Т.: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018. -488 бет.

2. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, профессор М. А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи наشري. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 851 б.



## АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

Мирҳалилова Гулноза Илхомжон қизи  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Аннотация:** Ушбу тезисда аёллар жиноятчилигининг содир этилиш сабаблари, уларга қарши кураш ҳақида ҳамда аёллар жиноятчилигини олдини олиш юзасидан фикр-мулоҳазалар статистик малумотлар таҳлилидан келиб чиқиб таҳлил қилинган ва ушбу жараёни такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** жиноят, аёл, аёллар инспекторлиги, аёллар жиноятчилиги.

Бугунги кунда жамиятнинг оғриқли нуқтаси ҳисобланган жиноятчиликка қарши курашиш долзарб вазифалардан бири бўлиб турган бир вақтда, жиноятчи шахслар ичида аёллар салмоғининг ортиб бораётгани барчамизни ташвишга солмоқда. Статистик маълумотларга кўра, бутун дунёда умумий жиноятчиликнинг 15 фоизини ташкил этувчи аёллар жиноятчилиги сўнгги тўрт йилда кескин ошиб, улар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2 баробарга кўпайган[1].

Мамлакатимизда эса аёллар томонидан содир этилган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 12,5% ни ташкил қилади. Бизнинг мамлакатимизда ҳам аёллар томонидан содир этилаётган жиноятлар динамикаси йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев аёллар ҳақида фикр билдириб, «Оиланинг юқини ўзининг нозик елкасида кўтариб келаётган, оила кўрғонининг файзу фариштаси бўлган аёл зотини эъозлаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш – бизнинг эзгу вазифамиздир» ва «Аёлни эъозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз, барчамиз, қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун, меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз»[2], деб бежиз таъкидламаган.

Мамлакатимизда аёлларга бўлган эътиборни янада кучайтириш ва жиноятчи аёллар сонини камайтиришга эришиш мақсадида 2019 йилнинг феврал ойидан бошлаб аёллар масалалари билан алоҳида иш олиб борувчи **аёллар инспекторлиги** лавозими жорий этилди. Бу эса ўз навбатида аёллар жиноятчилигига қарши курашишда катта бир қадам бўлди.

Маълумки аёллар жиноятчилигига хос бўлган яна бир хусусият ўзлигини намоён қилишдир. Шунинг учун ҳам аёллар доимо ўзларига эътибор қилишларини хуш кўрадилар. Жиноятчи аёллар ҳам бундан мустасно эмас. Ўз шахсини устун қўйиш қайсидир даражада ҳар бир шахсга хос хусусиятдир. Бироқ, ўзбилармонлик ва ўз шахсини устун қўйиш аёлларнинг жиноят йўлига кириб қолишларида салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўтказилган ижтимоий-иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатадики, аёлларнинг жиноят содир этиши билан боғлиқ куйидаги сабаблар билан узвий боғлиқдир:

- жамиятнинг турли бўғинларида назоратнинг сусайганлиги, оила ва унинг юзага келишида ўзига хос хусусиятларнинг юзага келиши.

- Жамиятда юзага келаётган зиддиятлар, одамлар ўртасидаги безовталиқ, буни келтириб чиқараётган қарама қаршилиқлар, қасд ва душманлик ҳолатлари.

- Жамият ҳаёт тарзига зид бўлган ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ҳолатларининг ўсганлиги[3]

Сир эмаски, бозор иқтисодиётининг янги босқичига ўтишдаги баъзи муаммолар, янги иш жойларга бўлган талабнинг ошиши, меҳнат тақсимоотида ҳам ўзига хос муаммоларини юзага келтирмоқда. Ва айнан мана шу вазиятда аёллар меҳнат фаолиятининг ошганлиги уларни оилада асосий боқувчига айланиб қолишига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишчи аёлларни тўғри тарбияламаслик ҳам жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин. Мулкни оздан ўзлаштириш корхона, муассасаларга ишга жалб қилишдаги асосий омил бўлиб хизмат қилишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Хулоса сифатида қайд этиш лозимки, ҳар бир мамлакат ўз тинчлиги ва хавфсизлигини, юртида жиноятчиликнинг камайишини таъминлашга ўз имконияти, тажрибаси, менталитети, миллий-маданий хусусиятлари, тарихий анъана ва бой меросига таянган ҳолда иш олиб боради. Аёллар жиноятчилигига қарши курашда ҳам айнан мана шу омилларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мурадова Я.Р. Женская преступность: общефедеральный и региональные аспекты криминологической характеристики, основные направления профилактики: на материалах Краснодарского и Ставропольского краев: Автореф. дис... канд. юрид. наук.– Волгоград, 2020. –С. 3. // URL: <https://www.dissercat.com> (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 01.12.2020)

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажигимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т., 2017. – Б.364.

3. <https://arxiv.uz/uz/documents/referatlar/huquqshunoslik/ayollar-sodir-etadigan-jinoyatlar-va-ularning-oldini-olish>

## TRENDS AND DEVELOPMENT OF THE CREDIT SYSTEM IN MODERN CONDITIONS IN UZBEKISTAN

Muminova Gulnoza Alibek qizi

Student of Tashkent institute of architecture and civil engineering

**Abstract:** Considered theoretical approaches to the transformation of the banking sector and banking operations through the implementation of the experience of other countries.

**Keywords:** Bank, economy, investors, development, banking sector, credit system, credit operations, Central Bank.


Credit is an essential attribute of modern society. Every person, every organization at least sometimes resort to its use, as thanks to the loan reduces the time to meet economic and personal needs. Credit is a pillar of the modern economy, an important element of economic development. The effectiveness of the credit system depends largely on its structure.

Currently, the most urgent issue is the need to fully support the real sector of the economy, both from economic entities investing funds, and all levels of legislative and Executive power. Today, for many investors, ratings are the most important element in making decisions about investing in a particular project. They are often used as a reference in the development of investment principles. And since the rating ratings of agencies are widely known in the financial world, widely used and well understood by financiers, they open the way to long-term investment relations. In today's global markets, the rating is a kind of "credit passport" that provides access to international investors in markets that are not yet well known or where investors may be unfamiliar with the business culture or the financial reporting standards used.

International assessments received by representatives of the banking sector of Uzbekistan allowed them to enter capital markets more often and raise funds on more favorable terms, as well as to place large emissions for longer periods. They have helped to maintain investor confidence, which is particularly important in times of global crisis.

The establishment of adequate interaction between banks and the real sector for the needs of economic growth is of paramount importance for the successful development of the domestic credit system.

Commercial banks, on the one hand, are interested in lending to the real sector. This is a classic banking operation with well-studied risks. But on the other hand, there are two significant problems associated with insufficient protection of banks in the creditor - borrower relationship and short-term liabilities. Banks can not expand lending, because the state does not protect their interests in case of problems with the return of loans.



**Pic. 1 Uzbekistan GDP annual growth rate<sup>1</sup>**

An even more complex problem is the intensification of investment activities of banks. The country has not yet ripe conditions for long-term savings and no commercial Bank will take risks of long-term investments without government guarantees.

Apparently, the structure of the domestic credit system in terms of the predominance of banking institutions in it will not change.

As part of strategic decision-making, the Government and the Central Bank of the Republic of Uzbekistan have not proposed anything fundamentally new that could significantly change the current configuration of the domestic credit system.

Characteristically, the government proposed a number of measures aimed primarily at increasing the capitalization of the banking system and the development of new technologies. Among them, we note first of all the awareness of the need to equate the taxation of banks to the taxation of enterprises (both at rates and on the composition of costs), as well as the creation of a full legal framework for electronic documents in Uzbekistan.

Among the measures designed to lay the Foundation for the growth of the qualitative characteristics of the sector is the real introduction of the mechanism of competitive placement of proposals among banks to participate in lending to state programs and activities, improving the practice of providing and fulfilling obligations to banks, including guarantees issued as collateral for Bank loans.

The scale and complexity of the problems of restructuring the material production sector, on the one hand, the insufficient role of the banking system in the economy of the Republic and the small scale of its participation in the investment process, the state of the resource base and the level of capitalization, on the other, limit the real possibilities of the banking sector and require a comprehensive solution to this problem. At the same time, financial stability of the banking system should be a prerequisite for expanding the operations of banks with the real economy. To achieve this goal, it is necessary to ensure: in terms of the development of banking products related to credit operations, the development of mechanisms and tools for the distribution and minimization of risks. For projects that are of special (priority) importance from the point of functioning of the economy of the Republic, these mechanisms and tools in the conduct of credit operations by banks with the subjects of the real economy should

<sup>1</sup>

<https://d3fy651gv2fhd3.cloudfront.net/charts/uzbekistan-gdp-growth-annual.png?s=uzbstangdpate&v=202101182300V20200908&lang=all&ismobile=1&w=400&h=250&lb1=0>

include state guarantees. Guarantees may include interest subsidies or (and) repayment of a certain part of the loan.

The provision of syndicated loans with risk sharing between several banks and insurance the performance of obligations on loans, the implementation of measures to improve the legislative protection of creditors' rights, transparency of information on the financial condition and ownership structure of organizations operating in the real sector, can also have a significant impact on reducing the risk of investments;

The development of the economy is impossible without active lending to the real sector, so the priority for the Government and local authorities could be to develop priorities for credit support of economic sectors that are crucial for the socio-economic development of the territory. First of all, it should be industries that can provide significant growth and restructuring of production, job expansion, i.e. should actively lend to investment and innovation activities of enterprises. At the same time, public authorities and management bodies need to share with banks the risks associated with the state socio-economic policy - through careful selection of authorized banks, development of a clear system for issuing and monitoring government guarantees, strengthening state influence in the capital of banks and founders.

Currently, Uzbekistan has a two-tier banking system. The banking system of the Republic began to acquire the features of a three-level model:

- at the first level, the Central Bank of the Republic of Uzbekistan is represented, which carries out the development and strengthening of the banking system of the Republic;
- the second level includes a system of commercial banks of various forms of ownership of a universal type;
- the third level — non-Bank credit organizations that perform a limited range of banking operations: the provision of loans (micro-loans, microloans), payments, issuance and placement of securities, etc.

Today, 13 out of 31 banks in Uzbekistan have state participation. The capital of these banks is over 87% and assets are over 85% of the total assets of the banking system. Reforms of this system in the form of a long-term strategy for the development of the banking sector were set out in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 12, 2020 No. UP-5992. The strategy summarizes the main directions of development of the banking sector and approves an action plan in the form of a "Roadmap" for reforming the banking system of the Republic of Uzbekistan for 2020-2025.

As of January 1, 2021, the assets of the banking system of the republic amounted to 366.1 trillion. soums, liabilities - 307.8 trillion. soums and capital - 58.4 trillion. soums. Currently, 55,274 people work in the banking system.

In recent years, the importance of banking infrastructure has increased, representing a set of institutions that create the necessary conditions for banking activities and promote the creation and delivery of banking services to their consumers. These include:

- Deposit guarantee system, which has been in force in the Republic since 2002 and ensures the safety of deposits of citizens in banks within the limits established by the legislation;
- independent payment systems to facilitate payments between corporations and banks. For example, SWIFT, and plastic card payment transactions;
- audit organizations that provide independent verification of the activities of both commercial banks and the Central Bank and confirmation of their financial statements;
- consulting and legal organizations that help banks in the development of their business, representing the interests of banks in interaction with customers;
- organizations-suppliers of information technology solutions, developing and providing banks with modern banking technologies aimed at automating their business processes and achieving a high level of security;
- training organizations that provide training and retraining of Bank specialists, conducting various seminars and refresher courses, without which it is impossible to imagine the normal functioning of the Bank in the conditions of the complexity of modern banking.

In Uzbekistan, despite the relatively small number of banks, their activities are carried out through a wide branch network, which increases annually in all regions of the country. At the beginning of 2016, the total number of Bank branches reached 854, special cash desks and mini-banks — 4295ed., of which 2221ed. provide services to the population and farms located in rural areas. Thus, when improving the institutional structure of the banking system, it is necessary to take into account all the criteria of its effectiveness and modernize it in such a way that it leads to an optimal combination of banking competition, the stability of the banking system and the degree of its impact on the expanded reproduction.

It is very important for the banks themselves to continue to increase their own capital; to expand their activities by opening branches and additional offices in the country and abroad; to improve the level of Bank management; to develop new banking services in the form of leasing, factoring, issuance of plastic cards, to introduce personal management of large customers.

Thus, the proposed proposals will help to further improve the efficiency of loans in the development of the real sector of the economy of our country.

#### REFERENCES:

1. Mirziyoyev. S. S. together We will build a free democratic prosperous state in Uzbekistan. - Tashkent : Uzbekistan, 2016.
2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 12, 2020 No. VII-5992
3. Law of the Republic of Uzbekistan "On guarantees of protection of deposits of citizens in banks" of 05.04.2002
4. "Banking sector of the Republic of Uzbekistan". Annual review - CJSC "Avesta Investment Group", dated January 20, 2005

## ТЕРГОВЧИНИНГ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИДА ЖАМОАТЧИЛИК ЁРДАМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Хушвактова Нодира Акрамовна  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Аннотация:** Мақолада терговчининг жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятида жамоатчилик иштирокининг тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида фикр юритилиб, ушбу фаолиятга кенг жамоатчиликни жалб қилиш юзасидан таклифлар билдирилган. Шунингдек, жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги учун терговчининг тақдимномаси асосида рағбатлантириш ва унинг ишни судга қадар юритишдаги аҳамияти тўғрисида сўз борган.

**Таянч сўзлар:** жамоатчилик, терговчи, тақдимнома, ишни судга қадар юритиш, рағбатлантирувчи нормалар, жиноятларнинг олдини олиш.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилнинг 12 ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 14% кўп жиноятлар рўйхатга олинган [1]. Жиноятларнинг кўпайиши республиканинг барча маъмурий-худудий бирликларида кузатилган. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар профилактик ишларининг самарадорлигини оширишни талаб қилади. Профилактик ишларнинг сифатини оширишга эса, мазкур фаолиятга бевосита кенг жамоатчиликни жалб этиш йўли билан эришиш мумкин. Мазкур масала нафақат юртимиз, балки халқаро ҳамжамиятнинг ҳам эътибор марказидадир.

Хусусан, Доҳа шаҳрида 2015 йилнинг 12-19 апрель кунлари ўтказилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг XIII Конгрессида жиноятчиликнинг олдини олиш ва одил суловни юритиш борасида жамоатчилик иштирокининг таъминланишига оид Доҳа декларациясининг қабул қилинганлиги, мазкур масаланинг нечоғлик муҳимлигидан далолат беради. Унда жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоатчиликнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига нисбатан ишончини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида, мазкур соҳага жамиятнинг барча аъзоларини жалб қилиш, кенг жамоатчилик орасида тарғибот ўтказиш ва жамоатчиликнинг иштирокини фаоллаштиришга йўналтирилган жараёнларни ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, бундай стратегияларнинг объективлиги ва самарадорлигини ошириш учун фуқаролик жамиятининг иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилиши кераклиги қайд этилган [2].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида ҳам, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги белгиланган [3, 67-6]. Шубҳасиз,

жиноятчиликка қарши муваффақиятли курашни содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олувчи чора-тадбирларни кўллагандан амалга оширилишни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса, жиноят иши бўйича тергов ўтказётган шахснинг жиноятни содир этиш сабаблари ҳақида ҳолисона ва тўлиқ маълумотга эга бўлишини талаб қилади. Шунинг учун терговчининг профилактик функциялари жиноят ишини сифатли тергов қилиш доирасида ҳал этиладиган умумий ва хусусий профилактиканинг жиной-хукукий вазифалари билангина тугамаслиги аниқ. Бу жиҳатдан терговчининг асосий вазифаси ҳисобланган жиноят ишини тергов қилишга нисбатан ёрдамчи характердаги бошқа профилактик чораларни кўриш ҳам кам аҳамиятли эмас: жиноятларни содир этишга сабаб ва шароитларини бартараф этиш учун тақдимнома тузиш, индивидуал суҳбатлар ўтказиш, оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва бошқалар [4].

ЖПКда терговчи ва суриштирувчининг профилактик фаолиятида жамоат бирлашмалари ва жамоалар, уларнинг раҳбар органлари билан ҳамкорлигига оид қуйидаги:

– суриштирувчи ва терговчи жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритиши (ЖПКнинг 297-моддаси);

– суриштирувчи ва терговчи тақдимнома киритиш йўли билан тегишли корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарини ва жамоасини жиноятнинг олдини олиш ёки уни фош этишда фуқаро юксак онглилик, жасорат кўрсатгани, ижтимоий бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида хабардор қилиши мумкинлиги (ЖПКнинг 300-моддаси) ҳақида қоидалар мавжуд.

Жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлашда, нафақат императив хусусиятли, балки рағбатлантириш усулларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Жумладан, тақдимноманинг иккинчи турига фуқаронинг жамоат олдидаги бурчини намунали бажарганлиги тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан тегишли муассаса, корхона ёки ташкилот раҳбари ва жамоасига фуқаронинг юксак онглилиги, унинг жиноятнинг олдини олишда ёки уни фош этишда кўрсатган жасорати, жамоат олдидаги бурчини намунали бажарганлиги тўғрисида киритиладиган тақдимнома ташкил этади. Бундай рағбатлантирувчи норма амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка биринчи марта киритилди. У фуқароларнинг жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этишдаги фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган. Афсуски, амалда бундай тақдимнома кам киритилмоқда [5, 484-485 б].

Мазкур масалада, Ўзбекистон Республикаси Президентинг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли Қарорида суд-



тергов амалиётидаги камчилик ва муаммолар тариқасида, рағбатлантирувчи нормалар ва жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги, жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш, шунингдек, фуқароларга юксак ҳуқуқий маданият ва қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги ҳуқуқий механизмларнинг етарли даражада самарадор эмаслиги кўрсатилган [6]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сон Қарорида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳоланиши, ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикасига фуқаролар ва жамоат ташкилотларини, шу жумладан уларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш орқали жалб этиш механизмларини такомиллаштириш зарурлиги белгиланган [7].

Фикримизча, қонун ва қонуности ҳужжатларимизда ишни судга қадар юритиш босқичида кенг жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишимиз учун нормалар белгиланган ва уларни ўринли қўллаш натижасида, фуқаролар ва жамоат ташкилотларини рағбатлантириш орқали, уларни ишни судга қадар юритиш босқичида фаол иштирок этишга жалб қилишимиз мумкин.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 январь кунидаги 15-сонли Қарори билан тасдиқланган «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да фуқаролар ва жамоат ташкилотлари аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги тарғибот-ташвиқот тадбирларида фаол иштирок этиши ва уни бевосита амалга ошириши, жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва бунга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш борасида таклиф ва ташаббусларни амалга жорий этиши учун ташаккурнома, эсдалик совғалар ва пул мукофотлари билан рағбатлантирилиши мумкинлиги белгиланган [8]. Бундан ташқари, жамоатчилик иштирокини нафақат ишни судга қадар юритиш, балки суд босқичида ҳам рағбатлантириш орқали таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Олий суд Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги «Жиноят сабаблари ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича судлар ролини ошириш тўғрисида»ги 34-сонли Қарорида судлар фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар олдини олиш ёки уларни тўхтатишга, жиноятчиларни ушлашга қаратилган ҳаракатларини рағбатлантириш мақсадида, уларнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига хабарномалар юбориш, шунингдек оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш амалиётини жорий этишлари лозимлиги белгиланди [9].

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш жараёнларига кенг жамоатчилликни жалб қилиш қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёрдам бераётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш, керак бўлса, уларни рағбатлантириш эвазига манфаатдор қилиш лозим [10, 144-б]. Жиноят ишини судга қадар юритаётган органлар томонидан мазкур имкониятдан кенг фойдаланилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни муайян маънода мустаҳкамлашга ҳамда пировард мақсад бўлган жиноятларнинг олдини олишга самарали хизмат қилади деб ишонамиз.

Зеро, Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек: «Бугунги кунда ислохотларимиз самараси кўп жиҳатдан тўртта муҳим омилга – яъни, қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши қатъий курашиш, институционал салоҳиятни юксалтириш ва кучли демократик институтларни шакллантиришга боғлиқ» [11].

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ички ишлар Вазирлиги статистик маълумотларининг таҳлили.
2. Дохинская декларация о включении вопросов предупреждения преступности и уголовного правосудия в более широкую повестку дня Организации Объединенных Наций в целях решения социальных и экономических проблем и содействия обеспечению верховенства права на национальном и международном уровнях, а также участием общественности / [https://www.unodc.org/documents/congress/Declaration/V1504153\\_Russian.pdf](https://www.unodc.org/documents/congress/Declaration/V1504153_Russian.pdf) (Мурожаат қилинган сана: 26.01.2021).
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси - Т.: «Ўзбекситон» НМИУ, 2020 – Б.67 (74-б).
4. Михайлов А.Е., Ткачук Т.А., Бутенко Т.П. Проблемы восприятия лицом, осуществляющим предварительное расследование функций по профилактике преступлений. - Вестник АмГУ. Выпуск 70, 2015 / <https://cyberleninka.ru/article/n/problemy-vospriyatiya-litsom-osuschestvlyayuschim-predvaritelnoe-rassledovanie-funktsiy-po-profilaktike-prestupleniy> (Мурожаат қилинган сана: 10.02.2021).
5. Даствлабки тергов: ИИВ Академияси учун дарелик: қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашр / А. Х. Раҳмонкулов, Д. М. Миразов, А. О. Шарафутдинов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б.484-485 (665 б).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентинг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли Қарори / <https://lex.uz/docs/3735818> (Мурожаат қилинган сана: 13.02.2021)
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-

сон қарори / <https://nrm.uz/contentf?doc=495100> (Мурожаат қилинган сана: 13.02.2021)

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 08 январь кундаги «Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 15-сонли Қарори / <https://lex.uz/docs/3499747> (Мурожаат қилинган сана: 13.02.2021).

9. Олий суд Пленумининг 2020 йил 19 декабрдаги «Жиноят сабаблари ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича судлар ролини ошириш тўғрисида»ги 34-сонли Қарори / <https://lex.uz/docs/5208203> (Мурожаат қилинган сана: 12.02.2021)

10. Саидов Б.А. Умархонов А.Ш Жиноят процесси принциплари: Ўқув қўлланма Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. – Б.144 (192 б).

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020> (Мурожаат қилинган сана: 13.02.2021)

## ТИНТУВ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ПСИХОЛОГИЯСИ

Хомидов Воҳиджон Адхамович  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Аннотация:** Мақолада амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва суд-тергов фаолиятининг таҳлили асосида тинтув тергов ҳаракатининг моҳиятини очиқ бериш йўли билан жиноят-процессуал муносабатларда ушбу тергов ҳаракатининг қўлланилиши, амалиёт ходимлари томонидан уларнинг моҳиятини тўғри талқин этилиши ва энг муҳими мазкур тергов ҳаракати чуқур таҳлил қилиниб, ушбу жараёнда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** тинтув, айбсиз шахс, жиноят ишини тугатиш, айблов, жиноий ҳодисаси, жиноят таркиби, жиноятга дахли бўлмаса.

Суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносида ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир. Тинтув қидириладиган шахсни, шунингдек мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин (ЖПК 158-модда).

Жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган жиноий йўл билан топилган предметлар ва ҳужжатлар, қимматбаҳо нарсалар бирон шахсда ёки бирон жойда сақланиши маълум бўлса ёки бу тўғрида бирон гумон пайдо бўлса тинтув ҳаракатини ўтказиш учун асос бўла олади. Шу билан бирга тинтувни ўтказиш мақсалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: иш бўйича далилий аҳамиятга эга бўлган предметларни, ҳужжатларни аниқлаш (топиш) ва олиш; қидирувда бўлган шахсларни топиб, уларни ушлаб олиш ёки шу шахсларнинг қаерда яшириниб юришини кўрсатувчи материалларни аниқлаб топиш ва олиш; аҳамиятли бўлган моддий маблағларни (пуллар, қимматбаҳо нарсалар, акциялар, қимматбаҳо металллар ва тошларни) аниқлаб, топиш ва олиш; келажакда мусодарани таъминловчи ёки жиноятдан кўрилган зарарни қопловчи мулкни топиш ва уни хатлаб қўйиш ва бошқ..

Тинтув ўтказиш учун қидириладиган объектнинг аниқ сақланаётган жойини билиш талаб қилинмайди ва бу ҳолат уни олиб қўйишдан ажратади.

Тинтув ўтказиш ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан фарқли ўлароқ, терговчининг излов фаолияти тинтув вақтида кўпинча қидириладиган нарсалар топилишидан манфаатдор бўлмаган шахслар билан бевосита мулоқот шароитида, ўзларининг процессуал мақомига кўра терговчининг ҳаракатлари самарадорлигини, индивидуал психологик, касбий хислатларини ва унинг шахсига хос бошқа жиҳатларни баҳолаш учун бевосита имкониятга эга бўлган шахсларнинг очикчасига руҳий қаршилик кўрсатиши шароитида амалга оширилади[1].

Тинтув психологик жиҳатдан мураккаб ва ўзига хос тергов ҳаракати ҳисобланади. Унинг асосий элементларидан бирини тинтув қилинаётган шахсга нисбатан мажбурлов чораларининг қўлланиши ташкил қилади[2]. Тинтув вақтида терговчи ва унда иштирок этаётган бошқа мансабдор шахслар жиноятни тергов қилиш чоғида бирор тураржой, хизмат, ишлаб чиқариш биносига ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлганларида тинтув ўтказадилар.

Тинтув яширилган (кўпинча била туриб онгли равишда яширилган) объектларни қидириб топиш бўлиб, кўздан кечиришдан фарқли равишда терговчи ёки суриштирувчига ушбу ҳаракат олдига қўйилган мақсаднинг маълумлиги, шу билан бирга, қидирилаётган объект қаерда эканлигини аниқлаш йўллариининг ниҳоятда ноаниқлиги билан ажралиб туради.

Тинтув – шахсларни, предметларни, хоналарни онгли равишда яширилган объектларни топишда фаол ва мақсадга йўналтирилган ҳолда идрок этилган, кейинчалик тўпланган маълумотларни анализ ва синтез қилишдан иборат бўлган тергов ҳаракати.

Тинтув ўтказиш терговчи ёки суриштирувчидан турли психологик сифатлар, профессионал билим, қобилият ва малакани талаб қилади. У тинтув учун кўмаклашадиган омил, вазиятлардан фойдалана билиши шарт. Муайян мақсадни кўзлайдиган кузатув ҳамда тинтув ўтказилаётган жойда ҳолатни тўғри таҳлил қилиш, қидирилаётган шахс ёки қидирилаётган нарса ёки ҳужжатни яширган шахс психологиясидан бохабар бўлиш, тинтув қилинаётган шахс хулқ-атворини кузатиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан тинтув кўп босқичли фаолият бўлиб, унда иштирок этаётган ходимлар ҳаракатларини мувофиқлаштириб олиш, умуман ҳар томонлама тайёргарлик ва ишларни режалаштиришни талаб этади. Шунинг учун тинтув қилинажак объектнинг ҳамда тинтув тартибининг режасини тузиб олиш, унда ҳар бир иштирокчининг вазифаларини белгилаб қўйиш, холисларни таъминлашни аввалдан ўйлаш керак.

Тинтув ўтказишда ташкилий ишлар одатда терговчи зиммасига юкланади. У ўз ҳаракатлари ва бошқа иштирокчиларнинг ҳаракатлари аниқлиги, бир-бирини тўлдириши, узлуксизлиги ва самарадорлигини таъминлаши лозим. Жумладан, терговчи тинтув вақтини тайинлайди, тергов ҳаракати иштирокчиларини жамлайди, зарур техник воситаларни тайёрлайди, зарурат туғилганда мутахассисларни жалб этади, тинтув қилиниши лозим бўлган жой эгаларининг шахсларини ўрганишни уюштиради, тинтувнинг энг мақбул тактикасини белгилайди[3].

Тинтув пайтида маълумот олишнинг асосий усулларида бири кузатиш ва унинг натижаларини дарҳол таҳлил қилиш ҳисобланади.

Айниқса, тинтув қилинаётган шахс хулқ-атвори жуда кўп нарсаларни ойдинлаштириш мумкин. Бундай кузатишдан имкони борича тўлароқ ва ҳаққонийроқ натижага эришиш учун бевосита тинтув вазиятида тинтув

қилинаётган шахс хулқ-атворининг психологик қонуниятларидан ҳар томонлама бохабар бўлиш зарур.

Тинтув ўтказиш учун турли соҳа мутахассисларини ҳам жалб этиш керак, улар ҳар бир нарсанинг моҳиятини, қўлланиш соҳасини, ундаги нуқсонларни, ўзига хос аломатларини илғаб олишга қодирдирлар.

Тинтув ўтказиш учун хоналарни хонадон эгаси фойдаланадиган чирок нуридан ортиқроқ даражада ёритиш, теварак-атрофни яхшироқ идрок қилиш шароитини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу тинтув қилинаётган шахс оддий ёруғликда кўрмай, пайқамай қолган, йўқотишга улгурмаган белги ва изларни топиб олиш имконини яратади.

Аксарият ҳолларда тинтув қалтис вазиятларда, асабий таранглик, мураккаб психологик муҳит, нафрат, қаҳр-ғазаб кучайган вақтларда ўтади. Тинтув жараёнида можароли вазият туғиладиган бўлса, таъсир кўрсатиш методларидан бири – буйруққа буйсундириш ҳам қўлланиши мумкин. Бу ўша заҳоти тинтув қилинаётганнинг хулқи, организмнинг асаб-гуморал регуляция жараёни ўзгаришига олиб келади.

Терговчининг иккинчи муҳим вазифаси – тинтув жараёнида тинтув ўтказилаётган жой эгаси билан мулоқот (контакт) ўрнатишдан иборат. Тинтув пайтида тинтув қилинаётган шахсни имкони борича суҳбатга тортиш, у ёки бу предметларнинг зарурати ҳақида саволлар бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Унинг сўзлари ички ҳолатини, терговчининг айрим ҳаракатларига ёки сўз бораётган нарсага муносабатини сездириб қўяди. Сўз оҳанги, гапириш услуби кишининг ҳақиқий кечинмалари, муносабати тўғрисида нисбатан кўпроқ маълумотларни бериши мумкин.

Тинтув тергов ҳаракати амалга ошириладиган жой эгасида намоён бўладиган турли хатти-ҳаракатлар:

– тинтув иштирокчилари диққатини айрим жой ёки предметлардан чалғитиш, тинтувга халақит бериш ва уни тўхтатишга уриниш;

– баъзи нарсаларни олиб қўйиш ёки уларга кишиларни яқинлаштирмасликка интилиш;

– тинтувнинг бесамаралиги, айрим объектларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқлигига ишонтириш кабиларда намоён бўлиб, унга нисбатан сезгирлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Терговчи тинтув мобайнида ахлоқий-этик меъёрлар доирасидан четга чиқмаслиги, бошдан охиригача хушмуомалалик билан иш кўриши, қўполлик, ҳақорат, кўрқитишга йўл қўймаслиги зарур. Терговчи уйи тинтув қилинаётган шахсга нисбатан нафрат, ғазаб, жирканиш ҳисларини яшира олиши, ўзини тута билиши, айниқса, хатти ҳаракатлари билан оиланинг бошқа аъзолари иззат-нафсига тегмаслиги даркор.

Тинтув пайтида ҳужжатларни, тинтув қилинаётган шахснинг шахсий ҳаётига оид гувоҳномаларни, ёзишмалар, суратлар, кундаликларни кўздан кечириётганда терговчилик одобига риоя қилиш талаб қилинади.

Психологик характерга эга муаммолар тинтув бошиданок пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун айбланувчи ёки гумон қилинувчининг уйига киришда шундай усулни қўллаш керакки, қаршилик кўрсатиш, жиноят қуролларини, қимматбаҳо буюмларни, муҳим далилий ашёларни яшириш ёки йўқ қилишга имкон қолмасин.

Тинтув ўтказилаётганда айбланаётган шахснинг маълумоти, маданияти, касби, билими, ақл-идроки, қобилиятини эътиборга олиш муҳимдир. Бу далилий ашёларни яшириш жойи ва усулини чамалаб олишда катта ёрдам беради. Шунини таъкидлаш керакки, ўқотар қурол ёки портловчи моддаларни излаб топиш мақсадида ўтказиладиган тинтувда тинтув ўтказиётган кишилар ҳамда шу ердаги бошқа одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш энг асосий шартлардан биридир, шунинг учун тергов ҳаракати бошланиши билан шахсий тинтув ўтказилмоғи талаб қилинади.

Айбланувчи ва унинг оила аъзоларини иш учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни топиш мақсадида бошдан-оёқ тинтиб кўришни эса тинтув жараёнининг охирида ўтказган маъқул.

Тинтув мобайнида айбланувчини фош этадиган предметларнинг топилиши уни оғир психологик аҳволга солиб қўяди, кўпгина психологик жараёнларни издан чиқариб, содир этилган жиноятга дахлсизлигини тасдиқлашга уринишдан иборат иродавий ҳаракатларини султлаштиради. Ана шунини ҳисобга олган ҳолда тинтув пайти топилмаган маълумотларни янги ҳолатлар билан мустаҳкамлаб олиш мақсадида тинтувдан кейин дарҳол сўроқ ва юзлаштиришни ўтказиш яхши самара беради.

Тинтув ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан яна шуниси билан фарқ қиладики, унинг объект географияси жуда ҳам кенгдир. Тинтув ўтказишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ҳаракати, эътибори жиноятчининг атайлаб яширган нарсаларини топишга қаратилади. Тинтув ўтказишдан аввал тинтув ўтказувчининг бунга тўлиқ асоси бўлиши керак.

Тинтув тергов ҳаракатининг психологик ўзига хослиги қуйидагича:

- 1) тинтувнинг мажбурлаш характерига эгалиги;
- 2) тинтувда зиддиятли ҳолатларнинг юзага келиши;
- 3) тинтувда аниқ стресс ҳолатларининг мавжудлиги;
- 4) тинтувда муаммоли ҳолатларнинг мавжудлиги.

Тинтув олиб бориш “яширувчи” (уй эгаси) ва қидирувчи (терговчи) шахслар психологиясидаги қарама-қаршиликлар курашидан иборат. Шунинг учун ҳам тинтув психологик жиҳатдан оғир ва ўзига хос тергов ҳаракатларидан бири ҳисобланади.

Яширилган нарсани топиш учун терговчи икки турдаги фаолиятни амалга ошириши лозим:– муайян объект қаерда эканлигини топишдан иборат қуйилган вазифани фикран ҳал қилиш, бунинг учун яширган шахснинг фикрий жараёнлари ва ҳаракатларининг эҳтимол тутилган кетма-кетлигини очиб бериш; – терговчининг яширилган нарсани излаб топиш борасида ҳаракат қилиши.

Терговчи тинтув ўтказилаётган шахсининг объектни яшириш усули ва жойи ҳақидаги масалани ҳал қилиш чоғида унинг фикрлаш йўллари билиши жуда муҳим. Одатда, ҳар қандай инсон объектни яшириш ҳақидаги масалани мавжуд амалий имкониятлар, объектнинг хусусиятлари, касб-кори, касбий билимлари ва ниҳоят, ўзининг аниқ руҳий ҳолатларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади. Юқорида баён этилганлардан келиб чиқадики, тинтув ўтказиладиган инсоннинг шахсини, ҳаётининг барча шарт-шароитларини аввалдан ўрганиш ниҳоятда муҳимдир. Тўпланган маълумотлар кўп жиҳатдан рефлексив тафаккур – яширилган объектларни излаш усулларини аниқлаш имкониятларини оширади.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тинтув тергов ҳаракатининг самарали ўтказилиши кўп жиҳатдан мазкур тергов ҳаракатини ўтказиш тайёргарлиги қандай ташкил этилганлиги, иштирок этиши лозим бўлган процесс иштирокчиларининг тўғри танланганлиги, тинтув объекти ва субъектларининг ҳар томонлама ва чуқур ўрганилганлиги ва энг муҳими терговчининг тинтувни ўтказишга доир психологик билимларига чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир ҳолатда тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш учун терговчи юқорида санаб ўтилган ҳолатларга эътиборли бўлиши зарур.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // юридик фанлар доктори, професор М. А. Ражабова таҳрири остида. Тўлдирилган ва қайта ишланган учинчи нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 222 б.
2. Белева М.О. Ошибки, допускаемые в ходе обыска и при составлении протокола обыска // Актуальные проблемы науки и практики: гатчинские чтения-2019. Сборник научных трудов по материалам VI Международной научно-практической конференции. 2019. С. 347-351.
3. [https://www.elibrary.ru/download/elibrary\\_41111027\\_38277108.pdf](https://www.elibrary.ru/download/elibrary_41111027_38277108.pdf)
4. Янина Т.Н., Янин С.А. [К вопросу об участии специалиста криминалиста в производстве обыска // Сборник материалов криминалистических чтений. 2012. № 8. С. 120-122.](#)



**АЖДОДЛАРДАН ҚОЛГАН МАНГУЛИК МЕРОС**

Зоирова Юлдуз Мансуровна

Термиз музей кўриқхонаси Этнография бўлими етакчи мутахассиси

**Аннотация** Ушбу мақолада Сурхон воҳасининг тарихи, тарихий ёдгорликлари ва улардан топилган ашёлар тарихий аҳамияти, воҳанинг этнографияси ҳақида тўхталиб ўтилади.

**Калит сўзлар:** Жарқўтон, Сополлитепа, Тавка кўрғони, Холчаён, Далварзинтепа, Зартепа, этнографик жараёнлар таҳлили.

Сурхон воҳаси ўз табиати ва тарихи, ижодкор, истъдодли халқи, ажойиботлари, ўзига хос кадрятлари билан ҳамиша донг таратиб келган. Жумладан, бу юртда халқ хунармандчилиги аждодлардан авлодларга мерос бўлиб, тобора ривожланиб, такоминлашиб борган. кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, заргарлик, мисгарлик, тикувчилик, тўкувчилик темирчилик, зардўзлик ксблари санъат даражасида кўтарилган бўлиб, уларнинг сир-асрорлари авлоддан авлодга ўтиб келган.

Албатта, хунармандчилик буюмлари ва кийим-кечаклар, гилам, кашталар, кулолчилик ҳамда зебу зийнат буюмлари аҳолининг кундалик эҳтиёжидан келиб чиқиб тайёрланган. Аммо гўзалликка интилувчи халқ уларни нафис, гўзал, сифатли, узоқ вақтлар фойдаланиш мумкин бўлгандаражада қилиб тайёрлашга катта эътибор берган. Мана, кулолчилик буюмларини олиб кўрайлик. Қадимги ота-боболаримизнинг турли буюмлар яшашдаги асосий хомашёси лой бўлган. Ундан идиш –товоқлар, ҳайкалчалар, кўза ва хумлар, тандир, қувур ва бошқа буюмлар яшашган. Жарқўтон, Сополлитепа, Товканинг кўрғони ва бошқа археологик обидалардан топилган кўза ва хумлар, терракота(лойдан ясалган кичик ҳайкалча)лар, чироқ ва шамдонлар ўзининг бежиримлиги, яхши пиширилганлиги, нақш ва безаклари билан диққатни тартади. Таъкидлаш жоиски Шерободнинг кулолчиликка мос соз тупроғи ана шундай хунармандчилик, санъат намуналарини яшашга имкон беради.

Кулолчилик асрлар мобайнида Шерабод беклиги ва унга ёндош ҳудудларда эъзозланиб келган. Яқин вақтларгача Шерободда ака-ука машхур кулоллар Ҳамро ва Тўлабой Ашуровлар томонидан ясалган кулолчилик буюмлари доврўф таратган эди. Бугунги кунда улар авлодлари бу ишини давом эттиришмоқда. Шунингдек Шерободда керамика заводининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам асрий анъаналар боғлиқ. Воҳамизда мисгарлик, заргарлик санъати ҳам қадимдан халқимизнинг энг эозли кадрятлариаднбири сифатида яшаб келаяпти. Бойсунлик заргарлар, шерободлик ва деновлик мисгарлар хунармандчилик санъатининг ҳам ўзига хос жиҳатлари сирлари бор. Умуман, сурхондарёликлар мис идишларни икки хил йўл билан: металлни эритиб қолипга қуйиш ва қизитиб, болға ёрдамида

ишлов бериш орқали ясаганлар. Чойдиш, патнис, кумфон, офтоба, обдаста, коса, лаган, қўл чайдеган идишлар ана шундай меҳнат маҳсулидир.

“Термиз” давлат музей-қўриқхонаси ходимларининг воҳамиз қишлоқ ва шаҳарлари бўйлаб ўтказган кўпдан-кўп ижодий сафарлари, илмий экспедициялари давомида мис идиш товоқлар, зеб-зийнат ва заргарлик буюмларидан жуда кўплаб намуналар тўплагнлар ва музей кўргазмаларидан ўрин олган.

Албатта, воҳа одамлари турмуш тарзини, маънавияти ва маданиятини, диди ва эстетика қарашларини белгилашда уларнинг миллий либосларини ўрганиш катта аҳамият касб этади. миллий кийим кечаклар воҳамизда яшаётган турлича урф одат кийиниш ва шеваларга ўзбек ва тожик, туркман ва бошқа халқлар ҳаётини, ўзига холислигини, диний анъаналарини, қадратларини ўрганиш манбалри ҳисобланади. Ўрганишлар давомида Сурхон воҳаси эркаклари енгил кийимлардан яктак, кифтаки, чалвор, пойжама, устки кийимларидан желак, чакмон, чопон, гупича, кебанак, пўстин, бош кийимларидан салла, дўппи, кулоҳ, каллапўш, шаппўш ва шу кабиларни кийишгани аниқланган. Албатта, бу кийим кечакларнинг материали тикилиши, безаклари турлича бўлган. музей ходимлар этнографик экспедициялар давомида хотин-қизлар кийим кечаклар ва зеб-зийнат буюмларини ўрганишга алоҳида эътибор берганлар ва бермоқдалар. Албатта, аёлларнинг кийим кечаклари ҳам уларнинг ёши ва касби-кори, яшаш тарзига қараб, турлича бўлган. Масалан, кўйлақлар турли бичимда ва турли хил, кўпинча очиқ рангдор матолардан тайёрланган. Улар нибатан кенг қилиб тикилган. Воҳа қизлари ва кампирлар кўнгдаланг ёқали яъни, елка ёқали либослар кийганлар. Айрим қишлоқларда улар кифтаки деб аталган. Таъзия даврида ва байрам кунлари кийиладеган кийим-кечаклар бир-биридан кескин фарқ қилган. Аёлларнинг уски кийимлари сирасига курта ва чопон, камзул, юпқа матолардан тикилган халат кабилар кирган. Воҳа қизларинг қадимги бош кийимларидан бири қасава бўлиб, у алоҳида ўрганишга лойиқдир

Воҳада турли заргарлик буюмлари ҳам яратилган ва хотин-қизлар томонидан кенг фойдаланилган Холчаён, Далварзинтепа, Зартепа, Сополлитепа, Жарқўтон, Қизқўрғондан топилган шундай буюмлар халқимизнинг ота-боболаримизнинг бу борада катта маҳорат ва бой фантазиясига эга эканликларини кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. С.Турсунов, Т.Пардаев. Сурхондарё – этнографик макон.
2. С.Турсунов, Т.Пардаев, А.Пайғамов, Н.Нарзуллаева. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Тошкент. 2013 й.

## MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA NUTQ O`STIRISH MASHG`ULOTLARIDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH

Yusupova Barchin Abdulkarimovna

Surxondaryo viloyati Termiz tumani 6-maktabgacha ta'lim tashkiloti Tayyorlov guruh  
tarbiyachisi

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Maktabgacha ta'lim tashkilotlarida nutq o`stirish mashg`ulotlari, mashg`ulotlarda innovatsion texnologiyalardan foydalanish, haqida fikr yuritilgan.

**Kalit so`zlar:** nutq o`stirish mashg`ulotlari, innovatsion texnologiyalar, maktabgacha ta'lim, interfaol metodlar

Mustaqil O'zbekistonimizning ravnaqi bugungi yosh yangi avlodning har tomonlama to'laqonli, barkamol shaxs sifatida shakllanishiga ko'p jihatdan bog'liqdir. Chunki davlat mustaqil fikrlaydigan, ruhi komil, dili pok insonlar tomonidan quriladi va mustahkamlanadi. Mamlakatimizda barkamol avlodni voyaga yetkazish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishidir. Kadrlar tayyorlash milliy dasturi yosh avlod uzluksiz ta'lim va tarbiyasining butun jarayonini qamrab oluvchi yagona ta'lim majmui hisoblanadi. Uning dastlabkisi – maktabgacha ta'lim bosqichidir.

XXI asr boshlarida kechayotgan global ijtimoiy-iqtisodiy va geosiyosiy jarayonlar, dunyoning g'oyaviy-mafkuraviy qiyofasini o'zgartirib, yangicha tafakkur va dunyoqarashni shakllantirishni taqozo etmoqda. Maktabgacha ta'lim tizimi uzluksiz ta'limning birlamchi, eng asosiy bo'g'inidir. Mutaxassislarining ilmiy xulosalariga ko'ra, inson o'z umri davomida oladigan barcha axborot va ma'lumotlarning 70%ni 5 yoshgacha bo'lgan davrda oladi. SHu bois bolalarning sog'lom va bilimli, yetuk kadrlar bo'lib voyaga yetishida maktabgacha ta'lim jarayonida oladigan tarbiyasi juda muhim o'rin tutadi.

O'zbekiston Respublikasining Prezidenti bu tizimga alohida e'tibor qaratmoqda. Shu masalaga doir bir necha yig'ilishlar o'tkazildi, qarorlar qabul qilinmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzurida 2017 yil 16 avgust kuni bo'lib o'tgan yig'ilishda maktabgacha ta'lim tizimini tarkibiy jihatdan tubdan isloh qilish, mazkur muassasalarga bolalarni to'la qamrab olish bo'yicha muhim vazifalar qo'yilgan edi. Mazkur sohani takomillashtirish maqsadida qabul qilingan dasturda maktabgacha ta'lim sohasi uzluksiz ta'lim tizimining birlamchi bo'g'ini sifatida, bu jarayonda maktabgacha ta'lim muassasalarining bolalar huquqiy savodxonligini shakllantirishdagi o'rnini hamda, respublikada ta'lim-tarbiya tizimi va barkamol avlodni tarbiyalash davlat siyosatining asosiy ustuvor yo'nalishi ekanligi ta'kidlangan.

Ushbu o'zgarishlarning ma'lum qismi mavjud didaktik yondashuvlarning tarkibi sifatida chiqqan bo'lsa, yana bir qismi dunyodagi ta'lim tizimi rivojlangan mamlakatlar olimlarining pedagogik tajribalariga suyangan holda paydo bo'ladi. Innovatsion

pedagogik texnologiyalarning mamlakatimiz ta'lim sohasiga kirib kelishi alohida e'tibor qaratadigan yo'nalishlardan biri ekanligini qayd etish zarur.

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol metodlar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarini o'quv jarayoniga qo'llashga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan - kunga kuchayib bormoqda, buning sabablaridan biri, shu vaqtgacha an'anaviy ta'limda ta'lim oluvchilarni faqat tayyor bilimlarni egallashga o'rgatilgan bo'lsa, zamonaviy texnologiyalar ularni egallayotgan bilimlarini o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, xatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi. Tarbiyachi bu jarayonda shaxsning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi va shu bilan ta'lim jarayonida shaxs asosiy figuraga aylanadi.

Shuning uchun barkamol avlodni voyaga etkazishda zamonaviy o'qitish metodlari - interfaol metodlar, innovatsion texnologiyalarning o'rni va roli benihoya kattadir. Pedagogik texnologiya va pedagog mahoratga oid bilim, tajriba va interfaol metodlar barkamol avlodni bilimli, yetuk malakaga ega bo'lishlarini ta'minlaydi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun nutq o'stirish mashg'ulotlari innovatsion texnologiyalardan, faol o'qitish usullaridan, o'yinli texnologiyalardan keng va samarali foydalangan holda amalga oshirilsa, bolalarda faol va mantiqiy fikrlash qobiliyati, diqqati, mantiqiy xotirasi, aqliy qobiliyati rivojlanadi.

Ta'lim tizimidagi islohotlar va davlat tili to'g'risidagi qonun bolalar nutqini shakllantirish, xususan, maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqini o'stirish metodikasi va amaliyotida o'zgarishlar bo'lishini taqozo etadi. Hozirgi paytda maktabgacha katta yoshdagi bolalar nutqini rivojlantirishga yanada yuqoriroq talablar qo'yilmoqda. Bu talablarga javob berish nutqni rivojlantirishga oid yangi izlanishlarni taqozo etadi.

Nutq bevosita tilni, uning qonun-qoidalarini ongli ravishda idrok etish, ifodali nutq tuza olish mahoratini egallash bilan birga madaniy-ma'rifiy turmushning barcha sohalarida o'zligini namoyon etadi. Demak, nutq o'stirish mashg'ulotlari jamiyat ma'naviyatini yuksaltirishda, bolalarda bilim, aql, his-tuyg'u, iroda, ishonch, ong, tafakkur kabilarni shakllantirishda, barkamol avlodni voyaga yetkazishda muhim hisoblanadi.

Albatta, bu ishlarni amalga oshirishda uzluksiz ta'lim turlari, ayniqsa maktabgacha ta'limning o'rni beqiyosdir. Chunki, bolalarga nutq madaniyatining asosiy tushunchalari haqida ma'lumot berish, ularni ifodali o'qishga o'rgatish, xushmuomala, shirinso'z bo'lish, aql-idrokini o'stirish, ma'rifat ziyosidan baxramand qilish, umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash bevosita maktabgacha ta'lim mazmunidan chuqur o'rin olgan. Maktabgacha ta'limning poydevori qanchalik mustahkam bo'lsa, bolaning dunyoqarashi, nutqi shunchalik rivojlanadi, kamol topadi.

**Maktabgacha ta'lim uzluksiz ta'limning birinchi bosqichi hisoblanib, u maktabda o'qish uchun tayyor bo'lgan sog'lom va to'laqonli shaxs sifatida shakllangan bolani tarbiyalashni ko'zda tutadi. Bolani maktabda muvaffaqiyatli ta'lim olishga tayyorlash uchun unga ona tilining barcha boyliklarini egallab olish uchun tegishli shart-sharoitlarni yaratish zarur.**

Maktabgacha ta'lim muassasasining asosiy vazifalaridan biri bolalarning o'z xalqining badiiy tilini o'zlashtirib olishlari natijasida ularning to'g'ri og'zaki nutqini shakllantirishdan iboratdir. Bu umumiy vazifa quyidagi maxsus vazifalardan iborat: nutqning tovush madaniyatini tarbiyalash, lug'atni boyitish, mustahkamlash va faollashtirish, nutqning grammatik to'g'riligini takomillashtirish, og'zaki (dialogik) nutqni shakllantirish, ravon nutqni rivojlantirish, badiiy so'zga qiziqishni tarbiyalash, savod o'rgatishga tayyorlash.

Bolalar nutqini rivojlantirishni tegishli «Ilk qadam» dasturi asosida amalga oshirish zarur. Ushbu dasturda atrof-olam haqidagi bilimlar doirasi va lug'at xajmi, har bir yosh bosqichida bolalarda shakllanishi lozim bo'lgan nutqiy mahorat va ko'nikmalar belgilangan bo'lib, u shaxsning muayyan sifatlarini (kirishimlilik, xushmuomalalik, salomlilik, bosqlik) tarbiyalashni ko'zda tutishi lozim.

Nutqni rivojlantirish dasturi ilmiy asoslarda qurilgan bo'lib, u butun mazmuni bilan bola shaxsini har tomonlama rivojlantirishga qaratilgan. Nutqni rivojlantirish dasturi bola faoliyatining o'quv, o'yin, mehnat va maishiy kabi shakllarida amalga oshadi. Jamoat tarbiyasi sharoitida ta'lim - bola nutqini shakllantirishning yetakchi vositasi hisoblanadi.

Hozirgi kunda ta'lim jarayoniga innovatsion texnologiyalar va interfaol metodlarni qo'llashga qiziqish tobora keng tus olmoqda. Bunday metodlarni qo'llash ta'lim samaradorligi va ta'sirchanligini oshiradi, bolalarning o'qish motivlarini o'stiradi.

Bolalar nutqini o'stirish va lug'atini boyitishda qator metod va usullardan foydalaniladi. Xar bir metod didaktik vazifalarni hal etish – ya'ni, bolalarga yangi narsalarni tanishtirish, mahorat va ko'nikmalarni mustahkamlash, o'zlashtirilgan narsalarni ijodiy ravishda qayta ishlash uchun xizmat qiladigan usullar majmuasidir.

*Metod* deb bilimlarni biridan ikkinchisiga berish maqsadida tarbiyachi va tarbiyalanuvchi tomonidan amalga oshirilayotgan xarakterga aytiladi.

*O'qitish usuli* – bu metodning bir elementidir. Usullarni ko'rgazmaliligi va emotsionalligiga qarab so'zli, ko'rgazmali, o'yinli, interfaol usullarga ajratish mumkin.

Nutq o'stirish mashg'ulotlarida pedagogik texnologiyalarga asoslanish va innovatsiyaga intilish, bolalarni faollashtirishga qaratilgan turli interfaol usullarni foydalanish ta'lim maqsadini samarali amalga oshirishga yordam beradi va bolalarda mashg'ulotga nisbatan qiziqishni uyg'otadi, ularning faolligini oshiradi. Natijada o'zlashtirish darajasi ortadi. Tez va to'g'ri fikrlashga yo'naltirish, mashg'ulot mazmunini guruhlarda tahlil qilish, o'yin vositasida bilim egallash, kuzatuv, kichik guruhlarda ishlash, bahs, amaliy o'yin va mashqlar bajarish, videofilmlar namoyishi, ko'rgazmali materiallardan foydalanish, turli xil kompyuter dasturlarini qo'llab mashg'ulotlarni tashkil etish juda yaxshi samara beradi.

Nutq o'stirish mashg'ulotlari – bolalarning bilish qobiliyatini rejali, aniq maqsadni ko'zlagan holda rivojlantirish, ularning atrof-olam haqidagi eng oddiy

bilimlarni va tegishli lugʻatni oʻzlashtirish, nutqiy mahorat va koʻnikmalarni shakllantirish jarayonidir.

Maktabgacha yoshdagi bolalarni oʻqitishning asosiy shakli – mashgʻulotlardir. Nutq oʻstirishga doir mashgʻulotlar har bir guruhda bolalarning yosh imkoniyatlarini va har bir bolaning nutqiy rivojlanganlik darajasini hisobga olgan holda amalga oshirilishi lozim. Chunki bilimlar mazmuni, ularning tarkibi, usullarni tanlash, haftasiga oʻtkaziladigan mashgʻulotlar soni, har bir mashgʻulotning davomiyligi shunga bogʻliq boʻladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Oʻzbekiston Respublikasi Ilk va maktabgacha yoshdagi bolalar rivojlanishiga qoʻyiladigan davlat talablari-2018 y Registr. № 3032 03.07.2018 dan
2. Grosheva I.V., L.G, Mahmudova D.T., Nabixanova Sh.B., Pak S.V., Djanpeisova G.E. “Ilk qadam” Davlat oʻquv dasturi. maktabgacha taʼlim muassasalari uchun. 2018 y.
3. Fayzullaeva M., Raximova Z., Rustamova M., Maktabgacha yoshdagi bolalarning nutqini oʻstirish. (tayyorlov guruhi uchun mashgʻulotlar ishlanmasi). T., 2011 y.
4. Qodirova R.M., Nutqni rivojlantirish nazariyasi va metodikasi kursiga oid namunaviy dastur. T., 2000.

**ZARDUSHTIYLIKDA DINIY URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR TARIXI**

Soliyev Sarvarbek

O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi, Dinshunoslik yo'nalishi 1-bosqich talabasi

**Annotatsiya:** Zardushtiylarning muqaddas kitobi Avestaning yurtimiz tarixi, madaniyati, qadriyat va an'analari borasida o'sha davr haqidagi ma'lumotlari bugungi kunda noyob manba hisoblanadi.

**Kalit so'zlar:** zardushtiylik, Avesta, "namach", nous, gohlar, madaniyat, yuksalish va boshqalar

Zardushtiylik yurtimizning madaniy va ma'naviy yuksalishi borasida o'zining sezilarli hissasini qo'shgan din hisoblanadi. Ushbu dinga tadqiqotchi M.Boysning takidlashicha, miloddan avvalgi 1500 – 1200 yillar orasida yashab o'tgan va Spitama qabilasidan bo'lgan Pourushaspa o'g'li Zaratushtra asos solgan hisoblanadi. "**Zardusht**" so'zi asli yunon tilidagi **Zoroastr**, paxlaviy tilidagi **Zaratustra** so'zidan olingan bo'lib "boqiy yulduz", "chiroyli tuyalarga ega bo'lgan", yoki "sariq tuya etaklagan" degan ma'nolarni anglatadi.

Zardushtiylar e'tiqodiga ko'ra esa Zaratushtraga bu nom Ahura Mazda (yunoncha, Xurmuzd – "donishmandlik sohibi") tomonidan berilgan. Olimlar fikricha, Zardusht o'z davatini Vishtasp ismli podshoh davrida boshlagan. Bunga esa zamonaviy zardushtiylarning hozirgacha mill.avv 1738 yil shoh Vistashsp tomonidan qabul qilingan "mismohsard" "yil, oy, kun" kalendaridan foydalanib kelayotganlarini dalil qilib ko'rsatiladi. Zardushtiylik ta'limotiga ko'ra, Zardusht o'ttiz yoshga yetganida unga payg'ambarlik vazifasi yuklatilgan. U o'z tarafdorlari bilan birga Aivtak suvi qig'oqlariga xilvatga chiqib ketgan. Xilvatning 45 kechasi samoga ko'tarilib bir nechta farishtalar bilan birgauning ko'kragini yorib, ruhini poklaganlar. Maloyika Vohu Mana uni jannatga, yani Ahura Mazda huzuriga olib borgan. O'sha yerda u dinning hukmlari bilan birga yulduzlar, sayyoralar, jannat, jahannam va boshqa narsalarning ilmini o'rgangan. Shundan so'ng Ahura Mazda unga muqaddas kitob Avesta\*ning Gohlarini in'om etadi. Ushbu rivoyat zardushtiylarning muqaddas manbalari va tarixiy asarlarda uchraydi.

Zardusht ta'limotining o'zi esa ezgulik va yovuzlik o'rtasidagikurashning azaliy ekaniga asoslangan axloqiy xarakterdagi din bo'lib, unda adolatli bo'lish, oqillik, yaratuvchanlik va mehnatsevarlikyagona xudoga sig'inish targ'ib qilingan.

Dinning tarixiy kelib chiqishi, vatani borasidagi masala mana 270 yildirki avestashunos olimlarni qiziqtirib kelmoqda. Ba'zi taraflar uning kelib chiqish vatani Eron diyorida desa, yana bir guruh olimlar uning kelib chiqishini Movarounnahr va Xorazmga bog'lashadi. Biroq XX asrning so'nggi o'n yilligigacha bu borada aytarli fikr isbotlanmadi. Zardushtiylar muqaddas kitobi Avestaning tarixi haqida buyuk vatandoshimiz Abu Rayhon Beruniy "Podsho Doro ibn Doro xazinasida Abistonning o'n ikki ming qoramolterisiga bitilgan bir nusxasi bor edi. Iskandar otashxonalarini vayron qilib, ulardaxizmat qiluvchilarni o'ldirgan vaqtda uni kuydirib yubordi. Shuning uchun

o'sha vaqtda Abistonning beshdan uchi yo'qolib ketdi"- degan so'zlari Avestaning o'n ikki ming qoramol terisiga bitilganligi haqidagi rivoyatni tasdiqlaydi.

Zardushtiylik diniy marosim va urf-odatlarini tarixiga qisqacha to'xtaladigan bo'lsak, ulariga maxsus tayorgarlik ko'rilgan.

Masalan, zardushtiylar "Gohlar"-deb nomlanuvchi kunning besh mahalida "*namach*", yani namoz(ibodat)ini amalga oshirganlar:

1. *Xavan-goh* - tongdan peshingacha;
2. *Rapitvin-goh* – peshindan so'ng;
3. *Uzerin-goh* – kun botishidan oldin;
4. *Aivisrutrim-goh* – kun botgandan so'ng;
5. *Ushaxin-goh* – yarim kechadan tonggacha;

Ibodot va marosimlar esa qat'iy tartibda o'tkazilgan. Barcha marosimlarni olib borish diniy malakaga ega shaxslar orqali amalga oshirilishi; ishtirokchilar pok holda sidrapo'sh, kushti va bosh kiyimda bo'lishi; ayollar esa sochlarini ro'mol bilan berkitishi, ibodatlar Avesta va paxlaviy tilida olib borilishi lozimligi shular jumlasidandir. Zardushtiylikda poklanish va boshqa marosimlar muqaddas olov atrofida bajarilishi alohida ahamiyat kasb etgan. Bunda zardushtiylarning ibodatxonasida olovning uzluksiz yonib turishi ta'minlangan. Hattoki ba'zi ibodatxonalaridagi olovlar yuz yillar davomida o'chmay kelgan. Muqaddas olovlarga esa mo'badlar oilasi mas'ul hisoblangan. Yangi olovni yoqish esa istisno holatlardagina amalga oshirilgan.

Yana bir marosimlardan biri bu marhumni dafn qilish marosimi bo'lgan. An'anaviy dafn marosimi bo'yicha jasadni yerdan 4-5 metr balandlikdagi silindr shaklida bo'lgan maxsus joyga (tepalik)qo'yilib, unga o'liklar ustma-ust yotqizilgan. Yirtqich qush va hayvonlardan qolgan jasadning suyaklari terib olinib, maxsus quticha – nous (ostadon)larga solingandan so'ng qabrga qo'yilgan. Avestashunos olimi M.Boysning "Hozirgi zamon zardushtiylarning dahmalari" maqolasida 1970-yillar boshlarida Eronda jaslarni beton qabrlarga ko'mish amaliyoti boshlangani ta'kidlangan.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, zardushtiylikning islomgacha bo'lgan davrda Markaziy Osiyo xalqlari tarixida tutgan o'rnini beqiyos bo'lgan. Nafaqat Markaziy Osiyo, balki bu din bir paytlar Eron davlati rasmiy dini maqomigacha ko'tarilgani diqqatga sazovor, deb hisoblaymiz.

#### ADABIYOTLAR:

1. Abu Rayhon Beruniy. Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar // Tanlangan asarlar: T.I. – T., Fan, 1968. - 488 b.
2. Avesta: "Videvdot" kitobi. / M.Ishoqov tarj. – T.: TDSHI nashriyot - bosmaxona bo'limi, 2007. - 96 b.
3. Avesto: Tarixiy-adabiy yodgorlik // Asqar Mahkam tarjimai. – T.:Sharq, 2001. - 384 b., 16 b. zarvara.
4. Avesto: Yasht kitobi. / M.Ishoqov tarjimai. – T.: Sharq, 2001. - 126 b.
5. Avesto / Jalil Do'stqox tahriri ostida. – Tehron: Marvarid, 1991. -711b.



6. Qayumov A.P. Xurdo Avesta. //A.Qayumov, M.Ishoqov, A.Otaxo‘jayev, Q.Sodiqov. Qadimgi yozma yodgorliklar. – T.: Yozuvchi, 2000. - 232 b.
7. Makhmudova G. About native land of zoroastrianizm and Avesta. – USA, Kontinent, 2008. - 93 p.
8. Paggiaro L. La civiltà della Persia e la riforma religiosa di Zarathustra. –Piza, 1956. – R.110 .
9. Boys Meri. Zoroastriysy. Verovaniye i obichai. – M.: Nauka, GRVL., 1988. - 303 s.
10. Braginskiy I.S. Iz istorii persidskoy i tadjikskoy literaturi. – M.: Nauka, GRVL., 1972. - 524 s.

## ПРИМЕНЕНИЕ ГРАФОВ В РАЗЛИЧНЫХ ОБЛАСТЯХ ЖИЗНИ ЛЮДЕЙ

Бурханова Шахзода Икром кизи

Студентка факультета Прикладной математики Джизакского филиала  
Национального Университета Узбекистана

**Аннотация:** В данной статье предметом изучения и исследования является такое математическое понятие как применение графов к географические карты и молекулы химических соединений, связи между людьми и группами людей.

**Ключевые слова:** граф, деревья молекулярных графов, молекулярные графы, маршрут, стереохимия, вершина, ребро.

Графы широко используются в строительстве, электротехнике, менеджменте, логистике, географии, машиностроении, социологии, программировании, автоматизации технологических процессов и производств, психологии, рекламе. Итак, из всего вышесказанного неопровержимо следует практическая ценность теории графов, доказательство которой и являлось целью данного исследования.

В любой области науки и техники встречаешься с графами. Графы - это замечательные математические объекты, с помощью которых можно решать математические, экономические и логические задачи, различные головоломки и упрощать условия задач по физике, химии, электронике, автоматике. Многие математические факты удобно формулировать на языке графов. Теория графов является частью многих наук. Теория графов — одна из самых красивых и наглядных математических теорий. В последнее время теория графов находит всё больше применений и в прикладных вопросах. Возникла даже компьютерная химия — сравнительно молодая область химии, основанная на применении теории графов.

**Молекулярные графы**, применяемые в стереохимии и структурной топологии, химии кластеров, полимеров и др., представляют собой неориентированные графы, отображающие строение молекул. Вершины и ребра этих графов отвечают соответственным атомам и химическим связям между ними. В стереохимии организмов наиболее часто используют молекулярные деревья - основные деревья молекулярных графов, которые содержат только все вершины, соответствующие атомам C. Составление наборов мол. деревьев и установление их изоморфизма позволяют определять молекулярные структуры и находить полное число изомеров алканов, алкенов и алкинов. Существующие или вновь проектируемые дома, сооружения, кварталы и т. п. рассматриваются как вершины, а соединяющие их дороги, инженерные сети, линии электропередач и т. п. — как рёбра. Применение различных вычислений, производимых на таком графе, позволяет, например, найти кратчайший объездной путь или ближайший продуктовый магазин, спланировать оптимальный маршрут. Обыкновенные графы можно использовать для представления более абстрактных причинно-

следственных связей, например, **связей между различными видами патологий в медицине**. Доступ к такой информации связан в той или иной мере с использованием специальных средств прослеживания путей на графе, для которых разработаны самые различные алгоритмы. **Обыкновенное дерево классификации болезней, дерево административной структуры**. Оказывается, что при переливании крови от одного человека к другому не все группы совместимы. С помощью графа можно показать все возможные варианты переливания крови. **Лабиринты**, чтобы выделить отдельные **созвездия** из общего «звездного хаоса», первые астрономы условно соединили наиболее яркие звёзды линиями (построили графы) и т. п.

Таким образом, графы – замечательные математические объекты, с их помощью можно решать очень много различных, внешне не похожих друг на друга задач.

#### Литературы:

1. Умарова У.У. Применение графов к решению некоторых задач. Илм фан, таълим-тарбия ва инноватсион ғоялар Республика илмий-методик мақолалар тўплами Бухоро-2018 й. 57-59бет

**HIBAT-UL HAQOYIQ**

Tadjibayeva Dilnoza  
TVChDPI 4-kurs talabasi

Ulugʻlikka yetsang, yanglishma oʻzing,  
Agar kiysang atlas, unutma boʻzing.  
(“**Hibat-ul haqoyiq**”dan)

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada Ahmad Yugnakiyning eng mashhur asarlaridan biri boʻlgan “Hibat-ul haqoyiq” haqida soʻz yuritilgan.

**Kalit soʻzlar:** Hibat-ul haqoyiq, turkiy til, ijtimoiy-siyosiy voqealar, adab-axloq.

Adib Ahmad Yugnakiy didaktik adabiyotning mashhur vakili, turk mashoyixlaridan biridir. Uning “Hibat-ul haqoyiq (“Haqiqatlar tuhfası” yoki “Sevimli haqiqatlar”) nomli yagona taʼlimiy-maʼrifiy dostoni yetib kelgan. Ahmad Yugnakiy shoir emas, balki adab muallimi deb hisoblangan. Oʻziga xos axloq kitobi boʻlgan bu asarda Qurʼoni karim va Hadisu sharif maʼnolari yoritilgan. Adib islom dini axloqini mana shu asarida tashviq qilgan.

Alisher Navoiy oʻzining “Nasoyim ul-muhabbat” asarida adibning tugʻma koʻrliigi haqida fikrlarni quydagicha taʼkidlagan: “...koʻzlari butov (yopiq, bitgan) ermishki, also zohir ermas ermish. Basir (koʻrmaydigan) boʻlub , oʻzga basirlardek andoq ermas ermishki, koʻz boʻlgʻay va koʻrmas boʻlgʻay. Ammo bagʻoyat ziyrak, zakiy, zohid va muttaqiy (taqvodor, parhezkor) kishi ermish... Haq subhonahu taolo agarchi zohir koʻzin yopuq yaratqondur, ammo koʻngil koʻzin bagʻoyat yorugʻ qilgʻondur”.

Ahmad Yugnakiyning “Hibat-ul haqoyiq” (“Haqiqatlar sovgʻasi”) asari eski turkiy tilga mansubdir. Bu asar eski turkiy tilning shakllanishiga juda katta taʼsir koʻrsatgan yozma manbalardan biridir. Asar eski turkiy til davridagi ijtimoiy-siyosiy voqealarning mazmun-mohiyatini ochib bergan. Adibning bu asari pandnoma ruhida yozilgan boʻlib, Dod Sipohsolorbekka bagʻishlangan, adib uni “qashqarcha til” bilan yozilganini taʼkidlab oʻtadi. Adib barcha oʻtgan buyuklar singari oʻz asarini Allohni madh etish va paygʻambar naʼti bilan boshlaydi. Adib xalqini ilm-maʼrifatga chorlar ekan, oʻsha paytdagi ziddiyatlarga qarshi oʻz fikrlarini keng yoritib bergan. Asar 14 bobdan va 254 bayt, yaʼni 512 misradan tashkil topgan.

Adabiyot avvalo kitobxon uchun yoziladi. Adibning ijodi, uning mohiyati eng avvalo, islom dinini bilmasdan, Qurʼonni oʻqimasdan mumtoz adabiyotimiz vakillarini asarlarini oʻqib boʻlmaydi.

Buyuk allomalarimizning asarlariga nazar soladaigan boʻlsak, hech bir asar yoʻqki, dindan yiroq boʻlgan boʻlsa. Adabiyotni dinsiz tasavvur qilish qiyin, ular bir-biriga uzviy bogʻliqdir. Shunday ekan, adabiyotni bilishimiz uchun dinimizni bilmogʻimiz lozim. Xususan, Ahmad Yugnakiy, Alisher Navoiy, Yassaviy, Soʻfi Olloyor kabi buyuk mutakakkirlarimiz ijodiga eʼtibor beradigan boʻlsak, barcha asarlari

islom dinidan ruh, ilhom va fazlu kamol olgani yaqqol namoyon bo‘ladi. Ushbu fikrimizning dalili sifatida “Ilm manfaati jaholatning zarari haqida” deb nomlangan birinchi bo‘limdagi quyidagi fikrni keltiramiz:

**Bilik bo‘l o‘sanma bil ul haq rasul,  
Bilik Chinda ersa siz arqang tedi.**

Ya’ni, mazkur baytda adib hazrati payg‘ambarning “Garchi Xitoyda bo‘lsa ham ilmga intilinglar, chunki ilm olishga harakat qilish har bir mo‘minga farzdir” degan hadisidan foydalangan va uni ixchamlashtirgan.

Bu asar bugungi kunda ijtimoiy va siyosiy muammolarni hal etishga juda katta yordam beradi. Ahmad Yugnakiyning “Hibat-ul haqoyiq” asari mukammalligi bilan o‘z zamonida ham juda katta ahamiyatga ega bo‘lgan asardir. Kundalik hayotimizda juda ko‘plab uchrab turadigan ziddiyatlar mavjud, bularning asosiy sababi tiliga erk berish, mag‘rurlik, yolg‘onchilik, va takabburlikdir. Shular haqidagi ikkinchi bo‘lim “Tilni tiyish va adab-axloq” haqida so‘z yuritmoqchimiz. Hayotimizda turli xil ziddiyatlarga duch kelamiz. Masalan, oila, qarindosh-urug‘lar, quda-andalar, do‘stlar va hamkasblar o‘rtasidagi ziddiyatlarni aytishimiz mumkin. Bu ziddiyatlarning birinchi sababi, suyaksiz bo‘lgan tilimizdur. Mana shu til tufayli oilalarda kelishmovchiliklar, qanchadan-qancha qorako‘zlar yetim bo‘lib qolmoqda, qarindosh-urug‘lar o‘rtasidagi munosabatlarga sovuqlik tushyotgani bugungi kunimizning ayni haqiqatidir.

**O‘chukturma erni tilin bil bu til,  
Bashaq tursa butmas, butar o‘q boshi.**

Ya’ni, insonlarni til bilan o‘chakishtirma, shuni bilginki, bu til yaralasa tuzalmaydi, o‘qning yarasi esa bitib ketadi.

Adibning “Hibat-ul haqoyiq” asari bugungi kunimizning hayotiy haqiqatlaridir. Haqni bilgan insongina bunday xatoni qilmaslikka va Alloh taolo itoatgo‘y, xushmomala bandalarinigina yoqtirishini esdan chiqarmaydi. Bu asarni o‘qigan inson, undagi har bir so‘z hikmat ekanini anglaydi.

Termiziy rivoyatidagi til haqidagi hasan sahih hadislardan birini keltirib o‘tamiz. Mu‘oz ibn Jabal (roziyallohu anhu)dan:

Payg‘ambarimiz Rasululloh sollallohu alayhi vasallam dedilar: Senga ishning boshi, asosi – ustuni va o‘rkachning tepasi – oliy nuqtasi haqida xabar beraymi?!

- Ha! Yo Rosululloh! - dedim men.

- Ishning boshi islom, ustuni islom va o‘rkachning tepasi (ya’ni cho‘qqisi) jihoddir! So‘ng (yana) dedilar:

- Senga mana shularning hammasining asosiy qismi – o‘zagi haqida xabar beraymi?!

- Ha! Yo Rasululloh! - deb javob berdim.

Nabiy sallallohu alayhi vasallam tillarini ushlab dedilar:

- O‘zing uchun manavini tiygin!

- Ey Allohning Nabiyisi, nima biz gapirgan gaplarimizga ham javob beramizmi?!

- Seni yo‘qlab onang yig‘lasin, axir odamlarni yuzlari bilan yoki burunlari bilan, do‘zaxga itarayotgan narsa tillarining mevalar emasmi?! - dedilar Payg‘ambarimiz sollallohu alayhi vassalam.

“Hibat-il-haqoyiq” turkiy adabiyotning bebaho asarlaridan biri ekanligi hammamizga ma’lum. Necha asrlar o‘tibdiki, bu asar bugungi kunda ham o‘z qiymatini yo‘qotmagan va kitobxonlar tomonidan sevib o‘qib kelinmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Alisher Navoiy. Asarlar. 15-tom. T.: 1968.
2. Mahmudov Q. Ahmad Yugnakiyning «Hibat ul-haqoyiq» asari haqida. – Toshkent: Fan, 1972.
3. Imomnazarov M. Ahmad Yugnakiy. Ma’naviyat Yulduzlari. – Toshkent: Xalq merosi, 2001.

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

Ёдгорова Дилдора Фарходовна

Тошкент шаҳар Яшнобод тумани 23-умумтаълим мактаби Кимё фани ўқитувчиси

**Аннотация:** Ушбу мақолада умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитишнинг аҳамияти ва вазифалари, дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш самаралари хусусида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** ўқув стандартлари, педагогик технология, ахборотлар, тарқатма материаллар, кенг қамровли лойиҳаб, етук инсонлар

Кимё предметини ўқитиш мақсадларини аниқлашда биринчи навбатда умумтаълим мактабларида ўқитиш ва тайёрлашни умумий мақсадларига асосланмоқ зарур. Умумий ўрта таълим мақсади, бу таълим, тарбия ва давлат ўқув стандартларига мувофиқ ўқувчиларни фикрлаш, жисмонан, жараёнларида билимлари асосини тўлиқ эгаллашни таъминлаш, ўқувчиларга дунёнинг ҳозирги илмий кўринишини шакллантиришда, кимё фанининг аҳамиятини, англаган ҳолда рационал кўникмаларини ҳосил қилиш.

Ўқувчиларда кимё фанига бўлган қизиқиш ва меҳр, шу предметга масъулиятли муносабат уйғотиш, кимё фанининг ҳозирги даврдаги роли ва ўрни ҳақида тўғри тасаввур шакллантиришни айнан ўқитувчи бажаради. Бундай масъулиятли вазифани бажариш учун ўқитувчининг ўзи янги педагогик технология ва унинг вазифаларига бўлган талабларини эгаллаши керак. Кимё фанининг педагогик функцияси унинг инсонни умумий таълим олишдаги асосий вазифаларини аниқлашдаги хусусиятлари билан аниқланади. Булар:

1. Илмий дунёқараш асосини ташкил қилиш.
2. Мактаб ўқувчиси фикрини ривожлантириш.
3. Мактаб ўқувчиларини амалий фаолиятга, меҳнатга нисбатан бўлган таълимини давом эттиришга тайёрлаш.

Мактаб кимё курслари мазмунини танлашга маълум қарама-қаршиликда турган асосий икки гуруҳ омиллари таъсир кўрсатади: илмийлик ва қулайлик, енгиллик ва умумтаълимга ҳослик. Бир томондан кимёнинг мактаб курси замонавий, ҳаётнинг ҳамма қийин талабларига жавоб бера оладиган, бошқа томондан оддий бўлиши керак. Бу икки талабни бирлаштириш осон вазифа эмас.

Ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар жамоасида ҳамкорлик ва ижодий муҳитни яратишда замонавий педагогик технологияларни ўрни беқиёс.

Замонавий педагогик технологиялар- таълим жараёнини ҳар томонлама мукамал лойиҳалаштириш, аниқ мақсадлар қўйиш ва уларга қафолатланган ҳолда эришиш, режалаштирилган натижаларни амалга ошириш имкониятини берувчи узвий боғланган компонентлар йиғиндиси.

Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда ҳар бир ўқитиладиган мавзуга кенг қамровли лойиҳа ишлаб чиқиш билан бир қаторда, ўқув-методик мажмуа тайёрлаш унинг таркибига лойиҳага қўшимча мавзуга дахлдор бўлган барча ахборотлар, тарқатма материаллар, маълумотномалар, манбалар, улардан фойдаланиш методикаси киритилиши керак.

Янги педагогик технологиянинг вазифалари.

1. Келажаги буюк Ўзбекистонимиз учун ўқувчиларни ҳозирги замон кимё фан асосларини онгли равишда ва пухта ўзлаштиришларига эришиш;
2. Ўқувчиларни кимёни атрофдаги табиатни изоҳлаб бериш ва ундан оқилона фойдаланиш учун зарур бўлган илмий асослар билан таништириш;
3. Ўқувчиларни табиатга тўғри материалистик нуқтаи назардан қараш хусусиятларини ҳосил қилишга алоҳида эътибор бериш лозим.
4. Ўқувчиларни илмий билишини воситаларидан бири бўлган кимёвий экспериментидан фойдалана оладиган қилиб тарбиялаш.
5. Ўқувчиларни меҳнатга ўргатиш – уларни келгуси амалий фаолиятга тайёрлаш зарурдир.
6. Ўқувчиларни кимё фанига қизиқишини янада орттириш.
7. Ўқувчиларни мустақил равишда изланувчанликка ва билим олишга ўргатиш.
8. Ўқувчиларда кундалик турмушда, ҳаётда бўладиган ўқув ва малакаларини ҳосил қилиш.
9. Ўқувчиларни қўлидан келадиган ижтимоий-фойдали ишга жалб қилиш
10. Кимё фанининг ҳаётимиздаги аҳамиятини тушунтириш.
11. Жисмонан бақувват, ақлан етук инсонлар даражасига етказиш.
12. Кимё ўқитиш ўқувчиларни меҳнатсевар, Ватанга муҳаббат, фанга қизиқиш руҳида тарбиялаш керак.

Кимё таълими стандарти – умумий ўрта таълим мактаблари учун тузиладиган кимё таълими дастури ва ўқув материалларининг ҳажмини белгилаб берувчи мезон бўлиб хизмат қилади. Кимё таълими стандарти – кимё таълимида ўқитувчиларнинг давлат ва жамият олдидаги вазифалари, бурчи ва жавобгарлигини қай даражада ҳис қилишлари мезони бўлиб ҳам ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг кимё таълими стандарти-кимё ўқув предметидан ўқувчиларга бериладиган билимлар миқдори, ўқувчилар эгаллайдиган билим, ҳосил қиладиган амалий кўникма ва малакалар ҳажмини кўрсатувчи меъёр бўлиб, умумий ўрта таълим мактабларидаги кимё таълими негизини белгиловчи кўрсаткичлар ўқувчиларнинг кимё таълимидан тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар мажмуасидан иборат бўлган ҳужжат тариқасида тасдиқланади ва хизмат қилади.

Кимё дарсларида ўқувчилар билим ва кўникмаларини текшириш ва баҳолашда тест синовлари муҳим ўрин тутаяди. Ўқувчилардан кимёвий тестларни олишда уларнинг ўзлаштириш даражасига қараб, тест топшириқларини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тест топшириқларида назарий саволлар билан бирга кимёвий масалалардан фойдаланиш яхши самара беради, чунки ўқувчилар бундай масалаларни ечаётганда ўзларининг назарий билимларига



таяниб, мустақил фикрлаш қобилиятини оширадилар. Гуруҳдаги ҳар бир ўқувчининг билим ва кўникмаларига қараб тест материалларини тузиш уларнинг ўзлаштириш даражасининг янада яхшиланишига олиб келади. Ўзлаштириш савияси яхшироқ бўлган ўқувчиларнинг тест топшириқларига нисбатан мураккаброқ масалалардан киритиш билан уларнинг билим савиясини янада ошириш мумкин. Ўзлаштириш савияси ўртача бўлган ўқувчиларга нисбатан энгилроқ масалалар бериб, кейинчалик улар эътиборини анча қийинроқ масалаларни ечишга қаратиш мумкин. Паст ўзлаштирувчи ўқувчилар учун ўтилган мавзулардаги асосий кимёвий тушунчаларни ўзида мужассам этувчи энгил масалалар бериб, уларни масалаларни ечиш усулларини ўрганишга жалб қилиш керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. И.Р.Асқаров, Н.Х.Тўхтабоев, К.Ғ.Ғопиров. Кимё. Умумий ва ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. Т. “Шарқ” – 2017
2. И.Р.Асқаров, Н.Х.Тўхтабоев, К.Ғ.Ғопиров. Кимё-8. Умумий ва ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. Тошкент - 2019
3. И.Р.Асқаров, Н.Х.Тўхтабоев, К.Ғ.Ғопиров. Кимё-9. Умумий ва ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик. Тошкент. “Ўзбекистон” - 2019

## CONTENTS

**Axmatova Oltinoy Jamshidovna, Alimova Shaxnoza Oktyamovna**

Turizm sohasida xorijiy tillarning ahamiyati (pp. 4-5)

**Khadirova Mukhabbat**

The Importance of Terminology in Translation Studies (pp. 6-8)

**Хусан Очилбоевич Хушвақтов**

Модернизация – кишлоқ хўжалиги тараққиётининг асосий омили (pp. 9-11)

**Алиева Нодира Фарходовна**

Биология фанидан “Тирикликнинг тузилиш даражалари” мавзусини ўқитишда инновацион ёндашув (pp. 12-14)

**З.З.Комолов**

Ёшларда ислом маънавиятини шаклланишида таълим тизимининг ўрни (pp. 15-16)

**Неъматов Ашурали**

Ёшлар маънавий дунёсини шаклланишида исломнинг аҳамияти (pp. 17-19)

**Inoyatxon Madimarovna Arzimatova, Jaxongir Madaminovich Muminov**

Social Factors of Artistic and Aesthetic Activity of an Individual (pp. 20-21)

**Inoyatxon Madimarovna Arzimatova, Jaxongir Madaminovich Muminov**

The Role of Life Aesthetics in Personal Perfection (pp. 22-24)

**Миноварова Мадина Муслим қизи, Ахмедова Анорхон Насилбаевна**

Навоий асарларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти (pp. 25-27)

**Jamalatdinova Lazzat Baxtiyarovna, Xalilova Guzal Abdupattaxovna**

Translation Analysis of the Text and Translation Quality (pp. 28-31)

**Турдиева Мохира Джуракуловна**

Игровые технологии как инновационный тип личностно-ориентированного образования (pp. 32-35)

**Akmal Shodiyev**

O'zbekistonda sud tizimi, jinoiy jazolar va ularni liberallashtirish xususiyatlari (pp. 36-37)

**Shukrullayeva Feruza Inom qizi**

“Ikki eshik orasi”dagi hayot chizgilari (pp. 38-39)

**Ярбекова Чарос Шорахматовна**

Лингвокультурная специфика «Повести о Ходже Насреддине» Л. В. Соловьева (pp. 40-41)

**Мадрахимов Улуғбек**

Таълимда инновацион услублардан фойдаланиш (pp. 42-43)

**Mohichehra Rustamova Azamat qizi**

Areal lingvistikada o'zaro o'tish zonalarining o'rganilishi (pp. 44-45)

**Исмоилова Фарзона Бахтиер қизи**

Типология русского и узбекского языков при обзорном анализе (pp. 46-48)

**Убайдуллаев Сардор Ихтиёр ўғли**

Вредители винограда (pp. 49-51)

---

**Исмоилова Мохигул Шухрат кизи**

Трудности изучения категории рода в изучении РКИ (pp. 52-54)

---

**Karimova Nozima Sardor qizi, Xalilova Guzal Abdupattaxovna**

Linguistic Translation Problems: Text as an Object of Translation Practiced (pp. 55-58)

---

**Soliyeva Zohida Zokir qizi**

Effective Methods to Learn English Grammar (pp. 59-61)

---

**Азамжонов Омадилло, Далиев Ш.Л**

Обоснование параметров составного колкового барабана с упругим элементом очистителя хлопка (pp. 62-67)

---

**Mirzokhid Kholmirezayev Fazliddin o'g'li, Sharifjonov Ulug'bek Ravshan o'g'li**

GAT dasturiy ta'minotidan foydalanib avtomobil yo'llari ma'lumotlar bazasini yaratish (pp. 68-69)

---

**Mamajonov Murodjon Abdullojon o'g'li, Mashrabxo'jayev Samandarxo'ja Mamatkarimxo'ja o'g'li**

Avtomobil yo'llari davlat kadastrida "GAT" texnologiyalari (pp. 70-71)

---

**Mutalibov Ibroxim Qosimjon o'g'li, Mamajonov G'ulomjon Ne'matjonovich**

Sementbeton qoplamalarni zamonaviy yotqizish texnologiyasi (pp. 72-73)

---

**Mamajonov Murodjon Abdullojon o'g'li, To'xtashov Fazliddin Misir o'g'li**

Avtomobil yo'llarida harakatni xavfsiz tashkil etishda sun'iy inshootlarning roli (pp. 74-75)

---

**Тян Елена Евгеньевна**

Непрерывное образование (pp. 76-77)

---

**Eshmurzaeva Yuliya Nikolayevna**

Problems Faced by the Students at the English Lessons and Possible Solutions (pp. 78-79)

---

**Abdullaev Hotamjon Xamroevich**

Romanda portret va tush tasviri (pp. 80-82)

---

**Nurxonov Davronbek Xursandboy o'g'li, Dexqonov Abror Erkinboy o'g'li**

Geosetkani yotqizish texnologiyasini tahlil qilish (pp. 83-84)

---

**Abdullaeva Shaxnoza Sulaymanovna**

Using of Computer Technologies in Teaching English at Secondary Schools (pp. 85-87)

---

**Abdurakhimov Azamjon Avazjon o'g'li**

The Hallmarks of Relationship Between Mathematics and Daily Life (pp. 88-89)

---

**Nasibakhon Abdurakhimova Nuriddinjon qizi**

Specific Features of the Designing Lesson Plan (pp. 90-91)

---

**Abdukarimova Gulchexra Baratovna**

Yoshlar ta'lim tarbiyasida qariyalarning o'rni (pp. 92-93)

---

**Горбатенко Татьяна Романовна**

Воспитание детей в семье (pp. 94-96)

---

**Ибадуллаева Азиза Туйчиевна**

Народные ремёсла в современном Узбекистане (pp. 97-99)

---

**Qambarova Sharofatxon**

Alisher Navoiyning hayoti va ijodi, tasviriy san'atdagi tutgan o'rni (pp. 100-103)

---

---

**Холматова Зарина Садыковна**

Опыт лингво-стилистического анализа рифм (pp. 104-108)

---

**Rahimova Hilolaxon Rustamjonovna, Turdiyeva Xurshida Turg'unovna**

Tog' rayhon o'simligining dorivorlik xususiyatlarini o'rganish (pp. 109-110)

---

**Дилноза Баходировна Буронова**

Ҳозирги инглиз ва ўзбек тилларида гапнинг актуал бўлаклари хусусида. Тематик муносабат (pp. 111-112)

---

**Умиркулова Гулхаё Хусниддин қизи**

О спектре одного семейства моделей Фридрихса (pp. 113-114)

---

**Расулов Хайдар Раупович, Яшиева Феруза Юсуф қизи**

Об одной динамической системе с непрерывным временем (pp. 115-116)

---

**Raurova Mehrinigor Haydarovna, Abduraximova Jasmina Sobirjon qizi**

Biologiya ta'lim yo'nalishi talabalarining loyiha faoliyatini tashkil qilish amaliyoti (pp. 117-118)

---

**Аслонов Улуғбек Шамсиддинович**

Иккита бузилиш чизиғига эга бўлган аралаш типдаги тенглама учун чегаравий масала ҳақида (pp. 119-120)

---

**Мамуров Бобохон Жураевич, Шарипова Мубина**

Об одном квадратичном стохастическом операторе в  $S^2$  (pp. 121-122)

---

**Nuriddinova Ferangiz Shamsiddin qizi**

Matematika darslarida o'quvchilarni kasbga yo'naltirish (pp. 123-124)

---

**Гулчехра Мирзалимовна Шарипова**

Как мотивировать школьников изучать английский язык (pp. 125-127)

---

**Татьяна Олеговна Давыдова**

Проблемы обучения английскому языку (pp. 128-130)

---

**Аюпова Мухаррам Ходжимуратовна**

Современные образовательные технологии в процессе обучения на уроках русского языка (pp. 131-132)

---

**Mutalibov Ibroxim Qosimjon o'g'li, Axmadjonov Muhammadyusuf Pozliddin o'g'li**

Sementbeton qoplamalarni asfaltbeton qoplamalardan afzalligi (pp. 133-134)

---

**Н.Каримов, Б.А.Қулматова, Д.А.Буранова**

Ақли қишлоқ хўжалигини юритишда рақамли технологияларнинг жорий этиш масалалари (pp. 135-138)

---

**Тургунова Умидахон Икромовна**

Математикани ўқитишда ноанъанавий дарслар (pp. 139-140)

---

**Abdug'aprov Abdullo**

Sharqdan taralgan ma'rifat nuri: Abu Ali ibn Sino obrazining tasviriy san'atda aks etilishi (pp. 141-142)

---

**Тошева Наргиза Ахмедовна, Исмоилова Дилдора Эркиновна**

Некоторые свойства определителя Фредгольма ассоциированный с обобщенной модели Фридрихса (pp. 143-144)

---

**Расулов Хайдар Раупович, Камариддинова Шохзода Рахмат кизи**

Об одном квадратично стохастическом операторе с непрерывным временем (pp. 145-146)

**Бобоева Муяссар Норбоевна, Жураева Жасмина Журъат кизи**

Преимущества преподавания математики в связи с другими предметами (pp. 147-148)

**Sayliyeva Gulrux Rustam qizi, Choriyeva Gulhayo Shavkat qizi**

Bir okean ekosistemasi qo'zg'almas nuqtalarini aniqlash haqida (pp. 149-150)

**Умарова Умида Умаровна, Ашурова Мафтуна Али қизи**

Знаменитые задачи, решаемые при помощи графов (pp. 151-152)

**Хайитова Хилола Гафуровна, Ибодова Севарабону Тухтасиновна**

Философия чисел (pp. 153-154)

**Исмоилова Дилдора Эркиновна**

Определитель Фредгольма ассоциированный с обобщенной модели Фридрикса (pp. 155-156)

**Abdullayeva Rukhsora**

Zulfiya is a Symbol of Love and Loyalty (pp. 157-158)

**Наргиза Сотволдиева**

Интернет нашрлар фаолиятида тил қоидаларининг бузилиши ва медиа саводхонлик масаласи (pp. 159-162)

**Juraboyev Bakhromjon Bakhtiyor ugli**

Using Authentic Materials on English Lessons (pp. 163-165)

**Abdullayeva Rukhsora**

Short Information about Sheikhzade Maksud (pp. 166-167)

**Djurayeva Dilnoza Davron qizi**

Xizmatlar sohasini rivojlantirishda innovatsion faoliyatini boshqarish mexanizmlari (pp. 168-170)

**Саидова Мохирўза Фарход қизи**

Тахрир муҳаррирнинг юзи ёхуд жараёндаги тафталогия муаммолари (pp. 171-173)

**Shayxislamov Nursulton Zamon o'g'li**

Tilshunoslik nazariyasi va tushunchasi (pp. 174-176)

**Sayitova Mehinbonu Abduqayumovna**

On a Non-Linear P-ADIC Dynamical System (pp. 177-178)

**Bahronov Bekzod Islom o'g'li**

Ikki o'lchamli qo'zg'alishga ega Fridriks modelining xos qiymatlari haqida (pp. 179-180)

**Jo'raqulova Farangis Murot qizi**

O'ng tomoni ikkinchi darajali ko'phad bo'lgan differentsial tenglamalar sistemasining maxsus nuqtalari (pp. 181-182)

**Дустова Шахло Бахтиёрвна, Кодиров Сухайл Орифжонович**

Интегрирование биномиальных дифференциалов (pp. 183-184)

**Дустова Шахло Бахтиёрвна, Хамитова Мадинабону Мирзохид кизи**

Логарифм. Логарифмическая функция и её свойства (pp. 185-186)

**Jo`rayev Sh.I., Hamidov Sherali Shirinovich**

Matematika faniga ixtisoslashtirilgan sinflarda geometriyaga doir masalalar yechishning usullari (pp. 187-189)

**Nilufar Mamatova, Madina Rajabova**

Aniq integralning iqtisodiyotga tadbirlari (pp. 190-192)

**Nargiza Tosheva Ahmedovna, Shodiyev Mirzobek Ubaydullo o'g'li**

Funksional tenglamalar va ularni yechish usullari (pp. 193-194)

**Дустова Шахло Бахтиёровна, Тешаева Шарифа Шокул кизи**

Создание графиков сложных функций с использованием графиков элементарных функций (pp. 195-196)

**Murodova Raykhan, Oltiboyeva Dilnora**

Importance of Information Communication Technologies (ICT) in Education (pp. 197-198)

**Bekchanova Nilufar Baxtiyarovna**

Zamonaviy arxitekturada yangi ashyo turlaridan foydalanish muammolari va istiqbollari zamonaviy gabelen san'atida "Lison ut-tayir" kompaniyasi (pp. 199-201)

**Usmonaliyev Zaynobiddin Adxamjon o'g'li**

Mahobatli rangtasvirning rospis uslubida ko'p qomatli kompaniyaning ilmiy-nazariy tahlili (pp. 202-203)

**Anvarov Asqarbek Akbar o'g'li**

Qishloq xo'jaligi chiqindilaridan tayyorlanadigan devorbop bloklarning xossalarini takomillashtirish (pp. 204-206)

**Anvarova Zilolaxon Jahongir qizi**

Qishloq xo'jaligi chiqindilari asosidagi issiqlik izolatsion materiallarining xossalarini yaxshilash usullari (pp. 207-209)

**Xolmurotov O'tkirbek Hojiqurbon o'g'li**

Furqat – ma'rifatparvar shoir (pp. 210-213)

**Azizov Jahongir Ma'rifjanovich**

Dam olish maskanlarida mahobatli rangtasvirning badiiy yechimi (pp. 214-215)

**Tolkin Askarxo'jayev, Azimxoja Abdulaxatov**

Jag'li siquvchi va bo'rtiq tishli tizimli buldozer otvalida sel natijasida hosil bo'lgan tuproqli massani qazish jarayoni tahlili (pp. 216-219)

**Muratova Saida Yakubovna, Svetashev Aleksandr Aleksandrovich**

Dispetcherlik apparati uchun poyezdlar harakati xavfsizligini ta'minlash usullarini ishlab chiqish (pp. 220-222)

**Дусжанова Асалгул Мансурбековна**

Роль творчества художников в развитии современной мультипликации (pp. 223-226)

**Jobberganova Sohiba Hayitovna, Matchanova Farida Erkinboyevna**

Geografiya fanini o'qitishda interfaol metodlardan foydalanish (pp. 227-228)

**Malikova Dildoraxon Qobilovna**

Globalashuv jarayonida yoshlar mafkuraviy immunitetini shakllantirish masalalari (pp. 229-230)

---

**Джаксымуратов Караматдин, Отелбаев Азизбе**

Перспективы использования базальтовых пород в Узбекистане (pp. 231-234)

---

**Arslanbayeva Munisa**

Diniy ekstremizm va terrorizmning jamiyatimizga salbiy oqibatlari (pp. 235-237)

---

**Ro'zmetov Komil Rajabovich, Ollazarova Farog'at Otabayevna**

Yangi inglizcha so'zlarni o'rganishning oson usullari (pp. 238-239)

---

**Abdiyazova Muhayyo, Ismoilova Onagul**

Ona tilim – kelajagi buyuk tilim! (pp. 240-241)

---

**Ansarova Nilufar Isroilovna, Mirzayeva Gulshod Barxanovna**

Boshlang'ich sinflarda ta'limiy o'yinlar (pp. 242-243)

---

**Nizomova Ra'no Ahmadjonovna**

Interrelation Between Culture and Foreign Language Learning (pp. 244-245)

---

**Турсунова Одина Салимовна, Рахматов Анвархон Акбарали ўғли**

Грамматикани ўргатиш тамойиллари (pp. 246-247)

---

**Ismoilova Gulandom, Qalandarova Mohira**

Boshlang'ich sinf o'quvchilarini tarbiyalashda xaliq maqollaridan va topishmoqlarining ahamiyati (pp. 248-249)

---

**Аллаёрова Шахноза**

Развитие туризма на территории Узбекистана (pp. 250-252)

---

**Хамраев Миразам, Бегимов Нодир**

Божхонада ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини тоифалаш – замонавий боғхона ишининг долзарб мавзуси (pp. 253-255)

---

**Сафаров Муҳаммадқул Абдурахмон ўғли**

Давлат фойдасига воз кечиш процедураси – халқаро боғхона ҳамжамиятнинг стандартлари сифатида (pp. 256-257)

---

**Ахмедов Асилбек Гайрат угли, Файзиев Бахтиёр Тохирович**

Модели рам тележек тепловозов UzTE16M и ТЭП70 в программном комплексе Solid Works (pp. 258-260)

---

**Bahronova Sadoqat Otabek qizi**

Boshlang'ich sinflarda didaktik o'yinlarning ahamiyati (pp. 261-263)

---

**Sodiqjonova Yoqutxon**

Sarlavhalarni tahrirlash va ularni yaratishdagi keng qamrovli yondashuv (pp. 264-265)

---

**Ashurova Maxfuza Ikramboyevna, Quromboyev Suxrob Yo'ldosh o'g'li**

Zamonaviy toifadagi piyodalar ko'priklarini ko'paytirish masalalari (pp. 266-268)

---

**To'rayeva Baxtigul Djo'rayevna**

Maktabgacha yoshdagi bolalar tafakkurini rivojlantirishda didaktik o'yinlarning tarbiyaviy ahamiyati (pp. 268-272)

---

**Tursunova Nasiba Muxiddinovna**

Surxondaryo viloyatining moddiy va madaniy yodgorliklarini saqlash hamda targ'ib qilishda muzeylarning ahamiyati (pp. 274-276)

---

**Rajabova Ozoda Rasulovna, Hakimova Shohida Jo'rayevna**

Microbial Biotechnology Formation and Status (pp. 277-278)

---

**Усмонов Шукурулло Юлбарсович, Солиев Бобоназар Фуломжон ўғли**  
Применения тригенерации и отдельного производства энергетических продуктов для охлаждения (pp. 279-280)

**Mangitbayeva Zayfun Uzakbayevna**  
O`quvchi shaxsiga yo`naltirilgan ta`lim texnologiyalari (pp. 281-283)

**Бахадиров Жахонгирмирзо Абдумажитович**  
Ўзбекистонда реклама тарихи (pp. 284-286)

**Ботаев Мурод Джуманшикович, Назарова Лайло Гелдимурадовна**  
Ишни судга қадар юритиш босқичида халқаро ҳамкорлик шакллари (pp. 287-289)

**Voboyeva Gulhayo Jabbor qizi**  
Trigonometrik tengsizliklarni birlik aylana yordamida yechish (pp. 290-291)

**Soliyeva Zohida Zokir qizi**  
A Sheet with Uneven Edges, Save my Poems... (pp. 292-296)

**Зоирова Интизор Мансуровна, Аннаев Тўхташ Жўраевич**  
Зул-Кифл зиёратгоҳи (pp. 297-298)

**Карабаева Барно**  
Кўриш сезгисининг лингвистик аспекти (pp. 299-301)

**Раззоқов Сардор Фуломжонович**  
Жиноят-процессуал қонун нормаларининг вақт бўйича амал қилиши (pp. 302-305)

**Мирҳалилова Гулноза Илхомжон қизи**  
Аёллар жиноятчилигини ва уни олдини олиш (pp. 306-307)

**Muminova Gulnoza Alibek qizi**  
Trends and Development of the Credit System in Modern Conditions in Uzbekistan (pp. 308-311)

**Хушвақтова Нодира Акрамовна**  
Терговчининг жиноятларни олдини олиш фаолиятида жамоатчилик ёрдамидан фойдаланишни такомиллаштириш (pp. 312-316)

**Хомидов Воҳиджон Адхамович**  
Тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш психологияси (pp. 317-321)

**Зоирова Юлдуз Мансуровна**  
Аждодлардан қолган мангулик мерос (pp. 322-323)

**Yusupova Barchin Abdukarimovna**  
Maktabgacha ta`lim tashkilotlarida nutq o`stirish mashg`ulotlarida innovatsion texnologiyalardan foydalanish (pp. 324-327)

**Soliyev Sarvarbek**  
Zardushtiylikda diniy urf-odatlar va marosimlar tarixi (pp. 328-330)

**Бурханова Шахзода Икром қизи**  
Применение графов в различных областях жизни людей (pp. 331-332)

**Tadjibayeva Dilnoza**  
Hibat-ul haqoyiq (pp. 332-334)

**Ёдгорова Дилдора Фарходовна**  
Умумтаълим мактабларида кимё фанини ўқитишнинг долзарб масалалари (pp. 335-337)